1982/9



ГУЛИСТОН
9
1982

Вх. №

Читателям журнала „Гулистон" и всем трудящимся солнечного Узбекистана с пожеланиями трудовых успехов, здоровья, счастья и мирного неба!

Международный советско-французский экипаж космического корабля „Союз Т-

В. Джанибеков *А. Иванченков* *Жан-Ив Кретьен*

Каникулдан кейинги биринчи учрашув.

Химия дарсида.

Р. Альбеков фотолари

Олтин куз. Республикамизнинг беполён пахта далаларида қизғин терим палласи. Жонажон партиямизнинг XXVI съездн тарихий қарорларини изчил амалга ошираётган миришкор пахтакорларимиз йил бўйи астойдил меҳнат қилиб мўл ҳосил етиштирдилар. Айни шу кунларда колхоз ва совхозларда бутун куч ва имкониятлар далада етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишга сафарбар этилмоқда. Ҳар йилгидек бу йил ҳам қудратли техника пахтакорларимизнинг асосий таянчи бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки зиммамиздаги юксак мажбурият — 5 миллион 950 минг тонна пахтанинг асосий қисми «зангори кема»да териб олинади. Мухбиримиз яқинда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик техникаси таъминоти давлат комитетининг раиси ўртоқ Мавлон Эгамбердиевич Эгамбердиев ҳузурида бўлиб, у билан пахтачиликни механизмлаштиришдаги ютуқлар ва уннинг истиқболлари хусусида суҳбатлашди. Қўйида эътиборингизга шу суҳбат мазмунини ҳавола қиламиз.

МЕХАНИЗАТОР — КАРВОНБОШИ

ГБ УзССР
Ж

Мавлон ЭГАМБЕРДИЕВ билан суҳбат

Мухбир:— Ҳурматли Мавлон Эгамбердиевич! Маълумки, техника қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида бўлганидек, пахтачиликда ҳам ҳал қилувчи кучдир. Бу йил пахтачиликни, хусусан, йиғим-теримни механизмлашга қандай тайёргарлик кўрилди?

Раис:— Партия ва ҳукуматимиз республикамиз қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни тўла индустриал асосга кўчириш учун тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида қабул қилинган Озиқ-овқат программаси бунинг яна бир яққол кўринишидир. Чунки пахта техник экин бўлиши билан бирга муҳим озуқавий экин ҳамдир. Пахта — бу ёғ, чорва учун энг қимматли озуқа. Шунинг учун ҳам пахтачиликни кенг механизмлаштириш ва ишлаб чиқаришга фан ютуқларини кўпроқ жорий этиш йўли билан янада ривожлантириш истиқболлари Озиқ-овқат программасида ўзининг тўла ифодасини топди. Ўн биринчи беш йиллик бу борада яна бир муҳим босқич бўлади.

Республикамиз пахтакорлари ўз зиммаларидаги мажбуриятнинг 4,1 миллион тоннасини терим машиналарида йиғиштириб олишга аҳд қилганлар. Деҳқонларимиз, механизаторларимиз ва қишлоқ хўжалик мутахассислари астойдил ҳамкорликда меҳнат қилиб, об-ҳаво ноқулай келган бу йилги шароитда ҳам мўлжалдаги ҳосилни етиштиришга муваффақ бўлдилар. Ҳозир йиғим-теримда 40 мингга яқин терим машинасидан фойдаланилмоқда. Шундан 3 минг 100 таси тор ва кенг қаторли пахта майдонларининг ҳосилини, шунингдек, уруғлик участкаларнинг пахтасини хиллаб терадиган янги машиналардир. Районлардаги қишлоқ хўжалик техникаси бошқармалари, техника ремонти устахоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари янги ҳосилни териб олишга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрдилар. Айниқса, бу ишни Тошкент, Наманган, Бухоро ва Самарқанд областларининг пахтакорлари намунали уюштирдилар. Ворошилов, Коммунистик, Пискент, Оқдарё, Ангор, Китоб, Задарё, Наманган, Тўрақўрғон ва Москва районларида йиғим-терим механизмлари ўз вақтида ишга туширилди.

Шуни мамнуният билан қайд қиламизки, бу йил ҳам ишчи-деҳқон иттифоқи ўз самарасини кўрсатди. К. Ворошилов номидаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва Тошкент қишлоқ хўжалик химияси машинасозлиги заводларининг ишчилари, инженерлари ва конструкторлари қишлоқ хўжалиги учун, биринчи навбатда, пахтачилик учун зарур бўлган механизмларни тайёрлаб бердилар. Лекин Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи коллективи кўрак терадиган машиналар учун, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи эса пахта тозалаш агрегатлари учун эҳтиёт қисмлари етказиб беришда сусткашлик қилдилар.

Мухбир:— Пахтачиликни ривожлантиришда ва ундан ишлаб чиқариш жараёнини механизмлаштиришда Тошкент технологиясининг аҳамияти катта бўлаётир. Шу технологиянинг моҳиятини ченг шарҳлаб берсангиз.

Раис:— Маълумки, Тошкент технологиясин ижодкорлари пойтахт область пахтакорларидир Пахтачиликдаги бу илғор иш усулини КПСС Мар зий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига канди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетин биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидов обра қилиб Тошкент технологияси деб атади.

— Бу технологиянинг асосий моҳияти, — изоҳлайди ўртоқ Рашидов,— кузги, баҳорги ва парваришидаги барча ишларни ўз вақтида ва фатли қилиб бажаришдан иборат. Ғўзани суғори август ойи охирида тўхтатиш, сентябрь бошлар эса дефолиацияни ўтказиш бу методнинг шартла дандир. Бу эса машина теримини эрта бошлаб, силни 20—25 кун давомида, яъни совуқ тушгу йиғиштириб олиш имкониятини беради. Тошк технологиясининг таркибига кирган ҳар агротехника тадбири техниканн қўллаш би узвий боғлиқдир. Бунда иш жараёнини бажа муддатининг қисқарган, режимнинг мўътадил ишни сифатли бажариш масъулияти механизат лардан юксак маҳорат ва интизомни талаб қил Бунинг учун техника ишончли бўлиши лозим. Ма нанинг мустаҳкамлиги унинг заводда тайёрланиш фатига ва агрегатларнинг ремонт сифатига бог дир.

Республика Қишлоқ хўжалик техникаси таъмин давлат комитети—ремонт бўлинмаларининг кол тивлари техника ремонтини уюштириш ва бажар га ҳамда Тошкент технологиясини ҳамма жойда рий этишга юксак талабчанлик билан ёндашмо лар.

Албатта, пахтачиликни комплекс механизмла ришда эришилган ютуқлар бизни қувонтиради. кин афсуски, техника двигателларининг фой коэффициенти такомиллашмаганлиги сабабли унуми ҳамма вақт ҳам юқори бўлавермайди. Ҳ шу масалада бизга рационализаторлар ва ихтир ларнинг ёрдамлари қўл келмоқда. Масалан, Чирчиқ район қишлоқ хўжалик техникаси бош масида маҳаллий новаторлар яратган гўнгсолги септгич агрегатларидан бир неча йилдан бери фойдаланилмоқда. Ўша ерда чигит увитиш қури си ҳам тайёрланди. Бошқа районлар қатори бу он хўжаликларида ҳам кўп йиллар ғўзани дефо ция қилишда самолётлардан фойдаланилди. Б кейинги йиллар тажрибаси ва фан тавсиялари фолиацияни ерда ишлатиладиган механизмлар лан ўтказиш мақсадга мувофиқ эканини кўрс

БЕШ ЙИЛЛИК РЕЖАЛАРИ АМАЛДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 9 (391)

Сентябрь

1982

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Инв. №



Тошкент область, Коммунистик районидаги Карл Маркс номли пахта тайёрлаш пунктида «оқ олтин» оқими.

Янгибозор пахта тайёрлаш пунктида иш қизғин.

Мана, етти йилдирки, Урта Чирчиқ райони хўжаликларида дефолиацияда «ОВХ—14» пуркагич-чанглагич агрегатларидан самарали фойдаланилмоқда.

Шуниси қувонарлики, Тошкент технологияси республикамизнинг бошқа область ва районларида ҳам кенг қўлланилмоқда. Ҳа, пахтачиликни механизмлаштиришда ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибаси деҳқонлар оммасининг ютуғига айланмоқда. Ўйлаймизки, Тошкент технологиясини қўллаш билан боғлиқ бўлган техник тараққиёт янги, мукаммал машиналар ва механизмларни ишлаб чиқаришга ҳам катта таъсир кўрсатади.

Мухбир:— Республикамизда янгичка толали пахтани етиштиришни ривожлантириш истиқболлари катта. Уни машиналарда териб олиш имкониятлари қанақа?

Раис:— Маълумки, 1977 йилдан бери қатор оралари 60 сантиметрли ғўзаларнинг пахтасини терадиган «ХВН-1,2А» машинаси ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозир эса 80 от кучига эга бўлган «МТЗ-80Х», «ХВН-80Х» терим машиналари ҳам чиқарилмоқда. Албатта, бу — техник тараққиётимизнинг ютуғи. Эндиликда юз от кучига эга ва иш унуми нисбатан юқори бўлган тракторлар ҳам пайдо бўлмоқда. Терим машиналарининг шпинделлари такомиллаштирилмоқда. Урта Осиё механизмлаштириш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг олимлари, инженер, конструкторлари диаметри 30 сантиметр бўлган шпиндель яратдилар. Ихтирочиларнинг фикрича, бу хил шпинделлар пахтанинг ўралиб қолишини кескин камайтиради ва уни тозалашни осонлаштиради. Демак, бу хил машиналар яқин икки-уч йилда янгичка толали пахта теришни кенг механизмлаштириш имкониятини беради. Албатта, ҳали олдинда бу хил машиналар синалади, шундан кейингина уни кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу жараёнлар қанчалик тезлашса, янгичка толали пахта етиштирувчи деҳқонларимизнинг ташвишлари шунча енгиллашади.

Мухбир:— Мана, икки-уч йилдирки, конструкторларимиз уруғлик пахтани терадиган машина яратдилар. Лекин нимагадир ҳануз бу борада қўл теримига зўр берилаётир. Сабаби нимада?

Раис:— Гап шундаки, уруғлик пахтани терадиган «ХВА-1,2» ва «ХВБ-1,8» машиналари ҳали қатор конструктив ва ишлаб чиқариш камчиликларига эга. Аниқроғи, бу машиналар қабул камераларининг, шпинделлар пастки таянчларининг ҳамда ҳаракатлантирувчи қайишларнинг барвақт ишдан чиқиши, ҳаво йўлларида босимнинг камайиб кетиши каби камчиликлар мавжуд. Булар машиналарнинг иш унумига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда терим машиналари Махсус давлат конструкторлик бюроси ва Урта Осиё механизмлаштириш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг олимлари, конструкторлари мазкур машиналарнинг конструкцияларини такомиллаштириш устида ишламоқдалар. Янги конструкциялар бу йил синовдан ўтади.

Мухбир:— Уртоқ Леонид Ильич Брежнев республикамизга учинчи марта Ленин ордени топширишга бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида пахта толаси сифатининг нисбатан пастлигини уқтириб ўтди. Пахта толасининг сифатини ошириш учун қандай тадбирлар кўрилаётир?

Раис:— Бу ўринда яна гапни Тошкент технологиясидан бошлашга тўғри келади. Негаки, мазкур технология фан тавсияларига амал қилиш ва илғор тажрибадан фойдаланишни кўзда тутади. Пахтанинг тола сифати агротехника тадбирларига боғлиқ. Агротехника тадбирлари қанчалик тўғри ва сифатли ўтказилса, толанинг сифати ҳам шунча яхши бўлади. Агар хўжаликлардаги мутахассислар фан тавсияларига қатъий амал қилсалар, машина теримига ҳосилнинг 55—60 проценти очилганда тушишни ташкил этсалар, табиийки, пахтанинг сорти ортади.

Маълумки, тола сифатига ёғингарчилик ҳам таъсир қилади. Шунинг учун машина теримини қисқа муддатда — ёмғирли кунлар бошлангунча ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Партиямизнинг Озиқ-овқат программасида янги, мукаммал машиналарни яратиш, мавжудларини янада такомиллаштириш кўзда тутилган. Биз барча ишларни ана шу тарихий программада белгиланган вазифалар ва талаблар асосида ташкил этишимиз лозим

Суҳбатни Ш. СИДДИҚОВ олиб борган



Урта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли хўжалик аҳли Тошкент технологияси талабларига қатъий риоя қилгани сабабли йил сайин мўл пахта ҳосили етиштирмоқда. Суратда: колхоз далаларида машина теримн.

В. Таран фотоси

КОСМОСДАГИ ҲАМКОРЛИК

1982 йил жаҳон космонавтикаси тарихига янги саҳифалар қўшди. Бу йил яна бир мамлакат — Франция совет космик кемасида, машҳур совет космодроми Бойқўнғирдан ўз космонавтини фазога парвоз эттирди. Франциянинг биринчи космонавти Жан Лу Кретьен совет касбдошлари билан биргаликда космик орбитага кўтарилди. Саккиз кун давомида совет космонавтлари Владимир Жонибеков ва Александр Иванченков, шунингдек, француз космонавти Жан Лу Кретьен «Салют»—«Союз» илмий-тадқиқот комплекси бортида фанни янада тараққий эттириш, Совет Иттифоқи ва Франция ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадига бўйсундирилган кенг миқёсли илмий тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказдилар. Шу тариқа совет ва француз олимлари қарийб икки йил ҳамкорликда олиб борган катта ва сермашаққат меҳнат ниҳоясига етди.

...1980 йил сентябрь ойида хушқомат икки француз учувчиси Подмосковьедаги Звёздний шаҳарчасига қадам қўйди. Улар Жан Лу Кретьен ва Патрик Бодри эди. Ҳар икки француз учувчиси Ю. А. Гагарин номидаги Космонавтларни тайёрлаш марказига 1982 йил ёзига мўлжалланган ҳамкорликдаги совет-француз космик парвозида қатнашиш учун қатъий қарор билан келган эдилар.

Одам бошқарадиган ҳар бир космик парвоз Бойқўнғирдан бошланади. Аммо, парвоз кунига қадар Звёздний шаҳарчасида узоқ ва сермашаққат тайёргарлик кўрилади. Машқ пайтларида космонавтлар режалаштирилган парвознинг ҳаракат программасини муфассал тарзда ўзлаштириб оладилар. Француз космонавтлари ҳам астойдил тайёрландилар, деярли бир йил давомида космик кеманинг тузилишини, уни бошқаришни ўргандилар, парвоз давомида ўзлари ўтказишлари лозим бўлган илмий экспериментлар билан танишдилар. Космонавтлар навбатдаги медицина кўригидан муваффақиятли ўтдилар. Экипаж командири этиб В. Жонибеков тайинланди. Совет-француз космик парвозига тайёргарлик ўз маромида давом этди.

Ҳамюртимиз Владимир Жонибеков ҳақида сўзлаш менга завқ бағишлайди. Бу ажойиб одам билан танишганимга анча вақт бўлди. Унинг барча космик парвозларини журналист сифатида ёритиб борганим билан фахрланаман. Ҳар сафар республикамиз вакили Владимир Жонибеков навбатдаги экипаж командири этиб тайинланганида, сидқидилдан қувонганман. 1975 йил июль ойида «Союз» — «Аполлон» экспериментал космик парвози давом этаётган кунларда, шу улкан воқеа иштирокчиси бўлмиш В. Жонибеков, илтимосимизга кўра программани амалга ошириш жараёнини республикамиз радиотингловчилари учун шарҳлаб берди. Сўнгра, биз у билан ҳар бир космик парвозининг бошланишидан аввал ва тугалланганидан кейин учрашиб турдик.

1980 йилнинг қишида, у борт-инженер Олег Макаров билан биргаликда ўзларининг космик кемаларини «Салют» орбитал станциясига туташтирганларида, одам бошқарадиган космонавтика тарихида биринчи марта «Салют»—«Союз» орбитал илмий тадқиқот комплекси яратилди. Натижада айнан ўша вақтда «Салют—6» станциясига бориш учун халқаро экспедицияларга йўл очилди.

1981 йил март ойида, француз космонавтлари назарий ўқув курсига қатнаб юрганларида, В. Жонибеков совет-монгол экипажининг командири сифатида иккинчи марта космик парвозни амалга оширди. Энди эса В. Жонибеков Франция мамлакати космик парвозлар солномасининг биринчи саҳифасини очишга қатнашган совет космонавтларидан бири бўлди.

Биз «Ўзбектелефильм» студиясининг ижодий гуруҳи билан «Космонавт Владимир Жонибеков» деб аталадиган телевизион ҳужжатли фильм яратиш мақсадида Звёздний шаҳарчасига келганимизда, халқаро экипаж ҳамкорликда машқлар бошлаганига икки ой бўлган эди. (Эсингизда бўлса, бу фильм ҳамкорликдаги совет-француз космик парвози давом этаётган кезларда Марказий телевидение, шунингдек, Ўзбекистон телевидениеси томонидан намойиш қилинди). Ўшанда бўлғуси экспедициянинг иштирокчилари билан танишган эдик.

— Шу қисқа муддат ичида биз бир-биримизни билиб олгандик, нигоҳимиздан, лабимизнинг қимирлашидан нима демоқчи эканлигимизни англаб етгандик,— деган эди Жан Лу Кретьен. Унинг бу гапларининг тўғрилиги космик парвоз чоғи тўла тасдиқланди. В. Жонибеков илмий экспериментлардан бири якунланганидан кейин навбатдаги алоқа боғлаш вақтида Жан Лу Кретьен ўзи илтимос қилмоқчи бўлган ишни ҳали айтмасиданоқ бажарганлигини таъкидлади. Сўз экспериментларга бориб етган экан, уқтириш керакки, агар фақатгина миқдорий жиҳатдан айтадиган бўлсак, аввало халқаро парвозлардан фарқли равишда бу экспедицияда экспериментлар камроқ бўлди. Лекин мазкур парвоз муайян илмий муаммоларнинг — хоҳ астрофизика, хоҳ технология ёки хоҳ медицина бўлсин — янада чуқур ўрганилиши билан алоҳида ажралиб туради.

Совет-француз илмий экспериментлари кенг миқёсли ранг-баранг вазифаларни қамраб олди. Космонавтлар космик маконни ва ер атмосферасини тадқиқ этиш билан шуғулландилар. Улар ниҳоятда сезгир аппаратлар ёрдамида бошқа планеталарда чанг ва газ тўпланишини кузатдилар. Ой орбитасининг махсус нуқталарини назардан ўтказдилар ва бошқа астрофизик кузатувлар олиб бордилар.

Бу экспериментлар орбитал комплекснинг узоқ вақт давомидаги ғоят аниқ ориентациясини талаб қилар эди. Космик техника ва экипаж бу қийин вазифани муваффақиятли бажарди.

Совет Иттифоқи ва Франция олимлари, мутахассислари томонидан тайёрланган технологик экспериментлар ва медицина-биологик тадқиқотлар ҳам ўтказилди. Мутахассисларнинг уқтиришларича, космонавтлар бу вазифаларни ҳам аъло даражада адэтдилар. Парвоздан кейин Жан Лу Кретьен бу ҳақдтўхталиб: «Мен космосда экипажнинг дўстлик руҳинҳис этиб турдим. Бу дўстлик халқларимиз ўртасидагдўстликнинг ёрқин мужассами эди», деди. Биринчфранцуз космонавтини В. Жонибеков ва А. Иванченков сингари дўстлари, совет олимлари ва космонавтика соҳасидаги мутахассислар Ватанига кузатаётганларида ҳам у ўз дил сўзларини айтди:

— Кейинги икки йил ичида ҳосил бўлган энг катта таассуротим шундай: мен учрашган барча совекишилари содда, меҳмондўст, ишда фидойи инсонлардир. Дўстликни эъзозлаш ва мақсад йўлида матонат кўрсатиш, менинг назаримда, барча совет кишиларига хос хусусиятдир.

Мен уларнинг космик парвозлари ҳақида «Гулистон» журналига мақола ёзмоқчи эканлигимни билгач, В. Жонибеков экипажнинг катта рангли суратинолди-да, ўзининг хаттотларча дастхати билан: «Гулистон» журнали ўқувчиларига ва қуёшли Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига меҳнатда муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва осмонлари тинч бўлишинтилаймиз», деб ёзди ва қўл қўйди. Бу истакни экипажнинг бошқа аъзолари — Жан Лу КретьенА. Иванченков қўллаб-қувватладилар ва сурат остига жон-дил билан имзо чекдилар.

Сўнгра суҳбатимизни Жан Лу Кретьен тағин давомэттирди:

— Менинг бир орзуим амалга ошди: космосдбўлдим,— деди у.— Энди яна бир орзуим бор: сизнинг республикангизга, қуёшли Ўзбекистонга боришниятидаман. Оғир машқлар оралиғидаги қисқа нафасни ростлаб олиш дақиқаларида командиримибизга она диёри — Ўзбекистон ҳақида кўп яхшгапларни айтган. Республикангизда бир неча мартбўлган ўртоқларимиз — экипажимиз борт-инженерА. Иванченков, раҳбарларимиз — В. А. Шаталов вГ. Т. Береговой В. Жонибековнинг сўзларини тадқиқлаб, республикангизнинг гўзаллиги, меҳнаткаодамлари, унинг бой тарихи ҳақида ҳикоя қилганларидан кейин, кўнглимдаги бу орзу янада алангаланди. Умид қиламанки, бу орзуим ҳам амалга ошадШундай деб, дадил гапираётганим бежиз эмас: Владимир Жонибеков мени Ўзбекистонга меҳмонга талиф этган.

— Республикамиз меҳнаткашлари азиз меҳмонларни ҳамиша хушнудлик билан кутиб оладилар,— дедим мен.— Зеро, космонавтлардек мўътабар меҳмонларга ҳамиша қучоғимиз очиқ.

Раҳимжон СУЛТОНО

Москва

ҚУДРАТИМИЗ ЕТАРЛИ

Уренгой — Ужгород газопровод магистрали муддатида ишга туширилади!

Шу йил 18 июнда АҚШ президенти Рейган нефть ва газ ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ускуналарни СССРга беришдан воз кечганлигини эълон қилди. Ҳатто у Ғарбий Европа ва Япония фирмаларида Америка лицензиялари бўйича ишлаб чиқарилаётган ускуналарни экспорт қилмаслик учун ўз иттифоқчиларига таъсир кўрсатишга уринди. Сиёсий масалалар бўйича АҚШ мудофаа министрининг ўринбосари Фред Икле ҳам америкача бойкотнинг ашаддий ташаббускорларидан бири сифатида совет экспорт газопроводини қуришда Ғарбий европаликлар зиммасига тушган молиявий харажатлар кўп, деб жар солди. Ваҳоланки, тузилган шартномага кўра, Уренгой — Ужгород газопроводини қуришдан Ғарбий Европа мамлакатлари баб-баравар манфаатдордирлар.

Океан ортидаги ғоявий мухолифларимиз Оқ уйнинг бу «тадбири» Сибирдан Ғарбий Европага ўтказиладиган газопровод қурилишини гарчи тўхтатолмаса ҳам, унинг қурилишини кечиктиради, деб айюҳаннос солмоқдалар. Ваҳоланки, бунақа газопроводни ўз ички имкониятларини ишга солиб қуриш учун мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати бемалол етади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Уренгой — Ужгород экспорт газопроводи қурилишини таъминлаш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Партия ва ҳукуматимизнинг бу муҳим қарорини бутун совет халқи сингари республикамиз меҳнатчилари ҳам қизғин кутиб олдилар. Республикамиз саноат корхоналарида бўлиб ўтаётган митингларда ишчилар, инженер-техник ходимлар АҚШ президентининг халқаро-иқтисодий сиёсатини қоралаб, Уренгой — Ужгород газопроводини муддатида қуриб битказиш учун ўз ҳиссаларини қўшажакларини якдиллик билан билдирдилар. Тошкентдаги Ўрта Осиё Электр аппаратлари тайёрлаш ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам шундай митинг бўлиб ўтди.

— АҚШ президенти Рейганнинг халқаро ҳамкорликни чеклаш сиёсати,— деди металларни конструкциялаш цехи бошлиғининг ўринбосари, коммунист Ҳабибулла Худойбердиев митингда сўзга чиқиб,— фақат капиталистларнинг ўзи учун қийин. Мамлактимиз Уренгой — Ужгород газопроводини қурфойдаланишга топширишларига ишончимиз комКПСС Марказий Комитети ва СССР МинистрлаСоветининг мазкур газопровод қурилишини таминлаш тадбирлари тўғрисидаги қарорида худшу нарса қатъий таъкидланди. Бирлашмамиз колективи ҳам партия ва ҳукуматимизнинг қарорижавобан Уренгой — Ужгород газопроводи қурувчлари учун 300 комплект бошқариш пульти тайёрлаберишга қарор қилди. Ҳозир шу механизмларничизмалари ва бошқа техник ҳужжатлари устида қиғин иш олиб боряпмиз. 1983 йил давомида улкгаз иншооти учун зиммамизга олган механизмлани тўла-тўкис тайёрлаб берамиз.

Митингда сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Олий Свети депутати, электр монтажчи Людмила Валитовконструктор-инженер Муборак Абдуллаева ва боқалар Уренгой — Ужгород газопроводи қурилишучун фаол ёрдам кўрсатажакларини билдирдила

Ҳа, Оқ уйдаги сиёсатдонлар Сибирь-Ғарбий Еврпа газ магистрали қурилишига халақит беришга қачалик уринмасинлар, бу улкан саноат иншооти бегиланган муддатда фойдаланишга топширилад1984 йилдан бошлаб Уренгой — Ужгород газопрводи бўйлаб газ узатила бошланади. Мамлакатимиишчиларининг, инженер-техник ходимларининг бборада аҳди қатъий.

Ҳамид ҒУЛОМ

ДАФ БЎЛСИН ИСРОИЛ ДЕГАН КУШАНДА!

Бурж ал-Баражнада, яъни Лубнонда,
Ўз она юртидан йироқ-йироқда
Бир бола туғилди машриқ томонда,
Омонат чодирда, ғамда, фироқда...

Лекин, зурёд ширин: фаластин ота
Болага Саъди деб эзгу ном берди.
Она икки қўли — икки қанотда
Чақалоқни қучиб, ардоқлаб юрди.

Ҳали чилласи ҳам чиқмасдан, Саъди —
Дунёдан бехабар мурғак бир вужуд
Портлашлар зарбидан тун-кун ингранди,
Жажжи ўпкасини заҳарлади дуд.

Фантомлар жаҳаннам ўтини сочди,
Вайрон бўлди маскан Бурж ал-Баражна.
Аланга қамраган чодирдан қочди,
Бағрига босганча Саъдини она.

Бола чинқиради... Она солар дод,
Бошқа оналар ҳам, бутун бир халқ ҳам.
Куррани титратар бу чексиз фарёд,
Оромини буткул йўқотди олам.

Узоқ Америка, Вашингтонда
Рейган қузурида зўравонлар жам,
Исроил қутурар...
мажруҳ Лубнонда
Миллион одам сарсон,
жажжи Саъди ҳам;

Бошида қузғунлар варанглар тун-кун,
Ортида гуруллар душман танклари.
Бир ютум ҳаво йўқ, фақат ўт, тутун,
Нозик қошларида — уруш чангларн...

Миллион жон ва Саъди...
Йўлнинг бўйида
Қўғирчоқ кўринди — ранги товланар.
Гўёки, рақҳоса ниқоҳ тўйида,
Кўзни қамаштириб, у оловланар.

Она оломондан чиқади секин,
Қўғирчоққа аста узатади қўл,
Саъдига бермоқчи бўлади, лекин
Бирдан ўкиради оловли довул,

Портлайди қўғирчоқ — бомба...
Она ҳам,
Бола ҳам ҳавога учар бир онда...

Эй башар,
эй Қуёш фарзанди —Одам!
Билиб қўй,
бу бари қадим Лубнонда.
Унда диллар пора,
унда оқар қон,

Унда кора вабо бошлаган хуруж.
Унда — зўравонлик, таҳлика, қирон,
Унда зулм қутурар,
қутурар уруш.

Башар,
қулоқ солгил:
у ўтли фарёд —
Гуноҳсиз Саъдилар мунгли фиғони.
Ларзада Куррамиз,
ларзада Ҳаёт,
У нидо титратар бутун дунёни.

Билиб қўй,
Саъди — бу Бахтдир
ва Нурдир,
Ғунчалар лабида жилва гулшанда.
Бахтнинг ёвларини беомон ўлдир,
Даф бўлсин Исроил деган кушанда!

Саъдилар туғилсин ўз заминида,
Уларни одамзод севиб йўқласин.
Йигирманчи аср — Эрк замонида
Зўравонлик битсин,
қирон тўхтасин!

Эркин ВОҲИДОВ

Исроил солдатига

Сенга киядирдилар амиркон этик,
Сенга тутқиздилар амиркон қурол.
Яродор қушга ит солган овчидек
Сенга буюрдилар: «У сеники, ол!»

Уқтирдилар: «У юрт сенинг маконинг!»
Ундадилар «қутлуғ, шонли жанг» сари.
Энди тарихларга битажак «шонинг»
Байрут, Алкунитра вайроналари.

Бу надир? Қисматнинг турфа инъоми,
Ё чаппа юрдими бу гардуни дун?
Минг йиллар ваҳшатин тортган эл номи
Ваҳшат тимсолига айланди бу кун.

Йўқ, йўқ! Халқда не айб! Унинг кўнглига
Олий ирқ даъвоси солганлар — қотил.
Туман олтин тўкиб жаллод қўйнига
Пири саҳо номин олганлар — қотил.

Сен эй солдат, Лубнон юртига бу кун
Олиб келмиш сени бахтингмас, шўринг.
Энди кўтаролмай гуноҳлар юкин
Чўкар бўлди ўзга тупроқда гўринг.

Нечунким, зобитлар қисмати аён,
Забт этган чоғда ҳам ярим дунёни —
Оқибат бўғзидан тутгай бегумон
Гуноҳсиз тўкилган гўдаклар қони.

ҚАЛБ ДАЪВАТИ

Зокин тун. Электр нурларига ғарқ
ган ҳовли атрофидаги дарахтлар
бубага таъзим бажо қилаётгандек
лади. Япроқларнинг шитирлаши,
ғаларнинг сирли шовуллаши аёл
бини ром этади. У ширин уйқуда
ин онаси Анор хола ва фарзанд-
ини уйғотиб юбормаслик учун
учида юриб ҳовлига тушди, си-
лардан, қўнокда мудраётган то-
лардан хабар олди. Борлиқ уйқу
ида, фақат у ҳали ҳам иш билан
маланиб юрибди.
6-пахтачилик бригадасининг бош-
Муқаддас Холиқованинг кўшни
ммунизм» колхози партия ташки-
секретарлигига сайланганини
ди-ю, Маҳбубанинг кўнглини
бир орзу чулғади: агар маъқул
шса, ана шу бригадани бошқар-
бўлмасмикин! Унинг коммунистик
ми ҳам ана шунга даъват эта-
. Колхоз боғчасига кўп йиллар
мралик қилди, мана, эндиликда
олар тарбиясининг нозик сир-ас-
ини пухта эгаллаган олий ва ўрта
умотли мутахассислар етишиб
ди. Улар бу ишларни ундан кўра
пухтароқ бажаришга қодир. Ўзи эса пахтачилик бригадасини уддалашига ишонади. Шунча пайт деҳқонлар орасида яшаб, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлди, энди улар билан бирга тер тўкиш гаштини ҳам бирга тотиш унинг учун эзгу бир ниятга айланиб қолаётир. Колхоз партия комитетининг аъзоси сифатида ҳам хўжалик олдида турган вазифаларнинг баридан огоҳ. Майли, тонг отсин-чи, яқинлари билан маслаҳатлашиб бир фикрга келар...

Маҳбуба дастлаб кўнглини ойисига ёрди:

— Ойи, пахтачилик бригадасига ўтиб ишламоқчиман. Сиз нима дейсиз?

Дабдурустдан берилган бу саволдан Анор хола лол бўлиб қолди.

— Нима, теримчи бўлиб ишламоқчимисан?— сўради онаси.

— Йўқ. Бригадир бўлиб... 6-бригададаги Муқаддас ўрнига...

— Ахир, бригадани уддалаш осонми, қизим. Унда оқ халатни ечиб, этик кийишга тўғри келади. Қайдам, яна ўзинг биласан. Отанг ҳаёт бўлганида тўғрироқ маслаҳат берармиди.

— Ойи, Муқаддас ҳам бошида менга ўхшаган тажрибасиз эди. Елди-югурди, билмаганларини сўраб ўрганди. Натижада иши юришиб, номи элнинг оғзига тушди. Мана, бугун катта бир колхоз парткомининг секретари даражасига кўтарилди.

Қизининг нияти қатъий эканлигига кўзи етган она розилик берди.

Маҳбуба эртасига ниятини қоғозга тушириб, колхоз партия комитетининг секретари Бектой Умаровга топширди. Партия комитетининг навбатдаги йиғилишида бошқа масалалар қаторида Маҳбуба Зокированинг аризаси ҳам муҳокама қилинди.

— Бригадирликнинг ташвиши кўп. Йил-ўн икки ой тиним билмайди. Шунга чидармикин...,— деган мулоҳазага борди баъзилар.

— Ахир, юраги дов бериб ариза ёзибди-ку... Холиқовадан нимаси кам,— деб Маҳбубанинг тарафини олди партком секретари.

Хуллас, Маҳбуба Зокирова бригадирлик учун колхоз правлениесига тавсия этилди. Шу-шу у хўжаликнинг 6-пахтачилик бригадасига бошлиқ этиб тайинланди.

Мана шу воқеага ҳам икки йил бўлди. Маҳбуба колхоз партия комитети ва правлениесининг ишончини оқлаш учун тинмай ҳаракат қилди. Хўжалик мутахассислари билан бамаслаҳат иш кўрди, тажрибали деҳқонларнинг ёрдамига таянди. Лекин бари бир биринчи йили анча қийналди. Ноқулай об-ҳаво шароити унинг учун ортиқча ташвишлар туғдирди. 1980 йил май ойи охирида ёққан дўл мавж уриб ўсаётган ғўзаларга жиддий зарар етказди. Нимжон бўлган ғўзаларни етказиб олиш учун ҳазилакам меҳнат қилинмади. Ғўзаларни икки марта қўшимча озиқлантиришга тўғри келди. Экин қатор ораларига уюшқоқлик билан ишлов берилди. Ўша йили коммунист Маҳбуба Зокирова бригадаси пахта тайёрлаш планини катта қийинчиликлар билан бажарди.

Икки йиллик якун ва тажриба Маҳбубанинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлади. Мана шунинг учун ҳам у бошлиқ коллектив СССРнинг 60 йиллиги шарафига гектаридан 40 центнер ҳосил етиштириш мажбуриятини олди. Ўн биринчи беш йиллиқнинг дастлабки йили эса у бошлиқ коллектив учун қувончли бўлди. Мавжуд 72 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27,6 центнер пахта олинди, 120 гектар канопзодан ҳосилдорлик эса гектарига 221 центнерни ташкил этди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг Маҳбуба Зокирова бошлиқ бригадаси пайкалларида мавж урган ғўзалар бу йил ҳам коллектив зиммасига олган мажбуриятини қоплайдиган даражада ҳосил олинишидан далолат бермоқда.

Малика ХЎЖАЕВА

МАЪМУРЧИЛИК ШАРОФАТИ

«Озиқ-овқат программасини бажариш миллион-миллион совет кишиларининг зўр ғайрат билан меҳнат қилишини талаб этади. Кадрларимизнинг билимлари ва ташкилотчилик санъати, партиямизнинг омма ўртасидаги ишларда тўпланган бутун бой тажрибаси — шуларнинг ҳаммаси ишга солиниши лозим».

Л. И. БРЕЖНЕВ

Фарғона областининг меҳнаткашлари ярим миллион гектардан зиёд ерларда деҳқончилик ишлари олиб бормоқдалар. Пахтадан, пилладан, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан йил сайин тобора мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Бу областда тараққиёт суръатини тасаввур этиш учун КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан буён ўтган қисқа муддатда қўлга киритилган муваффақиятларга назар ташлаш кифоя: пахта етиштириш 125 минг тоннага кўпайди, дон 16 марта, мева-сабзавот 3,4 марта, гўшт 2,5 марта, сут 2,3 марта, тухум 3,7 марта кўпайди. Бу ерда сўнгги 17 йил ичида аҳоли сони 700 минг кишига ортганлиги инобатга олинса, 1990 йилгача мўлжалланган Озиқ-овқат программасини бажариш қанчалар катта аҳамиятга эга эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Барча совет халқи қатори Фарғона области меҳнатчилари ҳам жонажон Коммунистик партия ғамхўрлигига жавобан ана шу долзарб, масъулиятли, мураккаб ва шарафли вазифани бажаришга астойдил киришганлар.

Шу йил июнь ойининг бошларида Халқ депутатлари Фарғона область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Область Советининг сессияси КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини, Пленумда ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР-нинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси тўғрисида ва уни амалга ошириш тадбирлари ҳақида» қилган докладидаги қонда ва хулосаларни, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI Пленуми шу масалалар юзасидан қабул қилган қарорларини тўла-тўкис маъқуллади ҳамда раҳбарлик ва ижро учун қабул қилди.

Область Советининг депутатлари КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари коммунистик қурилишимиз солномасига битилган ёрқин саҳифа эканлигини, ривожланган социализм шароитида ишлаб чиқариш кучларининг ҳам, ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳам имкониятларини янгичасига очиб берган босқич эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Областда суғориладиган ерлар кам, яқин ўн йиллик ичида у атиги яна 5 процентга кўпаяди, холос. Пахтакорлар олдида эса ҳосилдорликни гектар ҳисобига ўртача 35—38 центнерга етказиш вазифаси турибди. Бундай маррани қўлга киритиш учун резервлар борми? Бор бўлса, у нималардан иборат?

Кенгашли тўй тарқамас, деганларидай кўпчилик маслаҳатлашиб бир қарорга келдилар: областда 1020 та бригада юқори ҳосилдорликка эришган коллективлардан ҳисобланади. 45—50 центнердан ва

Озиқ-овқат программаси амалда

ундан ошириб ҳосил олаётган бригадалар ҳам талайгина. Агар орқада қолган коллективлар ҳам илғорлар даражасига олиб чиқилса, область миқёсида қўшимча 70 минг тонна пахта олиш мумкин.

Озиқ-овқат программасида мева ва сабзавот етиштиришга алоҳида ўрин ажратилган. Ўн иккинчи беш йилликда область хўжаликлари сабзавот етиштиришни ўнинчи беш йилликдагига нисбатан 1,6 марта, картошкани 2 марта, полизчилик маҳсулотларини 1,7 марта, меванн 1,9 марта, узумни 2,5 марта кўпайтириш режаларини белгиламоқдалар. Шу йилнинг ўзидаёқ мева-сабзавот тайёрлаш 300 минг тоннага етказилади. Мева-сабзавотчиликни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири—соҳани тисослаштириш ва концентрациялашдан иборатд Шунинг учун областда ҳозир 16 та ихтисослаш совхоз ташкил этилди.

Аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўл эҳтиёжини тўлароқ қондириш партия ва ҳукума мизнинг яқин йилларга мўлжалланган энг мух тадбирларидан биридир. Область чорвадорларин ғайратли меҳнати билан 1985 йилга келиб гўшт, ва тухум етиштириш 1,7—1,9 марта, сўнгг 2—2,3 марта кўпаяди. Ана шу марраларни эгалл учун чорвадорлар озуқа базасини мустаҳкам моллар ва паррандалар бош сонини муттасил ўс риш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, наслчи ишларини такомиллаштириш тадбирларини кўраёт лар.

Область партия ташкилоти Озиқ-овқат прогр масининг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини меҳнатк лар онги-шуурига сингдиришга, уларнинг куч-г ратларини масъулиятли вазифаларни бажаришга фарбар этишга катта аҳамият бераётир. Масал Бағдод районидаги «Ҳамзаобод» наслчилик сов зини кенгайтириш, Фрунзе номли наслчилик сов зининг чорва моллари парвариши ва бўрдоқига қиш ишларини юқоридаги хўжалик даражасига казиш учун амалий ишлар кўрилмоқда. Фарғона ги бройлер паррандачилик фабрикалари яқин й лар ичида парранда етиштиришга киришадил Фрунзе район чорвадорлари чўчқачилик компле қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига б йиллик охиригача гўшт етиштиришни янада кўпай радилар.

Сурхондарё области далачилик бригадаларин чорва молларини бўрдоқига боқиш борасидаги шаббуси Фарғона областида ҳам кенг ёйилиб бо ётир. Ҳозир қарийб 2 минг пахтачилик бригадала да чорва моллари ва парранда етиштириляпти, ла шийпонларида ўн минг бошдан ортиқ қорам лар ва қўйлар асралмоқда. Бироқ бу борада ҳ резервлар кўп.

Муҳим резервлардан бири ёрдамчи хўжалик дир. Озиқ-овқат программасида бунга алоҳ эътибор берилган. Ҳозирги пайтда областда 300 корхона, қурилиш ва транспорт ташкилотлари либ, уларнинг ҳар тўрттасидан биридагина ёрда хўжаликлар мавжуд, холос. Бу ишга етарли эътиб бераётган корхоналар яхши натижаларни қўлга ритмоқдалар. Масалан, Фарғона тўқимачилик ком натининг ёрдамчи хўжалигида ҳар бош асосий чўчқа ҳисобига 61 тадан насл олиниб, гўштга т ширилган ҳар бош молнинг тирик вазни 367 ки граммни, чўчқанинг тирик вазни 107 килограм ташкил этди. Фарғона омихта озуқалар хи заводига қарашли ёрдамчи хўжаликда эса ҳар б сигирдан биттадан бузоқ олиниб, 2 минг 739 ки граммдан сут соғиб олинди, гўштга топширилган бош молнинг тирик вазни 457 килограммни таш этди. Қўқон ёғ-мой комбинати эса ёрдамчи хў ликни ривожлантириш бўйича Бутуниттифоқ соц листик мусобақасининг ғолиби бўлди.

Озиқ-овқат программасини оғишмай амалга о риш қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш ва фалари билан чамбарчас боғлиқ. Бу борада ҳам ластда диққатга сазовор ишлар рўёбга чиқарилм да. Энг хушманзара жойларда меҳнаткашлар у дам олиш зоналари, корхоналар ҳузурида про лакторийлар, оромгоҳлар барпо этилаётир.

Хуллас, Фарғона меҳнат аҳли партия ва ҳуку тимиз олдинга сурган Озиқ-овқат программас астойдил рўёбга чиқариш учун ҳар бир ку ғанимат билиб, астойдил ишга киришдилар.

* * *

Фарғона — республикамизнинг табиатан энг гў жойларидан бири. Ерлари серунум, кишилари м натсевар, саховатпарвар. Лекин ана шу гўзал д да шоҳи сўзанага чипта ямоқдай ноўрашиқ чўл тошлоқдан иборат даштликлар, кўчма қум бар лари минглаб гектар ерларни бамайлихотир эгал ётарди. Боғ-роғлар билан туташ ўркач-ўркач ч либ кетган қир-адирларнинг ўт-ўланлари эса б пайталаридаёқ қовжираб, манзара зиддиятини я кучайтирарди. Не машаққатлар билан чиқари сув ер бағрига сингиб, бир қисми буғла нобуд бўларди. Вақти етиб бундай манзарани гартириш учун вазият вужудга келди. Партия даси билан халқ жасорати бирлашган жойда ч камига бунёдкорлик ишларининг рўёбга чиқа яна бир бор синовдан ўтди. Қудратли техника қонга мададкор бўлди. Ирригация шоҳобчалари

Қарилар иззатда.

инг қон томирларига айланди. Бунёдкор деҳқонар ҳамласи олдида Ёзёвон чўллари таслим бўлди, қин ўн йиллар наридаги қип-қизил даштлар ўрни- яшиллик эгаллай бошлади.

Бундан ўн йиллар аввал Қувасой территориясида инглаб гектарлик дашт ерлар ўз бағридан олов ркаб ётарди. Исфайрамсой ва Қувасой дарёлари а гўё табиат қарғишига учраган бу ерлардан ҳур- ғандай бир чеккадан шошилибгина оқиб ўтиб, ям- шил воҳалар ичкарисига интиларди.

Даштга ҳужум қилиш йўл-йўриғи собитқадам пар- явий кадрлар қўлида бўлди. Область партия таш- илоти барча мутасадди ташкилотларни бу ишга алб этди. Қувасойдаги бунёдкорлик ишлари ана у тариқа кўзга яққол ташланиб қолди.

Қувасойга бундан ўн йил муқаддам борган одам и бутунлай танимай қолиши мумкин. Муҳташам инолар, дарахтлар соя ташлаб турган равон кўча- р, муаттар гуллар бағридаги шинам йўлкалар, акли ва безаклари билан болаликдаги эртакларни дга солувчи бозорлар, маҳаллий рельеф шароит- ри билан уйғун маиший хизмат кўрсатиш уйлари, заллик салонлари, ҳатто бекатлар қалбингизни вқ-шавққа тўлдиради. Эндиликда Исфайрамсой, Қу- сой дарёлари ҳам шаҳар бағридан шарқираб қиб ўтади.

Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари аматқул Раҳматовни биз, фарғоналик ёзувчи ва ир Йўлдош Сулаймон билан бирга Ҳамид Олим- он номидаги совхозда учратдик. Уни хўжаликнинг тиш арафасида турган маъмурий биноси олдида рувчилар билан қизғин тортишиб турган ҳолда ратдик. У биз билан самимий ва илиқ кўришди, кин қурувчилар билан мунозарани давом эттира- рди.

— Қурилиш борасида Маматқул Раҳматович би- н зукко архитекторлар ҳам бас келишолмайди,— б аста шивирлайди ҳамроҳим.

Билсак, бу ерга ўрнатилажак ҳайкалнинг шоҳсу- си секретарнинг кўнглига ўтиришмабди. Қурувчи- р маслаҳатни инобатга олишга ваъда бериб, ишга ришиб кетдилар.

Маматқул Раҳматович маъмурий бинонинг тепа рчаги билан бўлажак ҳайкалнинг оралиғидан ислардаги адирларгача ястаниб ётган кенгликлар- нигоҳимизни тортди.

— Ана шу тўрт юз гектарлик ерда ўрикзор бар- қиламиз. Баҳор чоғи улар қийғос гуллаган пайт- баҳорни куйлаб тинмаган шоиримиз Ҳамид имжоннинг салобатли ҳайкали табиат қўйнига чалар сингиб кетишини тасаввур этаверинг.— кретарь бир лаҳза жим қолди, бориб қурувчилар- яна алланарсаларни тайинлади...

Қувасой — Фарғона йўли кета-кетгунча ҳар икки мони боғ: узумзорлар меваларини кўз-кўз қилиб ибди, олмазору шафтолизорларда ҳосил йиғил- моқда, беҳизорларда ҳозирча ҳеч ким кўринмайди, кўпгина майдонларда мевали дарахт ниҳоллари эндигина қад ростлаган. Онда-сонда шағал ва қип-қизил тусдаги қум аралаш яйдоқ жойлар кўзга ташланиб қолади. Буни сезган Маматқул Раҳматович гап қотади:

— Бундан ўн йил аввал бу ерларнинг деярли ҳаммаси ана шунақа кўринишда эди. Партия иродаси, сув, инсон меҳнати қориша, манзара бутунлай ўзгариб кетди. Яна беш-олти йилдан сўнг фақатгина боғ-роғлардан иборат бу ерлар Фарғонанинг энг гўзал ва ям-яшил бўлагига айланиб қолишига амин бўлаверинглар...

Ҳар қандай масъулиятли, мураккаб вазифаларни бажаришга халқимизнинг комил ишонч туйғуси барқарор. Қувасой шаҳри марказида гуллар ва фавворалар билан безанган майдон ўртасида доҳиймиз Ленинга улуғвор ҳайкал ўрнатилган. В. И. Ленин ҳайкалини очишга бағишланган тантанали маросимда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидович Рашидов иштирок этиб, қуйидаги дастхатни битиб қолдирган:

«Республикамизнинг зебу-зийнати, қуёшжамоли, ўзида табиат чиройининг барча гўзаллигини намойиш этган жонажон Фарғона областининг Қувасой шаҳрида бошариятнинг улуғ доҳийси, донишмандларнинг донишманди, улуғ инсон В. И. Ленинга ҳайкал қўйилиши жуда улуғвор байрамдир. Энди ушбу ҳайкал қаровсиз ажойиб ва муқаддас жой, келажак авлодни коммунизм руҳида тарбиялаш дорилфунуни бўлажакдир. Шу билан бирга ушбу муқаддас қароргоҳ инсон учун севимли ва меҳнатсевар халқимиз учун истироҳат боғи, севинч-қувонч, бахт-саодат намойишхонаси бўлажак. Ушбу гўзал ва ажқорли ҳайкални ҳашар йўли билан қурган Қувасой халқига минг бор ташаккур.

Ш. Р. РАШИДОВ.
1980 йил, 28 октябрь»

Ҳа, бу ерда яратувчилик қудрати зўр куч билан намоён бўлаётир: Қувасой шаҳри атрофида 6 та боғдорчилик совхози ва чорвачиликка ихтисослашган битта хўжалик мавжуд. Ҳаммаси бўлиб 4 минг гектар ерда боғ-роғлар барпо этилган. 1985 йилга бориб эса қўшимча яна 3 минг гектар ерда боғлар пайдо бўлади. Шу беш йилликнинг охирига бориб Қувасой давлатга 20 минг тонна узум, 30 минг тонна мева топширади. Консерва заводи қурилади. 5 минг тонна мева сақлайдиган холодильник ўрнатилади, 6 гектар ерда лимонарий ташкил этилади.

Меҳнаткашларнинг маданий-маиший эҳтиежларини қондириш борасида ҳам Қувасойда диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда шаҳар тўла газлаштирилган, боғча-яслига бўлган эҳтиёж тўла қондирилган. 1985 йилга бориб Қувасой атрофидаги қишлоқларнинг ҳаммаси тўла газлаштирилади.

Чорвачиликка ихтисослашган Ильич номидаги совхозда 20 минг қўй, 650 бош қорамол боқилмоқда. Йилловларга чиқиб кетадиган чўпонларнинг болалари учун махсус мактаб-интернат очиб берилди. Ҳурмат белгиси орденли паррандачилик фабрикасида ишчиларнинг бошланғич синфларда ўқинётган фарзандлари уч маҳал бепул овқат билан таъминланаётир. Боғча-яслиларда эса болалар текин овқатланади. Бу ғамхўрликка жавобан совхоз ишчи ва хизматчилари фидойилик билан меҳнат қилмоқдалар. Паррандачилик фабрикаси йилига 100 миллион дона тухум ишлаб чиқаради, давлатга 1 минг 300 тонна гўшт топширади. Яқин йиллар ичида эса гўшт тайёрлаш 2 баравар кўпаяди, йилига 180 миллион дона тухум етказиб берилади.

Қувасойдаги завод ва фабрикаларнинг истиқболи ҳам порлоқ. Улар шу ўтган ярим йил ичидаёқ 1 миллион 800 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот берди. Цемент комбинатининг ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сулаймон Нишонов, 14-ғишт заводи ишчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати Нишонбой Саидов каби илғорлар ўз меҳнатлари билан эътибор қозонган кишилардир.

...Йўл Арсиф адирлари оралиғига кўтарилиб боради. Икки қир бағрида ўзбек ва рус тилларида ёзилган қуйидаги шиорга кўзимиз тушади: «Қир ва адирларни боғу бўстонга айлантирамиз». Қир ва адирлар бағрига кириб бораётган йўлнинг ҳар икки четида одам бўйи ниҳоллар яшнаб турибди.

— Ниҳолларни ҳозирча машиналарда суғоряпмиз,— дейди Маматқул Раҳматович.

Адир тепасида муҳташам кошона қад кўтарган. Ҳа, чинакамига гўзал кошона. Унга «Наргиз» номи берилибди. Архитекторлар ва халқ усталарининг ақлзаковатини ўзида мужассам этган бу ҳашаматли бино, дадил айтиш мумкинки, бунёдкор ва яратувчи халқимиз шаънига муносиб қасрдир. Бу ердан атрофга боқсангиз, гул-гул яшнаган водий кўз ўнгингизда намоён бўлади. Бу гўзаллик мужассами ҳам азалий удумимиз — халқ ҳашарининг самарасидир.

Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари икки томонга чўзилиб кетган қир-адир ўнгирларини кўрсатиб жўшқин оҳангда дейди:

— Навбатдаги вазифамиз — ана шу тепаликларни ўзлаштириб, уч минг гектар ерда боғ барпо қилиш. Халқимиз иродаси бу ишларга ҳам қодир. 15 километр узунликда учта насос станцияси 380 метр баландликка сув чиқариб беради. Лойиҳа тайёр. Яқин орада ишга киришамиз. Боғ-роғлар қўйнида кишиларимиз дам оладиган оромгоҳлар ташкил этамиз.

«Наргиз» оромгоҳи боғбонлари Орифхон Одилов, Мамасобир Тоштемиров, Турсунбой Сайфуддинов ўртоқлар секретарнинг гапини бош ирғаб маъқуллайдилар.

— Қилинган ишлар эндиги ваъдаларнинг ҳам рўёбга чиқишига ишонтиради,— дейди улар бир оғиздан.

Ҳув нарида эса, гилам-кўрпача тўшалган сўрида уч-тўрт нуроний қария атроф-теваракка суқ билан назар ташлаб ўтиришибди. Улардан бири Тожикистоннинг Кўрғонтепа районидан меҳмонга келган 75 ёшли Абдумажид ота Тошпўлатов экан.

— Одам қўлидан шундай мўъжизалар келишига ақл бовар қилмайди,— дейди у.— Ажойиб замонамизнинг шарофати бу...

Ҳа, ҳамма ерда бўлганидек, Фарғонада ҳам меҳнаткашлар меҳнат билан мўъжизалар яратмоқдалар. Завқли меҳнат ва кўнгилли ҳордиқ чиқариш тобора уйғунлашиб бормоқда. Ҳамма ерда бунёдкорлик руҳи, партиямизнинг яқин ўн йилларга мўлжалланган улуғвор мақсадларни рўёбга чиқаришга бўлган астойдил ишонч руҳи ҳукмрон. Минглаб гектар ерлардаги дала зараркунандаларига қарши биологик кураш очган Олтиариқ район, Охунбобоев номли колхоз биофабрикасида бўлганимизда ҳам, 1985 йилга бориб, 2 минг тоннадан балиқ гўшти етиштириш мўлжалланаётган Фрунзе районидаги Балиқчилик хўжалигининг партия ташкилоти секретари Юнусжон Турсунов билан қурган суҳбатимизда ҳам, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича область илғорлари қаторидаги Ленинград район, Охунбобоев номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Эҳсонбой Мадраҳимов билан хўжалик далаларини кезганимизда ҳам шу нарсага чуқур ишонч ҳосил қилдикки, Озиқ-овқат программасини оғишмай рўёбга чиқариш учун фарғоналиклар астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Доҳий В. И. Ленин ишига садоқат, жонажон Коммунистик партия даъватларига ҳозиржавоблик халқимизни янги-янги зафарлар сари элтмоқда. Партия иродаси билан халқ амри метиндек бириккан замонамизда Озиқ-овқат программаси — Маъмурчилик программасининг рўёбга чиқарилишига шубҳа йўқ. Куч-ғайратга тўлиб-тошган фарғоналикларнинг матонат ва жасорати ҳам тўла ишонч билан шундай дейишга кафолат беради.

Баҳодир АМИНОВ



«Наргиз»— кўпдан-кўп йўловчилар маданий ҳордиқ чиқарадиган оромгоҳ.

ДАЛА ЗАҲМАТКАШЛАРИ ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг кўчма секретариати

ЭЗГУ НИЯТ БИЛАН. Халқ ҳаётини, қаҳрамонона меҳнатини, унинг орзу-умидини, эзгу ниятларини ва истагини ҳаққоний тасвирлаш бадиий адабиётнинг муқаддас бурчидир. Ана шу бурч ёзувчиларни ҳамиша ҳаётни теран ўрганишга, доимо халқ орасида бўлишга, адабий учрашувлар ва суҳбатларда иштирок этишга ундайди.

Сўнгги йилларда республикамиз областларида адабиёт байрамларини уюштириш, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи секретариатининг кўчма мажлисларини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ана шундай адабиёт байрамлари ўтган йили Сурхондарё ва Қашқадарё областларида ўтказилган эди.

Адабиёт байрамларини ўтказиш тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай тантаналарнинг фазилати фақат жойларда эришилаётган муваффақиятларни кўриш ва адибларнинг янги асарларини пропаганда қилиш билангина чекланиб қолмайди. Адабиёт байрамлари областлардаги адабий ташкилотлар ишини жонлантириш ҳамда янги-янги ижодкорларни кашф этиш борасида ҳам олижаноб вазифани ўтамокда.

Шу йил июнь ойининг охирларида СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги шарафига Сирдарё ва Жиззах областларида бўлиб ўтган адабиёт байрами, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи секретариатининг иккала қўриқ областда ўтказилган кўчма мажлислари республикамиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бу тантаналар қалам аҳлларининг КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Май пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этишдек эзгу ниятларни амалга ошириш борасидаги муҳим тадбирларидан бири бўлди.

Сирдарё ва Жиззах областларидаги адабиёт байрамида республикамизнинг атоқли адиблари — Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **Саттар Азимов**, Ўзбекистон халқ шоираси **Зулфия**, Ўзбекистон халқ ёзувчилари **Назир Сафаров, Иброҳим Раҳим, Мирмуҳсин, Туроб Тўла, Санд Аҳмад**, Ҳамза мукофоти лауреатлари **Одил Ёқубов, Лазиз Қаюмов, Абдулла Орипов**, республика Ёзувчилар союзи правлениесининг секретарлари **Саъдулла Кароматов, Ўктам Усмонов**, шоир ва адиблардан **Гулчеҳра Нуруллаева, Нормурод Нарзуллаев, Владимир Тюриков, Оқилжон Ҳусанов, Абдулла Шер, Машраб Бобоев** ва бошқалар иштирок этдилар.

СИР СОҲИЛИДА. Адиблар азим Сирдарёдан ўтишлари биланоқ байрам тантаналари бошланиб кетди. Чўлқувар область вакиллари қалам аҳлларини карнай-сурнай садолари остида, гуллар билан кутиб олдилар. Мезбонлар орасида Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари **Виктор Алексеевич Хайдуров**, область ижроия комитетининг раиси **Иброҳим Кўчқоров**, область партия комитетининг секретари **Мирзатой Умбетов** ҳамда ҳоказо моатчилик вакиллари бор эдилар.

Ёзувчилар дастлаб Сирдарё районидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Ленинград» колхозида бўлдилар. Мазкур хўжаликнинг Қуёш посёлкасида колхозчилар учун қурилган барча қулайликларга эга бўлган

Сирдарё область меҳнаткашларининг вакиллари ўзбек адибларини шоду хуррамлик билан кутиб олдилар.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг Сирдарё областида бўлиб ўтган кўчма секретариати. Ёш шоира Баҳор Холбекова ўз ижодий режаларн ҳақида сўзламоқда.

лар, қишда ҳам ёздагидек мева-сабзавот етиштириладиган улкан иссиқхона-комбинат, Максим Горький номли ўрта мактабнинг спорт комплекси биноси меҳмонларда яхши таассурот қолдирди.

Иссиқхона-комбинат клубида бўлиб ган учрашув қизғин ўтди. Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қўзибоқар Синдоров меҳмонларга хўжаликнинг юксалиш тарихи илғор кишилари ва истиқболи ҳақида сўзлаб берди.

— Мен дунёда кўп нарсалар кўриб келаётган мўйсафид ижодкорман,— деди адиб **Назир Сафаров**, Ота-боболаримиз жаннатни орзу қилганлар. Сиз, азизлар, чинакам жаннат яратибсиз. Дунёда инсоннинг меҳнат қувончидан гўзал нарса йўқ. Сизлар ўз меҳнатингиз билан кўзларимизга нур, белимизга қувват бахш риб турибсизлар. Адиблар халқнинг ана шундай қудрати билан тирикдан лар... Мен колхозингиз, илғор кишиларингиз ҳақида ёзганман. Энди ижодий жасоратингизга бағишлаб катта асар — ҳужжатли қисса ёзишни кўнглимга тугиб қўйдим...

Учрашувда колхозчилардан **Лола Қирғизова, Азизахон Хошимова, Иброҳим Синдоров** дил сўзларини ҳаяжон этдилар.

зах районидаги «Москва» колхози Меҳнат шуҳрати музейи адабиёт байрами иштирокчиларида зўр таассурот қолдирди.

еҳмонлар Сирдарё областининг
ази — Гулистон шаҳрида доҳий
ин ҳайкали ҳамда Улуғ Ватан
инда ҳалок бўлган жангчилар хо-
сига ўрнатилган ёдгорлик пойига
амбарлар қўйдилар. Сўнгра
шаҳардаги «Ленин комсомоли
иллиги» номли тикувчилик ком-
гида бўлдилар.
чга яқин Гулистон шаҳрининг
театрида ўтказилган адабий ке-
область партия комитетининг биринчи секретари **В. А. Хайдуров**, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **Сарвар Азимов** ўртоқлар сўзладилар.

Сирдарё область партия комитетида бўлиб ўтган суҳбат қалам аҳллари учун қизиқарли бўлди. Суҳбатда область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **В. А. Хайдуров** улуғ Ленин назари тушган, бугунги кунда халқлар дўстлигининг тимсоли бўлиб қолган қўриқ областда эришилаётган улкан ғалабалар ҳақида батафсил ҳикоя қилди. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари ўртоқ **Сарвар Азимов** республика адиблари номидан сўзлаб, область китобхонларига эсдалик совға топширди.

Гулистон районидаги «Ўзбекистон» колхозида бўлган адабий учрашув ҳам ғоят қизиқарли ўтди...

Бекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар АЗИМОВ иккала чўлқувар ъ меҳнаткашлари вакилларига республика адибларининг келгусидаги режалари ҳақида сўзлаб бераётир.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг Сирдарё областида бўлиб ўтган кўчма секретариати мажлисида Ёзувчилар союзи область бўлимининг масъул котиби **Ҳамроқул Ризо** ҳисоб берди. Ёзувчи **Одил Ёқубов** қўриқ область ижодкорларининг проза асарлари ҳақида доклад қилди. Шоир **А. Шер** Сир соҳили шоирларининг назми хусусида сўзлади. Бу ерда адабий ҳаракатчилик яхши йўлга қўйилганлиги қайд этилди. Кўчма секретариат мажлисида **Турғун Жамолов, Жўрабой Умарқулов, Самижон Султонов, Баҳор Ҳолбекова, Ҳаётхон Ортиқбоева, Акрам Каттабеков, Жонибек Сувонқулов, Абдурашид Пардаев** ўртоқлар СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилиндилар.

САНГЗОР БЎЙЛАРИДА. Навқирон Жиззах областида адабиёт байрами қўриқ Пахтакор районидаги Наврўз бекатидан бошланди. Адибларни бу ерда Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари **Тўхтамиш Боймиров**, область ижроия комитетининг раиси **Эркабой Исломов**, Жиззах шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Убайдулла Тўрақулов** ўртоқлар ҳамда жамоатчилик вакиллари, китобхонлар самимий кутиб олдилар.

Адиблар қутлуғ анъанага кўра, Жиззах шаҳридаги В. И. Ленин ҳайкали пойига гулдасталар қўйдилар, янги бунёд этилган Халқлар дўстлиги майдонида сайр этдилар, шоир Ҳамид Олимжон ҳайкалини бориб кўрдилар.

Ўзбек адибларининг Жиззах районидаги Ленин орденли «Москва» колхози меҳнаткашлари билан учрашувлари ғоят кўнгилли ўтди. Бу ерда ёзувчилар ўзбек совет адабиётининг оташин ватанпарвар шоири Ҳамид Олимжоннинг уй-музейини ҳамда Ленин орденли «Москва» колхозининг меҳнат шуҳрати музейини, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Носиров бюстини зиёрат қилдилар.

Қалам аҳлларининг меҳнагкашлар, китобхонлар билан навбатдаги учрашувлари Зомин районидаги Советлар уйида бўлиб ўтди.

Зоминда яна бир кўнгилли воқеа рўй берди. Адабиёт байрами иштирокчилари сафига ҳиндистонлик меҳмон — Жавоҳарлаъл Неру мукофоти лауреати, таниқли ҳинд ёзувчиси **Картен Сингх Дуггал** рафиқаси билан келиб қўшилди. Барча меҳмонлар икки томонига чинорлар экилган хиёбон йўл орқали баланд тоғлар сари ўрладилар, йўл-йўлакай Зомин сув омборини, қўриқхона тариқасида барпо этилган халқ боғини, инсон қўли билан яратилган ва табиатга бемисл чирой киритган шаршарани томоша қилдилар, денгиз сатҳидан 2 минг 484 метр баландликда жойлашган Супа манзилида дам олдилар.

Кечқурун Юнус Ражабий номидаги Мусиқали драма ва комедия театрида тантанали адабий кеча ўтказилди. Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари, Ленин мукофоти лауреати **Тўхтамиш Боймиров** Сангзор воҳаси аҳолисининг меҳнатда қўлга киритаётган муваффақиятлари ҳақида мароқ билан сўзлади.

— Бу ажиб воҳа ўзининг жуда мўътабар тарихий ва адабий анъаналарига эга,— деди Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **Сарвар Азимов**.—Улуғ Октябрь инқилобини зўр шоду хуррамлик билан кутиб олган Жиззах меҳнаткашлари бошқа соҳалар қаторида адабиётга ҳам талай истеъдодларни етиштириб бердилар. Бу борада ўзбек шеъриятининг ёркин юлдузларидан бири бўлиб қолган Ҳамид Олимжоннинг ижодини алоҳида таъкидлайман. Кекса адибимиз Назир Сафаровнинг инқилобий Жиззах ҳақидаги полотнолари унга айниқса шуҳрат келтир-

ЯНГИЕР— ЧЎЛҚУВАРЛАР МАСКАНИ

Соцнал вазифалар орасида совет кишиларининг сиҳат-саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ.

Л. И. БРЕЖНЕВ

Маълумотларга қараганда, 1918 йили мамлакатимизда 18 та махсус профилактик муассаса бўлган. Ҳозир уларнинг сони 10 мингдан ҳам ошади.

— Шуни мамнуният билан таъкидлаймизки,— дейди Мирзачўлни ўзлаштириш бош бошқармаси медицина-санитария бўлимининг бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач Облоқул Эркаев,— бундай профилактик муассасалар чўлқуварларга ҳам намунали хизмат кўрсатмоқда. Биз, медицина ходимлари, чўлқуварларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилаётганлигимиз билан фахрланамиз. 1959 йилда Янгиер шаҳрида дастлабки бирлашган касалхона, Гагарин номли совхозда 50 ўринли участка касалхонаси ташкил этилди.

Сирдарё области ташкил этилгандан кейин эса Мирзачўлнинг янги зонасида тиббиёт кенг кўламда ривож топди. Янги касалхоналар ва уларнинг офтальмология, травмотология, неврология, стоматология бўлимлари очилди. Янгиер шаҳридаги касалхонада ўринлар 375 тага етди. Бу касалхона чўлқуварлар учун даволаш-профилактик марказ бўлиб қолди. Шаҳарда физиотерапия касалхонасининг ташкил этилиши айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шаҳар этагида жойлашган бу касалхона 24 гектар майдонни эгаллаган. Ям-яшил дов-дарахтлар, ранго-ранг нафис гуллар шифохонага кўрк бериб турибди.

Шифохона бош врачи Файзимамат Мамадазимов билан тиббиёт масканининг бугуни ва унинг келажаги ҳақида суҳбатлашдик.

— Беморларни табиатдаги воситалар билан даволаш узоқ тарихга эга,— дейди Мамадазимов.— Эрамиздан илгари ҳам минерал сувда, биринчи галда иссиқ сув ва булоқларда чўмилиш, балчиқларни баданга суртиб ётиш билан беморлар шифо топганлар. Масалан, тарихнинг гувоҳлик беришича, Швейцариянинг Сан-Мориц курорти ўрнида кишилар бронза давридаёқ булоқ сувларидан ўз саломатликлари учун фойдаланганлар. Қадимги Рим тарихчиси Плинит: «Қримда ҳар қандай жароҳатни тузатувчи ер бор», деб башорат қилган.

Ўлкамизда одамлар кўпинча булоққа яқин жойда яшаб, унинг шифобахш сувидан фойдаланишлари азалдан маълум. Қуёш нури, сув, ҳаво, жисмоний чиниқиш ва массажнинг шифобахшлиги одамларнинг эътиборини қадимдан ўзига тортиб келган. Бизнинг давримизда эса бу хил даволаш усуллари мутлақо такомиллашган.

Бош врач қисқа суҳбатдан сўнг бизни даволаш корпусига бошлади. Ёруғ ва озода хоналарга замонавий аппаратлар ўрнатилган. Ванна ва балчиқ билан даволанадиган хоналар ҳам керакли ускуналар билан жиҳозланган.

— Минерал сувни биз ҳар куни Хавотакдан ташиб келтирамиз,— дейди Мамадазимов даволаш воситалари хусусида гапираркан.— Бу сув жуда шифобахш. Фориш районининг «Бирлашган» санаторийси ёнидан балчиқ ҳам келтирилади. Беморлар врачларнинг кўрсатмаси ва назорати остида даволанадилар. Бу ерда фин ҳаммоми ҳам қурилди. Врачларимиз физиотерапиянинг кимга ва қачон зарурлигини яхши биладилар. Балчиқ, минерал сув, электр нури билан даволанадиган хоналарга тажрибали врачлар ва ҳамшираллар биркитилган.

Шифохонамизнинг терапия, хирургия, гинекология, физиотерапия бўлимларига етакчилик қилаётган Санобар Қурбонова, Турсунқул Жўрақулов, Тамара Фирсова, Фахри Аледдинов, ҳамширалардан Флюра Дедковская, Валентина Торопченко сингари ходимларимиз ўзларининг ҳалол хизматлари билан элда эътибор топмоқдалар.

Ҳа, бунёдкор халқимиз саломатлиги — давлатимизнинг бебаҳо бойлиги. Янгиер физиотерапия касалхонасининг шифокорлари чўлқуварларнинг саломатлигини муҳофаза қилишдек хайрли хизматни виждонан адо этмоқдалар. Ўрта Осиё совхозлар қурилиш бош бошқармасига қарашли мазкур шифохонада Қарши, Жиззах ва Қорақалпоғистон чўлқуварлари ҳам даволанмоқдалар.

— Касалхонамиз ҳали нисбатан янги,— дейди бош врач Ф. Мамадазимов суҳбатимизга якун ясар экан.— Лекин унинг чинакам тиббиёт маскани бўлиб қолиши учун катта ишлар амалга оширилмоқда. Унинг қошида қишки ва ёзги бассейнлар қурилмоқда. Ўринлар сони 150 тадан 300 тага етказилади.

Чўлқуварлар маскани бўлган Янгиер тиббиёт шаҳрига айланиб бормоқда. Яқинда бу ерда Қурилиш материаллари ва конструкцияси комбинатининг профилактория ҳам ишга тушди.

Тиббиётнинг келажаги профилактика — касалликнинг олдини олишдан иборат. Янгиер шаҳар партия, совет органлари ходимлари ва медицина муассасаларининг коллективлари чўлқуварлар саломатлигининг посбонлари сифатида чинакамига жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Турғун ЖАМОЛОВ

ди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, атоқли совет ёзувчиси, Ленин мукофоти лауреати, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидовнинг китоблари бугунги кунда ҳар бир китобхоннинг азиз маслаҳатгўйи бўлиб қолди. Биз ўзбек адиблари адабиётимизнинг ана шундай йирик намояндалари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Тантанали адабий кечада адабиёт байрами иштирокчиларидан **Зулфия, Назир Сафаров, Мирмуҳсин, Сингх Дуггал, Саид Аҳмад, Туроб Тўла, Гулчеҳра Нуруллаева, Абдулла Орипов, Н. Нарзуллаев** ўртоқлар сўзладилар, қўриқ ўлка кишиларига аталган шеърларини ўқидилар ҳамда область меҳнаткашларига ишда улкан зафарлар тиладилар.

Юнус Ражабий номидаги Жиззах область музикали драма ва комедия театрида бўлган адабий кеча ҳам ғоят мароқли ўтди.

М. Тўйчиев фотолари

Бахмал районидаги «Бахмал» совхози меҳнаткашларининг ишдаги муваффақиятлари қалам аҳлларини бениҳоя хурсанд қилди. Совхоз яйловларида етиштирилаётган янги зотли «Бахмал қўтослари» хўжалик чорвадорларининг КПСС Марказий Комитети Май пленуми қарорларига лаббай деб жавоб бераётганликларидан далолат беради. Бундай янги зотли қорамолларнинг хўжаликда кўпайтирилиши тарихи ҳақида совхоз директори **Абдувоҳид Усанов** сўзлаб берди.

«Бахмал» совхози меҳнатчилари ва ёзувчиларнинг адабий учрашуви ғоят самимий бўлди. Учрашувда Бахмал район партия комитетининг биринчи секретари **Арслон Ҳакимов**, совхоз директори **Абдувоҳид Усанов** ўртоқлар бахмалликларнинг меҳнат муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилдилар. Ёзувчилардан **Иброҳим Раҳим, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Саъдулла Кароматов, Лазиз Қаюмов** ҳаёт ва адабиёт ҳақидаги мулоҳазаларини ўртага ташладилар, ўз ижодий режалари ҳақида сўзладилар. Шоирлардан **Зулфия, Мирмуҳсин, Абдулла Орипов, Гулчеҳра Нуруллаевани**нг шеърлари адабий учрашувга алоҳида тароват бағишлади.

Адиблар Жиззах область партия комитетида бўлиб ўтган суҳбатдан яхши таассурот олдилар.

Область партия комитетининг биринчи секретари **Тўхтамиш Боймиров** область саноати ва қишлоқ хўжалигининг истиқболи ҳақида мароқ билан сўзлади:

— Молгузар тоғининг қорли чўққиларидан Мирзачўл сарҳадигача чўзилган майдонда жойлашган Жиззах области ўзининг жуда катта ерусти ва ерости бойликларига эга,— деди ўртоқ **Т. Боймиров.** — Областимизнинг ташкил этилганига эндигина тўққиз йил тўляпти. Лекин навқирон область меҳнаткашлари ана шу қисқа вақт мобайнида катта ютуқларга эришдилар. Дастлабки йили 170 минг тонна «оқ олтин» етиштирилган бўлса, бу йил давлат омборига топшириладиган пахтамиз 370 минг тоннага етади. Айни пайтда Жиззах чўлида 67 миллат вакиллари қўлни қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар.

Ўтган йиллар ичида областимизда пилла, гўшт, тухум етиштириш ҳажми икки-икки ярим марта кўпайди. Марказий жонбулоқда, Зоминда қимматли ер ости бойликлари запаси топилди. Учқулочдаги қўрғошин кони эса анчадан бери ишлаб турибди... Жиззахликлар ўзларининг меҳнатда эришаётган ютуқлари она-Ватанимиз фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилаётгани билан ҳамиша фахрланадилар...

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг Жиззах областида ўтган кўчма секретариати мажлисида область бўлимининг масъул котиби Н. Бараев ҳисоб берди. Жиззахлик ижодкорларнинг насрий ва шеърий асарлари хусусида ёзувчи **О. Ҳусанов** ва шоира **Г. Нуруллаева** сўзладилар. Секретариат аъзолари қўриқ Жиззах областида ҳам кўплаб ижодкор ёшлар етишиб чиқаётганлигини, лекин афсуски, Ёзувчилар союзи область бўлимининг фаолияти қониқарсиз эканлигини таъкидладилар.

Кўчма секретариат мажлисида **Иброҳим Доншев, Нуъмонжон Мирзаев, Шерлон Алиев, Абдураҳим Солиев** ўртоқлар СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилиндилар.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг Сирдарё ҳамда Жиззах областларида ўтган Кўчма секретариат мажлисларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маданият бўлими инструктори ўртоқ **Пирмат Шермуҳамедов** иштирок этди.

Сирдарё ва Жиззах областларида бўлиб ўтган адабиёт байрамлари ҳаёт билан адабиётнинг бирлигини, замондошларимизнинг меҳнатдаги жасоратлари адабиёт учун, бадиий асарларимиз учун қўшқанот эканлигини тасдиқлади.

О. ҲУСАНОВ



ШУҲРАТ

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Уйим

Сен кунда кирмасанг — уйим ҳам бекор,
Сен унда турмасанг — уйим ҳам бекор.
Сен хандон кулмасанг —уйим ҳам бекор,
Сен яйраб юрмасанг —уйим ҳам бекор!
Бекордир деворга қоқилган гилам,
Рангсиздир тувакда яшнаган гул ҳам!
Бекордир шифоньер, ҳатто стенка,
Ҳаммаси аталиб олинган сенга!
Қандилнинг нури ҳам қорадир сенсиз,
Уйимга ғам-ташвиш кирадир сенсиз.
Наинки баҳори, кузи бошқача,
Сен борсан, уйимнинг файзи бошқача!
Агар сен бўлмасанг, уйга кирмасанг,
Умрингдан қувониб, мамнун юрмасанг,
Бир совуқ мозордир буларнинг бари,
Мен учун озордир буларнинг бари!
Уйимнинг файзию, кўрки ўзингсан,
Умримнинг мазмуни, эрки ўзингсан!!

Яна сочим оқи ҳақида

Бу оқмас, ёшликда бахтин талашган,
Ва ёнган юракнинг қайноқ кулидир.
Бу оқмас, ўзимга яхши ярашган
Кексалик боғининг оппоқ гулидир!

Бу оқмас, умримнинг оп-оппоқ тонги,
Бу дарё қалбимнинг кўпикларидир.
Бу оқмас, кўнглимнинг беғубор ранги,
Бу жаннат йўлининг кўприкларидир!

Бу оқмас, ҳаётим нурли байроғи,
Бошимда кўтариб юрибман мағрур.
Балки у бахтимнинг ёруғ чироғи,
Ажабмас кўп йиллар сочиб турса нур!!

Қишда дарахт туш кўради

Қишда дарахт туш кўради оғир ухлаб,
Кўзларини очолмайди лекин ўзи.
Орзуларин юрагига бир-бир тахлаб,
Муродига етмоқ истар келгач кези!

Қишда дарахт туш кўради кундузи ҳам,
Тушларида бутоқлари ёзар япроқ.
Япроғига аста қўниб тонгги шабнам,
Юзларини ювиб кетар нурдек оппоқ.

Туш кўради. Тушларига баҳор кириб,
Баҳор ели эркалайди димоғини.
Қушлар келиб, шохларига уя қуриб,
Қўшиқларга тўлдиради қулоғини!

Қишда дарахт туш кўради кечаси ҳам,
Шивир-шивир шуъла ўйнар баргларида.
Мевалари ҳил-ҳил пишиб бўлур малҳам,
Шамол турса дув тўкилар тагларига.

Қишда дарахт туш кўради, туши иссиқ,
Иссиқ кунлар хаёлидан кетмас нари.
Ўзи эса собит бардош, камтар, босиқ,
У билади, албат келар гулбаҳори!

Бекорга у туш кўрмайди қиши бўйи,
Узоқларда дайдиб юрар соғинч куйи.
Узоқлардан учиб келар кутган қуши,
Бенаф кетмас совуқ қишда кўрган туши!

Туш кўради баҳор чоғин, ёз қучоғин,
Оппоқ қорлар эгиб турар нам бутоғин.
Момиқ қорлар оғушида туш кўради:
Кўм-кўк бутоғ, барглар аро қуш кўради.

Қишда дарахт туш кўради тинчиб ухлаб...

Яхши ном қолдирган умрга олқиш

Қиш келиб осмонни қоплайди булут,
Ер юзин босади оппоқ, момиқ қор.
Мўридан буралиб чиқиб қора дуд,
Осмонда беватан тентирар зор-зор!

Сўнг баҳор келади нур сочиб, яшнаб,
Қушларнинг тилида мадҳи, олқиши.
Лолалар кетади қирларга бошлаб,
Ўзга бир оламга киради киши!

Саратон яллиғи қонларда балқиб,
Шарбатга айланар мевалар тоти.
Олмалар келади сувларда оқиб,
Иссиқдан тузалар кексалар боди.

Яна куз салқини қолади изғиб,
Шарбатин тўкади боғу роғ қониб.
Япроқлар йўлларда учади тўзғиб,
Тугаган умридан ҳасратда нолиб!

Яна қиш, яна ёз, яна гулбаҳор,
Шу хилда айланар умр тасбиҳи.
Бировлар умридан йиғлаб ўтса зор,
Бировлар қутуриб сочар бор-йўғин!

Шу хилда умр ҳам ўтиб боради,
Шу хилда авлодни алмашар авлод.
Бировдан нур сочиб хуш ном қолади,
Бировдан қолади адо бўлмас дод!

Яхши ном қолдирган умрга олқиш!
Ёмоннинг дунёга келиши афсус...
Барибир шунда ҳам гўзал ёзу қиш,
Барибир нақадар гўзалсан, эй куз!

Бундан ҳам гўзалдир, биздан кейин ҳам
Дунёнинг янада яшнаб кетиши!
Биз севиб, ардоқлаб мадҳ этган олам
Авж олиб, барқ уриб, савлат тўкиши!!

Ёмонларга

Ёмонлиқ қилишдан осон нарса йўқ,
Ари ҳам шарт чақиб кетади ногоҳ!
Мард бўлсанг, яхшилик ёнғоғини чақ,
Яхшилик — кишилар суянган зўр тоғ!

Тилингни эзгулик сўзига мосла,
Тилингдан кўнгилли шуълалар оқсин!
Ҳаётга термулма керилиб, ноз-ла,
Кўзларинг эзгулик мулкига боқсин!

Эзгулик боғига ташласанг қадам,
Ёмонлик илонин янчиб кет йўлда.
Эзгулик, иш билан тирикдир одам,
Софликни олқишлар инсонлар дилда.

Ёмондан дунёда нима қолади?
Лаънатлаб авлодлар тилга олади!
Ёмонлик қилишдан тийил, эй одам,
Яхшилик фикридан яралган олам!

* * *

Кўзларингда қалбинг яшириб,
Бошинг эгиб қарама ерга.
Ахир, ўсдик боғларга кириб,
Қўл ушлашиб гоҳ бирга-бирга!
Энди нега кўзинг яшириб,
Муҳаббатинг тутасан пинҳон?
Севги, ахир, юракка кириб,
Кўз орқали сайр этар жаҳон!
Кўзларингни яширма мендан,
Бутун орзу-умидим сендан!

Хазонрези

Куз келди,
Кун чиқди — қиздирмади у,
Ўзидан ортиқча бездирмади у.
Япроқлар сап-сариқ,
Ариқлар тиниқ.
Ариқда сувларнинг кулгиси синиқ!
Ел турса баданинг жунжиб кетади.
Тўкилган япроқлар учиб кетади.
Саратон кезлари тушар ёдимга.
Ба қамчи босаман умр отимга,
Олдинда баҳормас, қиш-қу, эй, аттанг!
Ҳали қор ёғади,
Кейин кўм-кўк ранг...
Ҳали кўп олисда ям-яшил кўклам!
Севгингга ўхшайди бу кузак, эркам!
Кўкламда севгининг хазонрезиси,
Димоғда баҳорнинг турфа хил иси!!

* * *

Олисга кетасан: орада денгиз,
Ё дарё бўларкан сузиб ўтасан.
Долғалар ўкириб турса ҳам тенгсиз,
Барибир манзилга кўзинг тутасан!
Гоҳ учиб бораман, гоҳ поезд билан.
Айрилиқ онлари қисқариб тездан,
Ҳижронинг битади, эй бахти баланд!
Ва лекин орага совуқлик тушса,
Юраклар бир-бирин этаркан инкор.
Оҳ, қачон етади самолёт учса,
Етмоқнинг иложи бормикин, нигор?

Тошкент.

ОГОҲЛАНТИРИШ

Денгизга тош отма, сув парисига
Тегиб кетади.
Бемаҳал сўз қотма қўшни қизига —
Эгиб кетади.
Қушларнинг қанотин боғлама ногоҳ,
Учмай қолади.
Шўълани боғлашга уринма, гумроҳ,
Аҳмоқ қилади.
Сирингни субутсиз кишига очма,
Пинҳон тутолмас.
Умрни гул билиб ҳар ёнга сочма,
Қайта кўкармас!

Баҳор ХОЛБЕКОВА

ЁШЛИК БОҒЛАРИДА

Тонгдаги тилакларим

Тонгги тилак бўлар ижобат —
Дейишади, балки бу бир гап.
Лекин менга кўз очмоқ одат
Ҳар саҳарда шундай шивирлаб:

Эртак мисол гўзал кунларни
Чин инсонлар кўрсину фақат,
Сен боғлагин ўзинг уларни,
Сен кетмагин, меҳр-оқибат.

Инсон юзин ёритгувчи нур,
Сен бор жойда ҳақ бордир аён.
Сен ҳаммадан қанчалар зарур —
Виждон!
Қилиб тургин ғалаён!

Сендан ортиқ ҳеч азоб борми?
Сендан ортиқ борми ҳеч лаззат?
Сен бўлмасанг баҳор баҳорми,
Умринг узун бўлсин, муҳаббат!

Тушмасин ҳеч бир зот бошига
Жон-жаҳонни бемаврид бермак —
Юлдуз бўлса ўз осмонини
Ўз онасин бағрини гўдак.

Она қуёш нурини жаҳон —
Узра тўксин бундан знёда.
Тиниқ бўлсин бугун ҳам осмон,
Тинчлик мангу бўлсин дунёда!

* * *

Нега юрагингни очмадинг яйраб,
Не эди бўғзингда айтилмай қолган?
Не тўсди йўлингни билмайман, ёраб,
У не эди ўртамизда йўқолган?

Сўзнинг эркини бер ўзин қўлига,
Не сўзки, бечора дийдираб турган?
Ҳамон қўймаяпсан уни ҳолига
Наҳот, ишонч биздан юзин ўгирган?!.

Дардларингни сўзла, юракдагин тўк,
«Сева олмадим», де, майлига, гапир.
Шусиз ҳам юраклар сирларга тўлиқ,
Ишонмоқ керак-ку кимгадир, ахир.

Барини тинглайман, қиламан тоқат,
Юрагингни очгин, қийнама жонни.
Мен юракда олиб юраман фақат,
Юрак билан яшаётган инсонни.

* * *

Тугаётир боғлар биз учун,
Кезиб бўлдик чоғи, дугонам?!
Бирор гулни узмадик нечун,
Бирор гулни севолмадик ҳам.

Боғлар чексиз, ёшлик мангу деб
Ўзни гулдан қўйдикми устун?
Умрга гул берар экан зеб
Боғлар тугаб қолди-ку бугун,

Нега, нега бепарво боқдик,
Сувда қалққан атиргулга биз.
Гулхан қилиб гулларни ёқдик,
Уйладикми боғларни чексиз.

Ортимизда қамчиндек қизлар,
Ортимизда қоши камонлар.
Энди қайта олмаймиз бизлар,
Энди уларники чаманлар...

Очилаётган ғунчага

Меҳр кутмоқда сени, муҳаббат кутмоқдадир,
Бир умрингга етқулик эъзоз кутмоқда маҳтал.
Боқ, бир меҳрибон инсон қўлларинг тутмоқдадир.
Бошн узра кўтармоққа ҳозирдир у ҳар маҳал.

Сен юз очган чаманлар совуқ надир билмаслар,
Бир шўх табассум қилу жой ол энг гўзал қалбдан.
Бунда бокира гулни бевақт хазон қилмаслар,
Бунда ширин ғазаллар тўқилур ғунча лабдан.

Эрмак бўлиб қолмайсан зинҳор баъзи қўлларда,
Сен табассум қилавер эркингни айлаб кўз-кўз.
Чиройлар бахш этгину ёниб тургин йўлларда,
Шоирлар таърифингга изласин муносиб сўз.

Сен гул бўлиб очилгин, гулгун бўлиб очилгин,
Сеникидир келажак, сеникидир истиқбол.
Меҳр кутмоқда, сени, муҳаббат кутаяпти,
Бор умрингга етқулик эъзоз кутмоқда маҳтал.

Сен табассум қилавер кўркингни айлаб кўз-кўз.

Дарвоза тақиллар...

Бехос тақиллайди дарвоза,
Ким бўлди
Кутганим — меҳмонми?
Ё қўшни болажон укамни сўрар?!
Ё эшик ортида юраги тоза
Суюкли дугонам жилмайиб турар?!
Кўнгилнинг четида йўқмас иштибоҳ,
Очилган қучоғим бир нафас толар.
Севинч келтирмаган дарвозалар гоҳ
Бехос тақиллаган лаҳзалар.
Умидни, бардошни рўбарў қилиб
Келгувчи қошига чиқаман пешвоз.
Майли, қалбга кирсин у бўрон бўлиб,
Майли, ташвишга ҳам солсин у бироз.
Бахтидан сўзласа, бахтда бекам мен,
Пахтаси қўшчаноқ деққондай мамнун.
Оламнинг оқлиги ёлғондир менга —
Бошида бўлсами агар қора кун.
Дарвоза тақиллар...
Очганим чоғи,
Кутганим бўлсами бирон риёкор.
Дилни тилкалар бу кўргулик доғи,
Ахир, ҳар кўнгилнинг дарвозаси бор.
Кўнгилга кирмасин риёдан зарра,
Бехос очиб қўйманг дарвозаларни.
Ҳовлида умидлар — гуллар бор барра
Узиб қўйишмасин уларни...

Мағрур эдик

Мағрур эдим,
Мағрур эдинг сен.
Юравердик кўнгилни доғлаб.
Мағрурликни маҳкам тутдигу
Муҳаббатдан кетдик йироқлаб.
Истасам ҳам ўзни неча бор
Ташламоқни азиз бағирга.
Ғурур тутди қўлимдан маҳкам,
Мени олди қаттиқ қаҳрга.
Десалар гар: сизда не устун,
Ғурур дединг бошқаси қолиб.
Азобласа ҳамки қанчалар
Висолнинг нақ бўғзидан олиб.
Унинг пўлат исканжасидан,
Чиқолмадик бирор дақиқа.
Йиғлаб, кулиб бир бор
юракдан
Суҳбат қура олмадик нега?
Мағрур эдим,
Мағрур эдинг сен.

Сени дедим

У кун сени узоқ ўйладим,
Кўп нарсалар ўтди жонимдан.
Мен сен томон етолмасману
Кимлар кетмас менинг ёнимдан.

«Мангу қувонч бахш этгум сенга,—
Дейди,— доим кўнглинг бўлсин тўқ».
Қувончларни азобларингга
Алишмадим, алишмадим, йўқ.

Рўпарамда турар икки йўл,
Сени десам йўлларда азоб.
Унисида қувонч деган мўл,
Унисида чарақлар офтоб.

Сени дедим, боримни тутдим,
Борим фақат муҳаббатимдир.
У кун ўзим ўйларга ботсам,
Бу кун яна ўйчандир кимдир.

У кун сени узоқ ўйладим...

Ёлғон...

Мен-ку тинчлигингни сира бузмасман,
Қаддимни ҳар галдек тутаман баланд.
Меҳрдан баҳраманд, бахтдан кўп мастман,
Фақат сен бўлганда ўйлар билан банд,
Ёлғон, кўз ўнгингдан ўтмаган бўлсам.

Ўзга бир дилдорни ҳамроҳ тутсангу
Ўзингни санасанг ҳаётда бекам.
Сен ундан тоғ қадар меҳр кутсангу
Меҳрнинг заррасин кўрмаганинг дам —
Ёлғон, кўз ўнгингдан ўтмаган бўлсам.

Деярсан, у сира ўйларимда йўқ,
Чалғитмоқ бўласан ўзингни ҳар гал.
Олам шаффофликка бўлганда тўлиқ,
Борлиқ яшилликка бурканган маҳал —
Ёлғон, кўз ўнгингдан ўтмаган бўлсам.

Бахтлиман, кимгадир бахтдирман бу кун,
У учун мен жоннинг қиёфасида.
Йироқда парпираб, фақат сен учун —
Ушалмас армоннинг қиёфасида —
Ёлғон, кўз ўнгингдан ўтмаган бўлсам.

Гулистон

Саъдулла КАРОМАТОВ

Сўнгги бархан

ШУ НОМЛИ РОМАНДАН ПАРЧА

Истат биби ўзини қўйишга жой тополмай, тиқ этса пешайвоннинг очиқ деразасидан ҳовлига безовталаниб тикилиб турганида, қия қолган дарвозанинг шиддат билан тақиллашидан ...пчиб кетди. «Хайрият-е, келди чо-», дея бир қадар тинчланди. Пой-кдаги кавушини апил-тапил оёғига ...ганча ҳовлига тушиб улгурмай, ...рвозадан кирган аёлни кўрди-ю, ...ра-шира қоронғида кимлигини аж-...толмади. Безовталаниб, тўхтаб ...ланди. «Давронимга бир нарса ...лди-ёв». Аёл Истат биби хаёлидан ...чганини сезгандай, уни тинчитди. — Бибижон, бу ман-ку, Адолат, ...мадан хавотир бўлдингиз? Ё қўрқ-...нгизми?

— Э, қаричилик қурсин, кўзум ...май турипти, сизмидингиз? Бинойи-...на юрибсиз, балам?

— Шукур, бибижон, — Адолат ...тат бибининг белидан қучиб кў-...шди.

— Не вақтдан бери чироқ ёқиш-...ям билмай, тиқ этса эшикка тер-...либ шумшайиб ўтирувдим. Азонда ...тганча дараги йўқ Давронниг. ...қотга келайти, гум бўлли кетди. ...йтонгина минг кўйга солади денг, ...ёкда чап кўзум пир-пир учгани-...ган. Тинчликми ўзи?— Истат биби ...онқирамай қайта сўради. У Адо-...тнинг нимадандир безовта кўзла-...га синовчан қаради.

Адолат айвонга чиқиб, чироқни ...ди. Елкасидаги гулдор новвотранг ...л рўмолини стол суянчиғига таш-...б, кираверишдаги қизил духоба ...рилган диванга омонатгина ўтирди. ...яжонини ҳамон босолмай, рўпа-...сида туриб қолган Истат бибини ...ига ўтқизиб:

— Обкомга кетганлар-ку, биби-...н, сув бошидаги машмашани эшит-...дийизми?— дея унинг суяклари ...тиб чиққан елкасига оҳиста қўли-...қўйди.

— Эшитмайми, балам, бир қиш-...қ одам қий-чув. Қўйгаям озор ...рмайтикон, ҳалимдайкина Наимжон ...чорага жавр бўлди-да. Қаттиқ ши-...стланмапгимми, яхшими ўзи?

— Ҳа, ҳозир райондан келдим. ...хтирлар омон бўлсин, биноийдай ...лашиб ўтиріптила. Енгил тортдим. ...та-индин соғайиб чиқайканла.

— Илойим айтганийиз келсин-е, ...лагинам. Одамларам кўп воҳима-...да. Бинойидай экан-у, ана кетди, ...на кетди, деб талотум қилишига ...асанми.

Истат бибининг кейинги сўзлари ...олатнинг қулоғига кирмай, ўнг қў-...билан энгагини силаб, ўйланиб ...рди-да:

— Эрталабки гапниям билайкан-...-да бўлмаса?— деди осойишталик ...лан.

Истат биби сапчиб тушди. Бўғи-...гини бўшашганча юраги гурсиллаб кетди. Ўзини ўнглаб олиб, қўрқа-писа сўради.

— Йўқ, балам, билмайман, бо қайси гапни?— Қизарган милкларидаги сийрак киприклари пирпираганча Адолатга хавфсираб ер остидан қаради ўғли ҳақида бирон гапни эшитиб, ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлаётгандек.

— Даврон ака Очил бовонинг сигирини отиб ташлаптила.

— Бойй, мангина ўлай, беозор сигир жониворга нима гуно екан?

— Арқонини узипти. Пахтага кириб, бел баробар анча ғўзаларни юлиб-юлқиб, пайхон қилиб турган ерида қўшотардан ўқ узиптила. Бундан олдинам бир-икки кўриб, айтган аканла сигирларингни эплаб олингла деб.

Истат бибининг ола-кула кўзлари тўрда чўғдай ловиллаб турган қизил гиламга осиғлиқ қўшотарга ўқрайиб қадалди. Ҳозир яна отилиб кетадигандек ёвқараш қилиб, бош чайқади.

— Балам бечорага бир нарса бўлли ўзи, Адолатхон.— Истат биби ғазабли нигоҳини милтиқдан узиб, гапларининг тасдиғини кутаётгандек Адолатнинг чиройли қора кўзларига тикилди. Адолат индамагач, шикоятомуз оҳангда сўзини давом эттирди.— Нимаданам тажанг-да. Дастурхон устидаям фикр қилгани қилган, кечалари уфлаб чиқади. Нима қилишимгаям ҳайронман, балам.

Адолатнинг кўзлари чақнаб кетди, жилмайди.

— Ўйлаб қўйинг, бибижон,— деди буғдойранг ёноқлари лоладай қизариб.

— Бо, қани эди, балагинам, жони иссиғимни берардим. У кишини хотин олишлари бир армон бўлди. Кунда гапираберіб чакагим тушди. Гап кор қилмайди. Кулиб: «Вақтисоати келар», дейди-ю чалғитади. Бундоқ сизам гапириб қўйинг, балам зороки хай деса. Ўттиз бешга кетопти. Бу тенгилларнинг уйлантирса, нозандай эплаб кетайтикон балалари бор.

Адолатнинг юзидаги табассум ўрнини алам чулғагандай бўлди Истат биби назарида. Хаёлидан: «Қанийди шу суқсурдайкина қизга уйлана қолса» деган фикр ўтди-ю, чеҳраси ёришди. Бирда ўғлига Адолат тўғрисида оғиз очганида мулойимлашиб, кулганини эслади-ю дилидагини яширолмади. Бошидаги жигарранг пешанабандини тузатди, бир-икки томоқ қириб:

— Ҳай буям бир гапеда, ўзийиз келин бўлинг манга, балам. Шундай данғиллатган ҳавлини ойдайкина қилайдийиз.— Истат биби шундай деди-ю, Адолатга кўз қирини ташлади. — Кейин амонатимни олсаям гўрга армонсиз кетайдим, — дея қўшиб қўйди.

Адолат Истат биби дилидагини топиб гапирганидан бир хил бўлиб, ерга қаради. Ёқимли бир туйғу юрагини жизиллатиб, мулойим жилмайди.

— Ула биздақаларни ёқтирмайдила,— деди ниҳоят нима дейишини билмай ўз овозини ўзи аранг эшитиб.

Орага ноқулай жимлик чўкди. Истат биби буни сезди.

— Вой, балам ўтиришимни қаранг, мундай чоям қўймапман,— деб ўрнидан турган эди, Адолат тўхтатди.

— Йўқ, йўқ, бибижон, ташвиш қилманг. Идорада кутишяпти, кичик майлисчамиз бор эди, Даврон ака тўғри уйга кеганмикинла деб ўйловдим.

— Ўтирибсиз-да, тўртта гаплашиб...

— Йўқ, бибижон, кеч бўлди.

— Хай, кеса чиқсинму?

Адолат қизил чарм тасмачаси тиқмачоқдек лўппи билагига таранг тортилган жажжи соатига қаради-ю, ўйланиб қолди. Сўнг:

— Йўғ-е, ҳали қачон келадилар. Чарчабам қолгандирлар уззу кун юриб,— деб ўрнидан турди.

Истат биби ҳовлининг чироғини ёқиб, Адолатни дарвозагача кузатди. Кўчага чиқди. Сада қайрағочнинг йўғон танасидаги зич-зич шохлари атрофни янада зулмат қилган кўчага бир пас тикилиб турди. Адолатнинг: «Очил бовонинг сигирини отиб ташлаптила», деган сўзларини эслаб, сесканиб кетди. Дарвозани юза ёпди-ю молхона эшиги ёнидаги бир қучоқ хашакни тарғил сигири охурига ташлаб, ёлғизоёқ асфальт йўлакдан айвонга чиқди. Диванда ўтириб, нафас ростламоқчи бўлди. Йўқ, паришон хаёлини йиғиб ололмади. Милтиққа ўқрайиб, ўрнидан туриб кетди. Қўшотарни икки қўллаб кўтариб, тасмасини михдан бўшатиб олди. Бурчакдаги телевизор курсисининг пастки ошёнида буклоғлиқ турган қизил дастурхонни шолча устига ёзиб, устига милтиқни қўйди-ю ўйланиб қолди. «Балам шўрлик ойу йилда бир қўли текканда овга чиқиб туради. Хафа бўлса-я!» Қўшотарни қайтиб олиб бориб жойига қўйди. Диванга хомуш ўтириб, милтиққа термилди. Унинг қора миллари ичидан ажал уруғи сочилаётгандек чўчиб, юзини ўгирди. Буришган лабларини қимтиб, кўзларини юмди. Қулоғи остида эри раҳматликнинг сўзлари эшитилгандай бўлди. «Бу қўшотар — отамдан қолган табаррук буюм. Уни эҳтиёт қил, Истат. Ўғлинг катта бўлганида, ҳадя қиламиз. Зиё мерган деб донг таратган бобосидан ёдгор бўлсин. Юртга мўру малахдай босмачи оралаганда, у қанча одамлар жонига ора кирган. Ҳаром-ҳариш билан йиққан мол-дунёсидан ажралгач, аламига чидолмай, элталар ёвузларга қўшилиб, бегуноҳ ҳамқишлоқларимиз бошига не-не кунларни солган кичик кўрбошиниям отам раҳматлик шу қўшотар билан ер тишлатганлар. Эсингдами, мусичаи бегуноҳ бўлиб жон сақлаб қолган Тўқсонбойни гапирганим. Кичик кўрбоши ўшанинг акаси эди. Бу икки бойбаччанинг оталарида Шаҳристоннинг турли туманларида беҳисоб еру сув бўлган. Қишлоғимизнинг кўп ери ҳам ўша шаҳарлик бойбаччаники экан. Ҳукуматам хўп одил, одампарварда, бир саноч олтинни «бор будим шу» деб бериб, кўз ёши қилганида, товбатазарруғига ишонибми ё ёшлигини назарга олибми — кичик бойбаччани омон қолдирган. Ўша-ўша бўри ҳалиям, одамларни кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ». Истат биби юрагига чангак илингандек инграб, чўзилди. Хаёл яна тинчлик бермади унга. Эри бечора урушга кетаётиб, уни бағрига босганча ҳўнграб йиғлаганини хотирлади. Йўқ, туз-насиба узилмаган экан. Эсон-омон қайтди-ю, баданидаги ўқ парчалари ажалини етказди. Оламдан ўтганида, Даврон эмузикли эди. Не-не орзу-ҳаваслари ичида кетди шўрликнинг. Ўн беш йил фарзандсизлик доғида куйиб, кўрган тўнғичи эди. Истат биби қуйилиб келган кўз ёшини кўйлагининг узун енгига артди-ю, уфлаб, ўнг ёнбошига ағдарилди. Майин эсаётган ел Истат бибини юпатаётган каби шохлари айвоннинг очиқ деразасига эгилган олма дарахтининг барглариии бетиним шитирлатарди.

Истат биби мунгли хотиралар оғушида кўзи илинган экан. Ўғлининг овозидан чўчиб уйғонди-ю, пешанабандини тузатиб, тараддудланиб қолди.

— Ҳа, онажон, бахай, тобингиз қочдими? Нимага бундай ётибсиз?— Даврон онасининг ёнига омонатгина ўтирди.

— Йўқ, балам, хаёлим қочиб, кўзим илинибди. — У милтиққа қараб қўйиб, ўрнидан турди — Қорнингам очиққандир, уззукун юриб, ҳозир авқотингни иситиб бераман.

— Уринманг, онажон, авқотланиб келдим.— Даврон онасининг нимадандир ташвишланаётганини кўриб, уни қайтиб диванга ўтқизди.— Биров келганмиди?

— Адолатхон келувди. Балисадан, Наимжоннинг ёнидан келган акан.

— Манам ҳозир хабар олдим, аҳволи яхши.

— Хайрият, балам. — Истат биби яна бир нарса демоқчи бўлиб, оғиз ростлади-ю, аммо индамай Давронга қараб қолди.

— Очил бовонинг сигиримиям айтгандир хойнаҳой.

— Айтди, балам. Худогаям, бандасигаям хуш ёқмайдиган иш қипсанда. Урушда икки паҳлавон ўғлини бериб, не аламларни кечиришмади бечора чолу кампир. Қартайганларида шу сигир жонвор кунларига яраб, боқиб турувди. Ҳоли не кечади энди? Бир кўнглим шу милтиқ ер юткурри молхонадаги партов сандиққа олиб бориб тайлаб дедим-у, хафа бўласанми деб ҳайиқдим. Манга қоса, овга чиқиб, бегуноҳ жонликларга қирон келтиришнямм бас қилсанг, балам, тилсиз махлуқларда гуно йўқ. Озор беришнинг хосияти бўлмайди.

Онасининг синиққан ранг-рўйига қараб, Даврониинг боши эгилди.

— Хўш, онажон, — дея ўрнидан

турди. Қўшотарни михдан олиб, елкасига ташлади-ю, эшикка қараб юрди.

— Беш-олти сўм йиққаним бор эди. Очил бовога олиб чиқиб, юпатиб қўйсангмикин, балам.— Истат биби яна ўрнидан турган эди, Даврон бошини елкаси оша онаси томон буриб:

— Кўнглийизни тўқ қилинг, ўзимам шуни ўйлаб келувдим. Ҳозир чиқаман. Пул бор. Сиззи пулийизга мошина оламиз,— деб кулиб, онасини юпатган бўлди. Истат бибининг чеҳраси ёришиб:

— Ажаб ўйлабсан-да, бачам, ухлаб қолишмасдан илдайроқ чиқ бўлмаса,— деб хотиржам дивангa ўтирди.

Даврон чордоқ туйнугига тиралган нарвондан кўтарилди. Милтиқни эски қанорга ўраб, бурчакдаги хашак остига тиқди-ю, пастга тушди.

Очил бобонинг ҳовлиси кўчанинг нариги бетидаги ариқ бўйида эди. Даврон усти айвонча қилиб ёпилган икки табақали эшикни оҳиста тақиллатиб, овоз берди.

— Очил бово, ҳўў, Очил бово.

Ҳовлига чироқ нури ёйилди. Очил бобо йўталиб, дарвозани очди. У елкасига ташлаган қора тўнининг баридан ушлаганча Давроннинг саломига алик олди.

— Ваалайкум ассалом, ўғлим, қани, ҳовлига киринг, — деди очиққўнгиллик билан.

— Раҳмат бово, ман бирровгина...— Даврон нима дейишини билмай, дудуқланди. Бир-икки томоқ қириб.— Мани кечиринг, аммо Очил бово, бачалик қилиб қўйдим,— деди хаста овозда.

— Хай, ҳеч гап эмас, балам, ўзимиздан ўтди-ку, ҳа, парво қилманг.

Давроннинг чўнтагига қўл солганини кўрган Очил бобо унинг билагидан ушлади.

— Бундай ишни қилманг, ўғлим, хафа бўламан, келган балою қазо ўшанга урсин. Товон тўлаб, дилимни оғритманг, хай денг энди. Ғунажини етилиб турупти, кампир иккаламизга етади, гидирсиз айтаёпман, балам.

Даврон ночор қўлини чўнтагидан олиб, Очил бобога тикилиб қолди.

— Ҳа, шундай бўлсин. Ажал келса, одам ўлади, бу сигир акан-ку, қўйинг, хижолат тортманг, минг бор розиман. Қани, ичкарига, гурунг қилиб ўтирамиз, ўғлим.

— Раҳмат, Очил бово, ман кетай, кеч бўлди, барвақтроқ бафуржа ўтиришга келаман.

— Ҳай, ўғлим, ихтиёр, аммо буни сира ўйламанг.

Даврон сигир можароси ҳали анча-мунча гап-сўзга олиб боришини тушуниб турса-да, кўнгил чигили бироз ёзилиб, изига қайтди. Кўча қоронғи. Ариқ бўйидаги қатор ҳовлилардаги чироқлар ўчган. Даврон бошини маъюс эгганча, битта-битта одимлаб, йўлакка кирди-ю, дарвоза занжирини илди. Оёқ учида келиб, айвоннинг очиқ деразасидан ичкарига мўралади. Истат бибининг ухлаб ётганига қаноат ҳосил этгач, ҳовли бурчагидаги дарчадан чорбоққа ўтди. Бўри калланинг карчидай эгилиб турган ингичка янги ойнинг атрофни ёритишга ожиз нури хира милтиллайди, борлиқ уйқуда. Чорбоғ бурчагидаги бўталар остидан бузоқбошининг нафас ростламай чириллаши-ю тарвақайлаган анжир тупларига тақаб қўйилган нақшин қуббали сўри ёнидаги ҳовузчада ярим мудроқ бақанинг эринчоқлик билан қурилласшигина бу сокинликни бузиб, ҳаёт ўз оқимида давом этаётганидан дарак берарди. Даврон оёқларини осилтирганча сўрига ўтирди. Унсиз эсаётган тунги шабададан жунжикканидан қўлларини чамбарак қилиб қўлтиғига тиқди. Ипакдек майин жимирлаётган сувга тикилиб, ўйланди. Умрида биринчи бор ўзини ушоқдек ожиз-у тушкун ҳис этиб, ичидан тўлқинланиб келаётган алангани тўхтатолмай, оғир хўрсинди. Қачонлардир мактабда бирга ўқиб юрган кезларида болалар ерга қапишиб кетгудек бўйи, япасқи бурнига қараб пакана-пучуқ, мусичадек жуссаси туфайли олқинди деб калака қилиб юришадиган Қаҳрамон бугун назарида филу ўзи эса жонсиз пашшадек ғариб кўринди. Қаҳрамон ўзидан бир-икки синф юқорида ўқисаям, ҳеч ким уни писанд қилмас, танаффус пайтлари мактаб ҳовлисига чиқиб қолса, масхарабоз маймун ўйнатгандек ўртага олиб, гап отишарди. У эса бу балою офат гирдобида тўлғаниб, гавдасига мослаб бичилгандек киртайган митти кўзларини мўлдираттанча дуч келган томонга қараб қочарди. Эртасига, индинига, хуллас, ҳар куни шу ҳол такрорланганда, у яна нафасини ичига ютганча, чақалоқникидек қўлларини муштлаб, ўзини олиб қочишга чоғларди. Қоматдор, сохт-сумбати хушбичим, катта-катта жозибали кўй кўзлари қизларнинг юрагига чўғ соладиган Давродан болалар, ҳар қалай, ҳайиқишар, унинг қилиқларига тақлид қилиб, ҳар жиҳатдан ҳам унга ўхшашга интилишар эди. Ҳатто ўқитувчилар ҳам унга суқланиб қарашадиган, худа-беҳудага кўкларга кўтариб мақташадиган, истакларига бўй-сунадиган бўлиб қолишди. Табиийки, она учун ҳам ёлғиз фарзанд арзанда эди. Бу муҳит Давронни ҳаволантириб қўйди. У унча-мунчани назарписанд қилмайдиган бўлди, атрофидагиларга ўхшамасликка, бошқача бўлишга интилди. Ёшига ярашмаган кибр-ҳаво, ўжарлик мурғак қалбига маҳкамроқ ўрнашди. У нуқсонларига парво қилмайдиган, иродасизлиги-ю, беқарорлигини сохта рафтору киборлик билан хаспўшлайдиган йигитга айланди, ўзини тенги йўқ шахс ҳис эта бошлади. Йиллар ўтиши билан феъл-атворидаги бу иллатлар одат тусига кирди. Ирригация институтини имтиёзли диплом билан битириб, ўзи туғилиб-ўсган қишлоғида механик-инженер бўлиб ишлаган кезларида ҳам, район партия комитетининг инструкторлигига кўтарилганида ҳам одамлар билан муомалада характеридаги бу иллатдан қутулолмай, дакки еган пайтлари кўп бўлди. Аммо ўзини ўнглаб олишга ҳарчанд уринмасин, иродасизлиги монелик қилди.

Даврон ҳорғинлик ва уйқусизликдан милки қизариб, ачишаётган кўзларини юмди. Хаёл уни студентлик йиллари сари етаклади.

Ғ УМИЯНИ илк бор институтда учратган эди. Дарсдан кейин чиқиб кетаётганида вестибюлда Раҳим Аҳмедовични кўриб, саломлашди-ю, унинг ёнидаги қиздан кўз узолмай қолди. Магазин витриналарида ясатиб қўйиладиган қўғирчоқлардек жажжигина бу қизчага акация дарахтларини ёнлаб муюлишдаги кўчага бурилиб кетгунича тикилиб қолди. Қиз эгнидаги йўл-йўл чизиқли оқ ипак сарафан, оёғидаги ингичка пошнали қора туфли ўзига жуда ярашиб, ҳар қандай одамнинг диққатини жалб этарди. Даврон ҳатто қулоғидаги ёқут кўзли сирғасигача суқланиб боқди. Кўздан ғойиб бўлгандан кейин ҳам қизнинг кулиб турган шаҳло кўзлари, бармоқлари, узун-узун оппоқ қўллари, иссиқдан хиёл буғриққан оқ рухсоридаги тариқдек холи назаридан нари кетмади. «Шу келишган қаддуқомат, ялтираб турган жозибали юзларига яраша бўйдан ҳам худо кисманинда, уста дурадгор йўнгандай силлиқ, тўла оёқлариям узунроқ бўлганида, эркак зоти борки, шайдо қилиб, кўйида ёндирарди», деб хаёлидан кечирди-ю, трамвай бекатигача шу ҳақда ўйлаб борди. Ётоқхонасида ечиниб, волейбол майдончасига тушганида, қиз хаёлидан тамоман кўтарилди. Қайтиб уни кўрмади ҳам. Тасодифан қайта учрашмаганида, қизни бир умр эсламаслиги ҳам мумкин эди.

Иттифоқо, бир куни институт ҳовлисида Қаҳрамонни кўриб қолди. Қаҳрамон мактабни ундан олдин б тириб, бир-икки йил чўпонлик қи ди-ю сўнг қишлоқдан ғойиб бўлд Ўртоқларидан кимдир унинг ҳақид «Рассомлик мактабига ўқишга кетди деганди. Даврон унинг расм сол юришини, чизган суратлари девор газетада чиқиб туришини биларди Аммо кўпчилик қатори: «Шунча эрмак қилиб юргандир-да», деб п санд қилмас эди. Шу орада ёшла газетасида бир плакатни кўриб ост даги «Рассом Қаҳрамон Розиқо деган ёзувга кўзи тушгач, ўйлан қолди. Ўқишга келган дастлабки ку лари уни қидириб топмоқчи ҳа бўлди. Ғурури йўл бермади. «Ў пакана-пучуқ олқиндидан дуру рассом чиқармиди», деб қўл си тади.

— Ҳа, Қаҳрамон ака, бахай, б томонларда нима қилиб адаш юрибсиз?

Қаҳрамоннинг чувак юзи тириши митти кўзлари юмилгудек қисил кулди. Сўнг ўнг қўлининг кички чайир бармоқларини жуфтлаб, Да рон билан кўришди-ю, дабдурустда сансираб:

— Сани кўргани келдим, ука, м софир юртда одам ўзиникини жу қўмсаркан, — дея меҳр билан қуч ғини очди.

Даврон шу топда бир вақтлар б лалар қатори уни калака қилганлар ни ўйлаб, ичидан ачинди. Қаҳрамо ни маҳкам қучиб, икки юзидан чўл чўлп ўпди.

— Меҳр каттадан-да, жўра, х келдийиз-да, қани юринг, обшижи борамиз, — Даврон Қаҳрамонни қўлтиғидан олиб судради.

— Аввалом бор, мани энди си сирама, дўст одам сансираб гапи беради. Иккиламчиси... — Қаҳрамо Давронга кўз қирини ташлаб, жи майди.

— Нима иккиламчиси?

— Бировни кутяпман.

— Э, қўй-да, шундайчикин га ларни энди жўра дегандан сўғин, У яна Қаҳрамонни судради.

— Сақла, жўра, сақла, ҳозир к лади.

— Ў, балосан-ку, булбулча топга сан чоғи бизни макондан, а? Ёши май гапирабер.

Қаҳрамон эгри-бугри тишлари кўрсатиб, илжайди. Сўнг Даврон жиддий тикилиб:

— Қўй, мундоқ гапларингни ма га қилма. Бир қизнинг суратини со япман. Таништириб қўяман.

— Ҳо, айтдим-ку, балосан, бал Сурат баҳона, дийдор ғанимат, д гин.

Қаҳрамон Давроннинг гапига ж воб ҳам бермай, тўғридаги ғиёқ лаб очилган эшикка қараб қолд Унинг митти кўзларида нур чара ларди.

Даврон Қаҳрамоннинг кўзлари т килган томонга қайрилиб қарадидонг қотди. Раҳим Аҳмедович бил ўша қиз.

— Шуми?

Қаҳрамон улардан кўз узм «ҳа», деди-ю, шаҳдам одимлади.

— О, замонамиз рассоми мул Қаҳрамон-ку! Қаёқларда қолиб к дийиз, камнамо?— Раҳим Аҳмедов кўришишга қўл узатди.

Қаҳрамоннинг кичкинагина қў профессорнинг катта кафтида й бўлиб кетди. У Румия билан кўри туриб:

— Агитбригад минан чўлга кету дик.— Шундай деди-ю ёнига кел тўхтаган Давронга ишора қилди.

—. Танишинглар. Ҳамқишлоғи Даврон.

Даврон ийманибгина исмини т рорлаб, қизга қўл узатди. Румия к зариб, латиф бармоқларини Давро нинг кафтига қўйди.

— Румия.

— Таништганимдан мамнунман, деди-ю, шу заҳоти профессорга у сўрагандек қараб, қўл берди.

— Ҳаммамиз ҳам бир қишло нинг боласи эканмиз-да, жуда с Қани, юринглар, ҳамшаҳарлар, уй кетдик, қолганини ўша ёқда гуру

Расмни Н. ИБРОҲИМОВ чизган

шаберамиз, — Раҳим Аҳмедович ларнинг розилигини ҳам кутмай, йўл ошлади.

Иккиланиб қолган Даврон бир Румияга, бир Қаҳрамонга қараб, индаай эргашди.

Раҳим Аҳмедовичлар ҳовлиси институт қаватида, уч юз қадамча наригиги кўча муюлишида экан. Профессор оч ҳаворангга бўялган дарвоза ёнидаги бир табақали эшикни чиб, меҳмонларни ичкарига таклиф тди. Каттагина саҳнли ҳовлида дид илан режалаб ўтқазилган шафтоли, лос, олма, олча дарахтларининг м-яшил шохлари бир-бирига тутаиб, ҳамма ёқда бирдай соя ташлари. Девор тагидан жилдираб оқаётан арикча бўйига қатор тизилган оқ. изил, сариқ, новвотранг, пушти иргуллар таъзим этаётгандай эгииб турарди.

Раҳим Аҳмедович ёшларни думаоқ оқ пластмасса стол атрофига йилган стулларга ўтқизди. Ўзи штин зинадан кўтарилиб, хонасига ириб кетди.

Қаҳрамон Румия билан эски қадронлар сингари сира тортинмай гапиар, ётсираётган Давронни ҳам суҳатга тортиш учун ора-чора саволар бериб, жавобини қистагандек араб қолар эди. Бошда Румиянинг ўзларига ниҳоятда одоб сақлаб, аст овозда гапиришига, босиқ кулусига маҳлиё бўлиб ўтирган Даврон унга эътибор бермади. Аммо маъум фурсатдан сўнг негадир Румияи Қаҳрамондан қизғаниб, рашк қиа бошлади. У энди Қаҳрамоннинг ишлоқича содда гапларига ғаши елиб, ичида масхаралар, айрим сўзарига Румия завқланиб кулганда са тўлғаниб, ғазабини босиш учун лларни томоша қилган каби юзини урар эди. Яна бироз ўтирганида, аврон одатича портлаб кетиши ҳам тимолдан холи эмас эди. Аммо ўзи стамагани ҳолда ўрнидан туришга ажбур бўлди. Уст-бошини алмашириб чиққан Раҳим Аҳмедович останада туриб, Қаҳрамонга мурожаат илди.

— Борди-ю, ўртоқ рассомнинг ига майллари бўлса, тортинмай айверсинлар, биз халақит бермай, оли қўйишимиз мумкин. — Профессор Давронга кўз қисиб, зинадан ша бошлади.

— Румияхоннинг ҳузурларига келишдан муддао — ишлаш, албатта. убҳасиз, дўстим эътироз билдирса.

Даврон назарида митти кўзлар ўзи тешгудек қадалиб тургандай туюди. У аламини ичига ютди. Жилмайнча Румия билан хайрлашди. Қаҳамонга қарамади ҳам.

Дарахтлар соя-салқинида иссиқ зилмаган экан. Даврон муюлишда ҳим Аҳмедович билан хайрлашиб, тта кўчага чиқиб олгач, тик кўтаилган қуёшнинг найза бўлиб санчиётган нурлари елкаларини куйдира ошлади. Автобус бекатидаги одамр тўпини ёриб, баланд иморатлар ясидаги йўлкага чиқиб олгач, кўкгига шабада теккандай бўлди. мо Румия билан Қаҳрамоннинг оқ-чапоқ ўтириши унга тинчлик ермай қўйди. Румияга эргашиб, гап ъқуллаётган Қаҳрамоннинг митти зларию, азбаройи ялпоқлигидан таклари икки ёққа керилган пучуқ рни ётоқхонага кела келгунча наридан нари кетмади. Қаҳрамоннинг мия олдидаги имтиёзи нафсонияга қаттиқ теккан эди. Волейбол айдончасидаги машғулот ҳам кўнгни ёзолмади. Хонасига кириб, ўзи каравотга ташлади. Ҳеч нарсани ламасликка қарор қилди. Йўқ, рури йўл қўймади. Ўрнидан туриб, нада безовта юра бошлади. «Натки, шу пакана, япасқи бурун менн ортиқ бўлса?» Шу фикр миясига илдию сапчиб ўрнидан туриб кинди. Ҳалиги ерга қайтиб бормоқ бўлди. Жингалак қора сочларини рмоқлари орасига олиб титкилаб ланди.

Эртасидан бошлаб Даврон Румиянг йўлини пойлайдиган бўлди...

КИТОБ БЕЗАШ САНЪАТИ МУАММОЛАРИ

Қутлуғ БАШАРОВ,

Ўзбекистон ССР халқ рассоми

Ўзбек тасвирий санъати тараққиётида китоб безаш (китоб графикаси) алоҳида аҳамиятга молик. Бу санъат ҳам узоқ тарихга эга. Султон Муҳаммад, Абдулло Музаҳҳиб, Маҳмуд Музаҳҳиб ҳақли равишда «Шарқ Рафаэли» деб улуғланган миниатюра санъатининг буюк намояндаси Камолиддин Беҳзод, Мурод Самарқандий ва Аваз Муҳаммад каби мусаввирлар Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиёда китоб безаш санъатининг классик намояндалари сифатида машҳурдирлар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги йилларда ўзбек совет график рассомлари олдида халқ даҳоси яратган бойликлардан фойдаланиб, бугунги кун талабига жавоб берадиган китоб безакларини — санъат асарларини яратиш вазифаси турарди. Рассомларимиз ана шу вазифани муваффақият билан бажардилар ва бажариб келмоқдалар.

1950 йилларга келиб, Ўзбекистонда китоб графикаси тез суръатлар билан ривожланди, ҳатто алоҳида санъат тури сифатида ажралиб чиқди, ўз шакл ва кўринишига эга бўлди. Гарчи ўша пайтларда полиграфия базаси нисбатан кучсиз бўлишига қарамай халқ эътиборини жалб этадиган китоблар яратила бошланди. Бу даврда Ўзбекистон халқ рассоми Искандар Икромов ўз атрофига китоб санъати фидойиларини жалб этиб, ўзига хос мактаб яратди. Бу мактаб вакиллари санъатимиз тарихини қунт билан ўрганиб, замонавий эстетик талаблар асосида маданий мерос бойликларини ижодий ўзлаштириб, мутлақо янги типдаги китоб безакчилиги принципларини тайин этдилар.

1960 йил бошларида Тельман Муҳамедовнинг «Ўзбек халқ эртаклари» китобига ишлаган иллюстрациялари ўзбек классик санъатининг чинакамига гўзал анъаналари давом этаётганлигидан яна бир бор далолат берди.

Тасвирий санъатнинг энг оммавий тури китоб графикасидир. Биз бу санъат орқали ўқувчиларимизнинг дидини ва савиясини оширишимиз, ёзувчи яратган қаҳрамонларни китобхон кўз олдида гавдалантириб беришимиз, китобхоннинг табиатга муҳаббатини оширишга хизмат қилмоғимиз керак.

Талабчан китобхон ёзувчи яратган образларни иллюстрация-безак воситасида ва безаклар кўзгусида кўришни истайди. Бу ўз навбатида рассомлар зиммасига янада катта масъулият юклайди. Модомики, шундай экан, бугунги кунда Ўзбекистонда китоб графикаси қандай аҳволда? Қуйида худди шу ҳақда фикр юритмоқчимиз.

Фан ва техника гуркираб ўсаётган шу кунларда республикамизда полиграфия ва китоб санъати ҳам шубҳасиз катта ютуқларга эришди. Ўзбекистон полиграфчилари, нашриёт ва китоб графикаси вакиллари Иттифоқимиздаги етакчи нашриёт ва китоб безакчилари билан ижодий ҳамкорлик қилиб, ажойиб самараларни қўлга киритмоқдалар. Кейинги ўн йилликда Бутуниттифоқ ва зонал китоб конкурсларида қўлга киритилган соврин ва дипломлар бунинг яққол далилидир.

Шуни ҳам айтиш кераккки, конкурсга тавсия этиладиган китоблар полиграфия ва нашриёт ходимларидан масъулият, меҳнат талаб этади. Унда китоб ижодкорлари ўз санъатларини намойиш қиладилар. Албатта, бу жуда қизиқарли ва кераклли анжуман бўлиб, унда полиграфия ва нашриёт ходимлари фикр алмашадилар, ўз ютуқлари ва камчиликларини билиб оладилар.

Китоб графикаси соҳасида катта ютуқлар билан бирга кишининг ғашига тегадиган, ўзининг бартараф қилинишини кутиб турган камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Шу нуқтаи назардан Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилаётган китобларнинг бадиий безаги — графикадаги маҳорати ва услуби ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз бўлур эди.

Маълумки, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт фақатгина республикамиз ёзувчилариникгина эмас, балки қардош халқлар ва жаҳон адабиёти асарларини ҳам чоп этиб, кенг китобхонлар жамоатчилиги ҳурматига сазовор бўлмоқда. Албатта, бу китобларнинг юзага келишида рассомларнинг меҳнати ҳам жуда каттадир. Лекин шунга қарамай, нашриёт чоп этаётган китобларнинг безагида эътирозли жиҳатлар кўп.

Ўзбекистон рассомларининг XII съездида сўзга чиққан нотиқлар республикамизда нашр этилаётган китобларнинг безак ва иллюстрацияларида конструктивликка берилиш мавжудлигини, уларда миллий руҳ етишмаётганлигини қаттиқ танқид қилдилар. Шуни ҳам эслатиб ўтиш кераккки, илгари ҳам шундай танқи-

Муҳокама, мулоҳаза, мунозара

дий фикрлар бир неча бор айтилган эди. Афсуски, бу ҳақли танқидлар ҳалигача Ғафур Ғулом номидаги нашриётда ишлаётган рассомларга бориб етгани йўқ.

Хизмат қилаётган рассомлар кўпинча китобдаги қаҳрамон образини тўлиқ тасаввур қила олмайдилар, оқибатда китобларимиз хаёлий, мавҳум безаклар билан китобхон қўлига тегади.

Маълумки, Михаил Шолоховнинг «Тинч Дон», «Очилган қўриқ» романларига, Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романига, Александр Твардовскийнинг «Василий Тёркин» поэмасига ишланган иллюстрацияларда миллий рус характери ёрқин гавдаланиб туради. Худди шундай маҳорат билан ишланган иллюстрациялар Ғафур Ғулом номидаги нашриёт чоп этаётган китобларни безатган рассомлар учун ибрат бўлиши керак эди. Нашриётда бир гуруҳ ходимлар безакчи рассом сифатида тақлид қилиш йўлига ўтиб олишган. Улар нашриёт билан ҳамкорлик қиладиган барча рассомларга ГДР ва Польшада нашр этилган китоб нусхаларини мезон қилиб кўрсатадилар ва уларга эргашишни маслаҳат берадилар. Бу нарса аста-секин ўзбек китобининг қиёфаси йўқолиб кетишига олиб келди. Баъзи китобларни кўриб ҳайрон бўласиз. Бундай китобларда миллий шакл ёки услуб у ёқда турсин, ҳаттоки уларнинг қайси даврга мансублигини билиш ҳам мушкул бўлиб қоляпти. Чунончи, шоир Муҳаммад Алининг «Боқий дунё» шеърий романи босмадан чиқди. Уни рассом А. Бобров безаган. Китобни қўлга олар экансиз, ташқи қиёфаси ва композициясига қараб, бу безак Ҳамза асарига ишланган бўлса керак, деб ўйлайсиз. Чунки услубда, композицияда ва китоб конструкциясида Ҳамза асарларига ва Ҳамид Олимжоннинг «Семурғ» достонига ишланган иллюстрациялар руҳи айнан қайтарилган. Бу эса рассомнинг ижодкорлар даври ва образларига чуқур кира олмай шаблонга берилганлигининг далилидир. Хуллас, кўпгина китобларга назар ташлар экансиз, рассомлар бу асарларнинг ички дунёси билан танишмай туриб иллюстрация ва муқовалар яратганликларини ҳис этасиз. Бадиий маҳорати жиҳатидан жуда паст бўлган бу иллюстрациялар, ўлик, руҳсиз образлар бўлиб, уларда на ташқи қиёфа бор, на миллати аниқ қаҳрамон бор ва на давр руҳи бор! Аниқроқ айтганда, мамлакатимиз, шунингдек, жаҳон китоб графикасида аллақачон таомилдан чиққан услублар бугунги кунда Ғафур Ғулом номидаги нашриётда «барқ уриб гулламоқда».

Кейинги пайтда китоб рассомлари ҳақида ёзувчи ва шоирларимизнинг таъна ва дашномларини эшитавериб, биз рассомлар қийин аҳволга тушиб қолмоқдамиз.

Ўзбекистон Рассомлари съездида, Ўрта Осиё ва Қозоғистон китоб конкурсида Ғафур Ғулом номидаги нашриёт рассомлари шаънига айтилган кескин танқидий мулоҳазалар жуда ўринлидир. Бу танқиддан нашриёт ходимлари тўғри хулоса чиқариб, ўз ишларида бурилиш ясамоқлари зарур.

Нашриёт ишига халқ ҳаёти ва маънавий оламини яхши биладиган қардош миллат рассомлари билан бирга ўсиб келаётган маҳаллий рассомларни кенгроқ жалб қилмоқ лозим. Ана шунда ўзбек китоб безакчилиги анъаналари тағин яхши ўзанга тушиб олади. Айниқса конкурсга тақдим этиладиган китобларга бошқа рассомларни ҳам жалб қилмоқ ва конкурсга кўплаб ҳозирги замон ёзувчи ва шоирларининг асарларини танламоқ керак.

Ғафур Ғулом нашриётининг штатдаги рассомлари эса конкурсга мўлжалланган, шунингдек, кўп иллюстрацияли китобларни безаш ишига талантли маҳаллий рассомларни жалб этиб, ажойиб китоблар безаги ва иллюстрация яратишга имконият яратиб беришлари керак.

Бугунги кунда кенг китобхонлар биз, рассомлардан ҳақли равишда Ғофир, Йўлчи, Отабек, Ойқиз образларининг ҳақиқий тасвирини кутмоқдалар. Шуни таъкидлаш лозимки, республикамизда жуда кўп сонли ажойиб график рассомлар армияси етишиб чиқмоқда. Улар ҳар қандай асар устида ишлаш ва бадиий маҳорат даражасини янада юқори кўтариш қудратига эгадирлар. Бу рассомлар отряди китоб графикаси бўйича Искандар Икромов мактабининг анъаналарини давом эттириб, шаклан миллий, мазмунан социалистик асарлар яратишга интилмоқлари керак.

ВАТАН ТУЙҒУСИ

Анвар ҚОСИМОВ,
шарқшунос, тарих фанлари кандидати.

Бундан уч йил муқаддам Ўзбекистон фани ва санъатининг бир гуруҳ намояндалари АҚШда бўлган эдилар. Ана шу сафар чоғидаги суҳбатлардан бири ҳеч ёдимдан кўтарилмайди. «Баҳор» ансамблининг концертлари, анъанага кўра, миннатдор томошабинларнинг қизғин олқиши билан якунлангач, бизнинг олдимизга бир неча америкалик келди. Улар ота-боболари турли сабаблар билан ўз она-юртини ташлаб чиққан биринчи ва иккинчи авлод вакиллари эдилар. Биз уларни меҳмонхонага таклиф этдик. Анъанавий кўк чой атрофида осойишта суҳбат бошланди. Авлод-аждодининг юртида ҳеч қачон бўлиш насиб этмаган бу америкаликларни кўп миллатли мамлакатимиз ва социалистик Ўзбекистонимиз ҳаётининг деярли барча соҳалари қизиқтирарди. Уларнинг саволлари кўп ва турли-туман эди. Улар орасида оддий ва самимий саволлар ҳам, махсус тайёрланган, совет турмуш тарзига соя ташлаши ҳисобга олиб тузилган қўпорувчилик характеридаги саволлар ҳам бор эди. Шу билан бирга суҳбатдошларимизнинг бизнинг яшаш, меҳнат қилиш, дам олиш тарзимизга доир аниқ билим, етарли маълумотдан ҳоли эканликлари ҳам сезилиб турарди...

СССРда миллий масаланинг ҳал қилиниши чет элларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Биз суҳбатдошларимизнинг саволларига жавоб берар эканмиз, буюк Ватанимиз — Совет Иттифоқи билан ҳақли суратда фахрланиш туйғусини ҳис этамиз. Ана шу буюк гражданлик туйғуси ҳақида ўртоқ Л. И. Брежнев «Эсдаликлар» китобида: «Ҳаммамизда ҳам Ватан туйғуси жуда кучли! Ажойиб туйғу!»— деб ёзади.

Биз совет кишилари бўлганимиз учун чинакамига фахрланамиз. Манфаатлар ва ниятларнинг, ирода ва фаолиятнинг муштараклиги, бир-бирига ишонч ва ўзаро ёрдам, интернационализм, коммунистик идеалларга садоқат — булар мамлакатимиздаги барча миллат ва элат ўғил-қизлари, барча совет халқига хос характерли хусусиятлардир.

Совет Иттифоқи меҳнат кишиларининг буюк қардошлигини ўзида мужассам этади. Социализм туфайли дунёга келган бу интернационал қардошлик ижодий бунёдкорликнинг битмас-туганмас манбаи ҳисобланади.

Ленин партияси раҳнамолигида Совет Иттифоқида туб социалистик ўзгаришлар рўй берди, бунинг оқибатида барча миллат ва элатлар ўртасида тенглик, қардошлик, дўстлик қарор топди. Совет ватанпарварлиги 100 дан зиёд миллат ва элат вакилларининг ягона Ватанга садоқати ифодасидир. Тақдирлар, мақсадлар, мафкура муштараклиги ватанпарварлик туйғусини миллий биқиқликдан холи умумхалқ, умуммиллий туйғу даражасига кўтаради. Ҳар биримиз, энг аввало, совет кишисимиз. Барча миллат ва элат меҳнаткашлари ўзларини умумий бирлик тарзида шаклланган совет халқининг вакиллари деб ҳисоблайдилар.

Совет кишисининг социалистик бунёдкорлик жараёнида қарор топган энг яхши фазилатлари дастлабки беш йилликлар қурилишларида, мамлакатни индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва маданий революция даврида, инқилобий ғалабаларни сақлаб қолиш учун бўлган кураш жабҳаларида камол топиб бойиб борди. Етук социализм шароитида, коммунистик қурилишнинг мураккаб вазифаларини амалга ошириш учун кураш қизғин тус олган ҳозирги пайтда совет кишиларига хос бунёдкорлик фазилатлари янада бўртиб кўринмоқда.

Мамлакатимизнинг олтмиш йиллик тарихи кўзгусида акс этиб турган шонли бунёдкорлик ишлари ҳақида биз тўлиб-тошиб сўз юритамиз, илҳом билан ёзамиз. Ҳар бир оила, ҳар бир инсон, ҳар бир республика ҳаётида бу ўзгаришлар кўзга яққол ташланиб турибди. Қардошлик иттифоқига бирлашган Совет Ўзбекистони ҳам беқиёс муваффақиятларни қўлга киритди. Бир ярим мингдан зиёд саноат корхоналари республиканинг индустриал қиёфасини белгилаб турибди. Бу ерда Иттифоқ аҳамиятига молик қатор тармоқлар мавжуд. Республикамиз бир-гина электр энергиясини инқилобга қадар бутун Россия ишлаб чиқаргандан 20 марта кўп ишлаб чиқармоқда. Қишлоқ хўжалиги эса Ватанга юз минглаб тонна пахта, шоли, узум, мева, сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари етказиб бермоқда.

Маданий революция натижасида беқиёс муваффақиятларга эришилди. Ўзбекистон ёппасига саводхон ўлкага айланди. Октябрга қадар бирорта олий ўқув юртига эга бўлмаган республикада ҳозирги пайтда мавжуд 43 та олий ўқув юртида 285 минг студент таълим олмоқда, 519 та профессионал-техника ўқув юртларида 233 минг, ҳамма турдаги 9 минг 400 та умумтаълим мактабларида эса 4 миллион 148 минг ўқувчи таҳсил кўраётир.

Партия, ҳукумат, бутун совет халқи республика тараққиётига жуда катта ёрдам кўрсатиб келдилар ва кўрсатмоқдалар. «Совет Ўзбекистони доимо СССРдаги барча қардош халқлар билан ёнма-ён, узвий бир сафда борганлиги учун ҳам у ўтмишдаги қолоқликдан шу қадар тез кўтарилиб, ҳар томонлама ривожланган, гуллаб-яшнаб турган республикага, Шарқдаги энг илғор давлатлардан бирига айланишига муваффақ бўлди»,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев шу йил март ойида Ўзбекистонга учинчи марта Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилишда.

Бизнинг муваффақиятларимиз, реал социализм эришаётган ютуқлар реакция кучларининг ғашига тегаётир. Шунинг учун ҳам ғарбда кучли ахборот-пропаганда комплекси вужудга келтирилган бўлиб, унинг асосий мақсади кишиларни сиёсий жиҳатдан чалғитишдан иборат.

Капитализм системаси кескин кризисга учраган шароитда империализм турли хил йўллар билан социализм позицияларига раҳна солишга, халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатини сўндиришга, капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашига халал беришга уринади.

Бизнинг синфий мухолифларимиз марксча-ленинча дунёқарашга, ривожланган социализм тажрибаларига ҳужум қилиб, социализм мамлакатларининг экономика ва ижтимоий соҳаларда эришган тарихий ғалабаларини хаспўшлашга интиладилар. Шу сабабли антикоммунизм, коммунистик партиялар ва социалистик мамлакатлар ўртасига раҳна солиш, Коммунистик партияларни КПССга, социалистик мамлакатларни Совет Иттифоқига қарши қўйиш буржуа пропагандасининг асосий йўналишларидир. Коммунизмга қарши курашнинг бош ўзаги антисоветизм ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши олиб борилаётган «психологик уруш» янада зўр бериб авж олдирилмоқда. Буржуа матбуоти «ахборот эркинлиги», «ғоялар алмашиш эркинлиги» тушунчалари остида антисоциалистик пропаганда «эркинлиги», бўхтон тарқатиш «эркинлиги»ни англамоқда. Ғарб амалиётчилари ва назариётчилари 40-йиллардаёқ «психологик уруш» вазифаларини белгилаб, унинг мақсади, биринчидан, мухолифни ахлоқий жиҳатдан айнитиш, иккинчидан, унинг дунёқарашига, у эътиқод қўйган таълимотнинг ҳаққонийлигига шубҳа уйғотиш, учинчидан, унга зарур деб топилган ғояларни зўрлаб тиқиштиришдан иборат деб кўрсатган эдилар.

Жаҳон социалистик системасига қарши идеологик курашда империализм энг аввало миллатчиликка таянади. Реакция кучлари ана шу тарзда коммунистик ҳаракат бирлигига путур етказмоқчи, революцион отрядларни бир-бирига қарама-қарши қўймоқчи бўлади. Ана шу ниятларини амалга оширишга йўлида улар миллий онгни интернационализмга қарши қўйишга, халқларнинг миллий онгини антикоммунистик, антисовет йўналиши касб этишига, миллатчилик туйғуларини ёндиришга интиладилар.

Яқинда Англияда чиқадиган илмий журналлардан бирида Н. Лубиннинг Ўзбекистон ҳақида эълон қилган мақоласи юқоридаги фикрга мисол бўла олади. Сохта илмий кузатишларини пеш қилиб, муаллиф (бу аёл бир неча ой давомида Тошкентда бўлган эди) рус тили ва маданияти таъсири остида ўзбеклар, айниқса шаҳар аҳолиси ўзининг миллий тилини, кўп асрлик маданияти ва халқ анъаналарини йўқотиб бормоқда, деб вайсақилик қилади. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида рўй бераётган объектив интернационал жараён, муаллифнинг таъкидлашига кўра, ҳақиқий халқчиллик, миллийликнинг йўқолишига олиб борармиш.

Мақола автори республиканинг маориф соҳасида эришган муваффақиятларини тан олмасдан иложи йўқ, лекин шу билан бирга у кўплаб олий ўқув юртларида ўқиш-ўқитиш ишлари рус тилида олиб борилади ва ғўё, бу, ўзбек талабалари томонидан программани тўла ўзлаштириш имкониятини чеклаб, етарлича малака ололмасликларига сабаб бўлади, дейди. Мақолада ҳеч қандай далил-исботсиз таъкидланишича, кўплаб ўзбеклар ўз болаларини рус мактабларига берадилар. Бунга сабаб ғўё рус тилини билган ёшлар қаршисида энг яхши ҳаётий истиқбол эшиклари очилар эмиш. Маҳаллий миллат орасида рус тилида сўзлашувчилар сони муттасил ошиб бораётганини ҳам муаллиф ана шу факт билан шарҳламоқчи бўлади.

Бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда рус тили маган халқларнинг рус тилини эгаллашга интилиши тобора кучайиб бораётгани рост. Ҳозир рус тилини билиш барча граждапларнинг чинакам ҳаётий эҳтиёжига айланган. Она тили билан бирга рус тилини кўнгилли тарзда ўрганиш жараёни кучайиб боради, натижада СССРдаги ҳар бир миллат ва элатнинг барча халқлар маданиятидан, жаҳон маданияти хазинасидан баҳраманд бўлиш имкониятлари янада кенгаймоқда.

Кўплаб совет кишиларининг рус тилини мухтасар билиши халқларнинг маънавий мулки ўзининг миллий хусусиятларини йўқотмоқда, дейишга асос бермайди. Аксинча, бу ҳол миллий маданиятлар, миллий тилларнинг янада тез тараққий этиши ва ўзаро бойиши, барча миллат кишиларининг маънавий камолоти учун истиқбол уфқларини очади. Совет маданияти — СССРдаги барча халқлар томонидан яратилган энг яхши маънавий мулклар йиғиндисидир. Табиийки, ана шундай шароитда бошқа миллатлар эришган муваффақиятлар, шу билан бирга рус тилининг бойлиги мамлакатимиз халқлари маънавий ҳаёт тарзининг ажралмас қисмига айланган.

Буржуа тарғиботчилари ва тадқиқотчилари ана шу фактларни атайин кўрмасликка уринадилар. Уларнинг «далили»га кўра, «руслаштириш» жараёни СССРда исломнинг ҳолати ва мусулмонларнинг ҳаётига ҳам таллуқли эмиш. Н. Лубиннинг ўша мақолада ёзишича, атеистик пропаганда, диний маросимларнинг «давлат томонидан қўллаб-қувватланмаслиги» маҳаллий аҳолининг маълум қисми, айниқса диндорларнинг эътирозига сабаб бўлаётир, кўп ға пириб-кўп ёзилаётган янгича расм-русмлар гўё йўқ эмиш.

Илмий тус берилган навбатдаги туҳмат тошлар булар! Аслида эса, Ўзбекистонда, бошқа республикаларда бўлгани каби, диндорлар ўз маросимларини эркин суратда амалга оширадилар. Шу билан бирга янгича расм-русмлар турмушга уйғун кириб бораётир, уларда коммунизм қураётган миллатлар ва элатларнинг буюк муваффақиятлари ўз ифодасини топган. Айниқса, энг яхши меҳнат анъаналарида бўлган ҳашар мамлакатимизда кенг тарқалди. 1966 йилги табиий офатдан қаттиқ зарар кўрган Тошкентнинг барча иттифоқдош республикалар ишчирокида қайта тикланиши энг яхши анъаналарнинг самарасидир. Вайрон бўлган Тошкент жуда қисқа вақт ичида қад ростлади, янги проспектлар ва майдонлар гўзаллиги унинг аҳолиси ва сайёҳларни хушнуд этмоқда.

Совет Иттифоқи Шарқ халқларининг ҳақиқий дўсти эди ва шундай бўлиб қолади. Совет Иттифоқининг Россия ва Шарқ мусулмонларига муносабатини ифодалаб В. И. Ленин: «Уз мамлакатингизга ўзингиз хўжайин бўлмоғингиз лозим!.. Сиз шундай қилишга ҳақлисиз, чунки сизнинг тақдирингиз ўз қўлингизда», деб ёзган эди. Октябрь революциясидан кейин собиқ чор Россиясидаги барча халқлар, жумладан исломга эътиқод қўйган кишилар ҳам ўз олдиларида турган иқтисодий, ижтимоий, маданий проблемаларни ҳал этиб, ҳаёт даражаси ва фаровонлигини шу қадар юксак босқичга кўтарилдиларки, бу муваффақиятлар Осиё ва Африка қитъасидаги миллионлаб мусулмонлар учун энг яхши келажак намунаси бўлиб қолди.

Оммани эътиқод туйғусига ҳурмат билан муносабатда бўлган Совет Иттифоқи империалистик зўравонлик ва экспулатациягa қарши, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи учун, озодлик ва мустақиллик иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт учун кураш олиб бораётган барча мусулмонларга ҳамкорлик ва дўстлик қўлини чўзмоқда.

Нью-Йоркда бўлиб ўтган суҳбат яна ёдимга тушади. Суҳбат ниҳоясига етиб тарқалишар эканмиз, суҳбатдошларимиздан бири:

— Совет кишиларининг ҳаёти ҳақида биз кўпроқ билишимиз керак,— деди.

Чет эллардаги учрашувлардан сўнг Ватан туйғусининг нақадар гўзал ва муқаддас эканлигига, унинг юмушлари ва бунёдкорлик руҳи билан нафас олиш бахт эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласан киши. Антикоммунизм уйдирмалари воқеликка дуч келиши билан оftобга тутилган муз парчасидек эриб кетади. Ҳа, социализм ҳақиқати, турмушимиз гўзаллиги ҳақиқати ҳамиша биз томонда.

Абдулла ОРИПОВ

Савоб

Авжи саратонда ҳансираб, ёниб,
Қоврилиб оловли йўллар тафтида,
Муздайин булоқдан сув ичгач қониб,
Ҳордиқ олганмисан чинор тагида?
Руҳингда сафою таниигда мадор
Умидбахш қўшиқлар куйлаганмисан?
Ўша пайт, ўша он ҳеч қурса бир бор
Чинорни ким экқан — ўйлаганмисан?
Рўбарў келдинг сен тошқин дарёга,
Қолдинг соҳил узра чорасиз, гирён.
Лекин йўлиққандек ажиб рўёга
Қаршингда бир кўприк бўлди намоён.
Бамисли узала тушган хор вужуд
Кўтаргай у турфа инсонлар корин.
Ўтдинг сен дарёдан саломат ва бут,
Лекин ўйладингми кўприк меъморин?
Ўрмонлар бағрида сайр этган сайёҳ,
Чангалзор қўйнида саргардон овчи.
Мўъжаз бошпанани кўрдингми, ногоҳ,
Уни қолдирмишдир қайбир йўловчи.
Қолдирмиш у ҳатто қаро кун учун
Бир чимдим туз билан бир жуфт чақмоқ тош.
Ўйлаб кўрганмисан, бу ҳиммат нечун?
Ўйлаб кўрганмисан, кимдир у ғамдош?
Ҳа, Инсон умрининг кечмиши ажаб,
Гоҳ тўнғар, гоҳо у яшнар қулф уриб...
О, балки қайси бир фидойи сабаб,
Юрибсан сен ҳаёт нашъасин суриб.
Айт, ахир ўзинг ҳам то борсан собит
Кимсага насиба узатганмисан?
Кўчангдан лапанглаб ўтганда тобут,
Сен уни тўрт қадам кузатганмисан?
Чорасиз бир инсон учраган дамда
Унсиз сўроғига қилдингми жавоб?
Айт-чи, билармисан, ёруғ оламда
Буларнинг барчаси аталгай савоб.
Йўқ, йўқ, ўзга эрур бидъат ва карам,
Ҳиммату саховат тирикларга хос.
Боболар бетаъма қурган дунё ҳам
Асли савоб учун қолган бир мерос.
Кимдир тузар уни, кимдир бузади,
Кимдир борини ҳам қилади барбод.
Кимдир таъма билан дунё кезади,
Кимдир ўксик дилни этади обод.
Савоб деб инграйди дунёмиз беҳол,
Зордир у нажотбахш ҳислар сеҳрига.
Жангларда толиққан мажруҳ зот мисол
Суяниб яшар у инсон меҳрига.
То ҳаёт эканмиз савобга зормиз,
Йилт этган шуъладан диллар файзиёб.
Гоҳ ғамгин, гоҳ эса умидга ёрмиз,
Йўқолмаса деймиз дунёдан савоб.
Ахир, унинг билан гуллагай очун,
Ахир, унинг билан умрлар шоён.
Фақат савоб борки, жаҳон бус-бутун,
Фақат савоб борки, азиздир Инсон!

Ўзбегим тожик билан

Дўсту қардошдир азалдан
ўзбегим тожик билан,
Иккиси бир байт ғазалдан
ўзбегим тожик билан.
Қай йўсин айлай қиёс мен
бул ширин дўстлик сўзин,
Тотлидир болдан, асалдан,
ўзбегим тожик билан.
Бахтга ёр доим Навоий
то Жомий бор экан,
Биз улар қўйган тамалдан,
ўзбегим тожик билан.
Фаҳм этиб боқсанг агарда
биз қўша сайёрамиз,
Бу Али сўзлар Зуҳалдан,
ўзбегим тожик билан.
То етиб даврон мукаррам,
тутдилар Ленин йўлин
Инқилоб бўлган маҳалдан
ўзбегим тожик билан.
Бир эгатнинг бир учи мен,
сен эрурсан ул учи,
Ер экиб тинмас ҳамалдан,
ўзбегим тожик билан.
Бул қадрдон икки дўстга
хоҳишимдир то абад
Топса бир маъно масалдан
ўзбегим тожик билан.

Бизнинг шеър

Бизни писанд қилганларга минг бора қуллуқ...
Пахтакорлар ва ишчилар писанд қилдилар.
Зиёлилар, юмушчилар писанд қилдилар,
Студентлар, тўқувчилар писанд қилдилар,
Мактабдаги ўқувчилар писанд қилдилар,
Бизни писанд қилганларга минг бора қуллуқ.

Лекин бизни анча зотлар писанд қилмади,
Яёв эдик, саман отлар писанд қилмади,
Шоҳ сургандик, бироқ мотлар писанд қилмади
Таажжубмас, шеърга ётлар писанд қилмади,
Бизни писанд қилганларга минг бора қуллуқ.

Шоирни ҳеч тан олганми ҳиссиз, димоғдор,
Муқимийнинг авлодимиз камтар ва ночор.
Лекин шоир сўзи билан ҳамиша пойдор,
Аминхўжа бу борада гувоҳдир зинҳор,
Бизни писанд қилганларга минг бора қуллуқ.

Шоир зоти юрагига бўлибдур маҳкум,
Ижро бўлмас, у бўлса-чи, ўқийди ҳукм.
Асрлардан қолиб келган оқибат шулким,
Қулоқ солмас унга баъзан ошно ижроқўм
Бизни писанд қилганларга минг бора қуллуқ.

Мен кичкина увоқдирман, дунё томидан —
Сўзлагайман ўтган, кетган шоир номидан.
Ҳар ким ичгай шўр қисматнинг аччиқ жомидан,
Лекин дегум бу давроннинг хуш аёмидан:
Бизни писанд қилганларга минг бора қуллуқ.

Ҳайронлик

Шоир Ёдгор Обидовга

Чиндан ғалат эрур дунё ишлари,
Миянг ғовлаб кетар ўйлаган сари.
Диёнат, хиёнат аралаш бари,
Боқиб бу савдога, ҳайрон ўтдик биз.
Кўрдик инсон феълин ўру қирини,
Баҳам кўришарлар аввал сирини,
Сўнгра нимта қилар бири-бирини,
Боқиб бу савдога, ҳайрон ўтдик биз.
Гоҳо сендан азиз остингда отинг,
Гоҳ бир ғаламусга боғлиқ ҳаётинг,
Яхшиям қаторда бордир баётинг,
Боқиб бу савдога, ҳайрон ўтдик биз.
Сен дейсан, дилим пок, рашкдан йироқман,
Сен ундинг, мен эса ҳануз тупроқман.
Йўқ, Ёдгор, мен сендан бечороқман,
Боқиб бу савдога, ҳайрон ўтдик биз.
Не қилай, ёвузга ўқийман лаънат,
Ё шодон қўшиқлар айтаймн фақат,
Бировда меҳр мўл, бировда нафрат,
Боқиб бу савдога, ҳайрон ўтдик биз.
Ҳар қалай бахтлимиз — тирикмиз магар,
Қолган гаплар эса ўтар-да кетар,
Бамисли карнайга ишқи тушган кар,
Боқиб бу савдога, ҳайрон ўтдик биз.

Нозим Хикмат

Сиз бизни севардингиз, устоз Нозим,
Севардингиз бизни сиз, устоз Нозим.
Лекин бу муҳаббат,
Урфимиз,
Тилимиз бирлиги учунмас,
Болқондан то Сибирь — чўзилган,
Ҳазардан Энасой қадарли
Ёй каби эгилган,
Ёқут ва Олтойлар сингари,
Хакасу Тувонинг эллари —
Барчасин-барчасин қўшганда —
Кўп қадим китоблар бўйича
Кўпинча
Чалкаш тушунча —
Туркийлар ерлиги учунмас...
Сиз бизни севардингиз, устоз Нозим,
Севардингиз бизни сиз, устоз Нозим.
Лекин бу улуғ дунёда
Урфини сотганлар озми?
Лекин бу улуғ дунёда
Тилини сотганлар озми?
Олам бозорида сира киприк қоқмай,
Юртини, элини сотганлар озми?
Увоқ мақсад учун тарихни чаплаб
Ҳомийларни,
Закийларни сотганлар озми?
Сиз-ку Туркия учун ҳасрат чекдингиз, устоз,
Лекин, умуман,
Инқилобий
Туркийларни сотганлар озми?
Сиз бизни севардингиз, устоз Нозим,
Севардингиз бизни сиз, устоз Нозим.
Лекин бу меҳрнинг боиси нечун?
Нега биз хуш кўрдик бир-биримизни?
Не боис топишиб бу шонли йўлда
Бир илга боғладик тақдиримизни?
Бу улуғ бирликнинг
Сабаби биттадир, устоз Нозим,
Яъни барча коммунистларнинг
Матлаби биттадир, устоз Нозим.
Ман фахр эдирам, токи тирик бу турки лисон,
Верди давр бано инқилобий Нозим киби инсон.
Шу боисдан Туркиядан то Тува қадар,
Хакасдан то Олтойгача, ё Қува қадар,
Славян ё можор,
Ҳинд, араб, чин, булғор,
Ёқутдан то Болқон,
Қозону Туркистон —
Жамики шеърпараст, эркпараст инсон,
Ғоянгизни ялов қилиб кўтарди, устоз Нозим,
Шеърингизни олов қилиб кўтарди, устоз Нозим.
Раҳмат бўлсин чўнг Шарқнинг Сиз каби шоирига,
Ўтли даврон назмининг Сиз каби моҳирига,
Ишонаман дунёда токи журъат яшагай,
То яхшилик яшагай, токи ҳиммат яшагай,
Инқилобий асрда токи шиддат яшагай,
Ленин йўли мангудир — то бу қудрат яшагай
Ҳа, ишонгум, инсонга то муҳаббат яшагай,
Армонли бу дунёда то шеърият яшагай,
Нозим Ҳикмат яшагай...

Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати шоир Абдулла ОРИПОВ.

Қўриқ.

ЎзССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ, РАССОМ ҲИКМАТ РАҲМОНОВ АСАР-ЛАРИДАН

Афғонистон болалари.

Тандир ҳам қандай яхши...

Н. Шарипов фотоси

И. ЦИГАНОВ. Касби қишлоғидаги XIV—XVII асрларга тегишли меъморчилик ансамбли.

Мусаффо осмон.

САМАРҚАНДЛИК КУЛОЛ АБДУРАҲИМ МУХТОРОВ АСАРЛАРИДАН

Чавандоз қиз.

Тинчлик истаймиз.

Насриддин Афанди.

Бозор.

БЕШ ЙИЛЛИК РЕЖАЛАРИ АМАЛДА

ДАЛА ДАРҒАСИ

Ўрта бўй, қорамағиздан келган, эллик ёшлар чамасидаги Раҳимжон акани кўпчилик полвон деб атайди. Аслида унга бундай лақаб қўйилишининг асоси ҳам бор. Раҳимжон ака ёшлигида тенгдошлари билан кўп марта кураш тушиб, елкаси ерга тегмаган. Кейинги йилларда полвон сўзи механизаторлик касби билан эгизак бўлиб қолди.

...Раҳимжон мактабда ўқиб юрган кезлари она қишлоғи Муғончада пахтакорларга яқиндан ёрдам берар, колхозчилар унинг арслон келбатига завқ билан боқишар эди. У ўрта мактабни тугатгач, жонажон қишлоғида қолди. Аввал сувчилик қилди, сўнг трактор рулини бошқарди. Раҳимжон қайси бир ишда меҳнат қилмасин, доим пешқадамлардан ибрат олишга интиларди.

1965 йилда у бир гуруҳ дўстлари билан Ромитан районидаги Чортоқ қишлоғида ташкил этилган механизаторлар курсида ўқиди. Дастлабки йили 130 тонна пахта терди. Аммо буни чегара деб билмади. Ўз устида кўп ишлади, изланди, системали равишда журналлар ва брошюралар ўқиб, техника сирларини билиб олди. Бу орада колхоз яқинидаги Ҳазорбоғ массивини ўзлаштириш ишлари қизғин тус олиб кетди. Раҳимжон ҳам қўриқ очишда фаол иштирок этди. Колхознинг экин майдонлари йилдан-йилга кенгайиб, ҳосилдорлиги ортиб борди. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги арафасида Киров номли колхоз «Октябрь 50 йиллиги» совхозига айлантирилди.

Одатда, ҳар бир кишининг ҳаётида бурилиш нуқталари бўлади. Раҳимжоннинг ҳаётида ҳам шундай воқеа 1975 йили содир бўлди. Бу ҳақда механизаторнинг ўзи шундай ҳикоя қилади:

— Ўша йили эрта баҳорда 220 гектар ерни чигит экишга тайёрладим. Далага 500 тонна ўғит ташидик. 750 гектар майдондаги ғўзаларга ишлов бериб, кеч кузда машина билан 164 тонна пахта териб беришга эришдим. Бу камтарона ишларим партия ва ҳукуматимиз томонидан Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Шу йили менга яна бир юксак ишонч билдирилди: сайловчилар мени Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайлашди. Бундай ишончдан юксак бахт борми кишига!

Раҳимжон ака Нарзуллаев меҳнат қилаётган бригада ҳақиқатан ҳам йилдан-йилга юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда. Етиштирилаётган ҳосилнинг деярли ҳаммаси агрегатлар ёрдамида йиғиб-териб олинмоқда.

Август ойининг сўнгги кунлари эди. Раҳимжон акани идорага чақириб қолишди.

— Хабарингиз бўлса керак,— деди совхоз директори Ҳамро Саидов,— Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида янги пахта териш агрегати яратилган. Шундан биттасини синаб кўриш бизга топширилди. Уни ўзингиз синовдан ўтказасангиз қандоқ бўларкин?..

У шпиндели кам ювиладиган бу агрегатнинг дарагини бирмунча аввалроқ эшитганди... Пойтахтга гўё қанот боғлаб учиб борди. Заводда Раҳимжон акани илиқ кутиб олишди. Турсуной Охунова, Тўлан Дадажонов, Энвер Алиев, Михаил Ковешников каби республикамизнинг машҳур механизаторлари ҳам шу ерда эдилар. Улар янги терим машиналари билан танишиб чиқишди. Ўша ерда «ХН-3,6» маркали янги пахта териш машиналари ҳаётга йўлланма олаётганига бағишлаб митинг ўтказилди. Унда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов, республика партия ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари қатнашдилар. Митингдан кейиноқ механизаторларга машиналарнинг калити ва паспорти топширилди.

— Ўртоқ Нарзуллаев, сиз янги машина билан қанча пахта териб бермоқчисиз?— деб сўраб қолди Шароф Рашидович Раҳимжондан.

— 400 тонна!

Раҳимжон ака жонажон совхозига кела-келгунча: «Катта гапириб юбормадимми? Ваъдамни уддалай олмасдан ер чизиб қолмасмиканман?» деб ўйларди.

Раҳим Нарзуллаев ўғли Расул ва қизи Мастура билан пахта терими унумини ошириш ҳақида суҳбатлашмоқда.

Н. Муҳаммаджонов фотоси

Йўқ, янги агрегат ҳақиқий механизаторга панд бермади. Жуда мустаҳкам, ҳайдовчи учун қулай бу машина шоссесига «МТЗ-80Х» трактори ўрнатилган. Унда аввалги агрегатга нисбатан 30 от кучи кўп. Одатдагидан икки ҳисса юқори тезликда ишлайди. Аппаратдаги янгилик шундан иборатки, шпинделлар кам ювилади. Илгари шпинделларга ўзидан тиш чиқарилар, улар тез кирланиб қолгани сабабли бункер тўлгунча икки мартадан ювилар эди. Янги агрегатда эса шпиндель тишлари сиртдан кийдириб қўйиладиган пружина шаклида ишланган. Уни бир кунда бир марта тозалаб қўйиш кифоя. Терим аппарати олиб қўйилгач, шосседаги трактордан даладаги бошқа ишларда фойдаланиш мумкин. Бундай техника билан ҳар қандай ишни уддаласа бўлади. Қолаверса, у штурвалга энди ўтираётгани йўқ. Неча хил машиналарда ишламади дейсиз? «ХВ-1,2», «ХТ-1,2». Дастлаб пахта териш машинасида ишлаганида 130 тонна пахта терганди. Аста-секин 200 тоннага чиқди. Мана энди бир ўзи 400 тонналик маррани кўзлади.

Раҳимжон ака Бухорога қайтгач, тўппа-тўғри далага йўл олди. Дефолиациянинг сифати, пайкалларнинг машина теримига тайёрлигини кўздан кечирди. Теримга ҳам биринчи бўлиб тушди. Мавсум охиригача эса 400 тонна ўрнига 480 тонна пахта териб, берган ваъдасини ошириб уддалади. У ишлаётган бригада ҳар гектар ердан 50 центнердан хирмон кўтарди.

Куз оёқлаб бораётган кезларда Тошкент Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг вакиллари унинг даласига ҳам келишди. Вакиллар янги агрегат қандай ишлаётгани билан қизиқдилар.

— Кутилганидан зиёда,— деб жавоб берди уларга Раҳим Нарзуллаев.

— Машинани такомиллаштириш бўйича қандай мулоҳазаларингиз бор?

— Менимча, шпиндель шчёткаларини кўпайтириш керак. Ҳозир борлари серҳосил ерларда пахтани тўла териб ололмаяпти. Яна: вентилятор оборотини ҳам ошириш зарур. Шунда агрегат пахтани ҳеч тўкмай теради.

— Ўйлаб кўрса арзийди,— дейишди завод вакиллари.

...Мана шу суҳбатнинг бўлиб ўтганига ҳам беш йил тўлди. Шундан бери у ўз агрегатини кўз қорачиғидек асраб, пахта йиғим-теримида пешқадамлик қилиб келяпти. Уч йилдирки, Раҳимжон ака ўғли Расулжон, қизлари Мастура ва Мавжудалар билан оилавий экипаж тузиб 1100—1150 тонна пахта билан совхоз хирмонига муносиб улуш қўшиб келяптилар. Унинг изидан бораётган Ҳаловат Пирова, Нарзи Насруллаев, Исмат Нурматов, Мурод Ҳамроев, Чори Шарипов, Дилшод Жабборова сингари «пўлат от» суворийларининг ҳар бири мавсумда 300—500 тоннадан пахта теришга эришяптилар.

Кунларнинг бирида совхоз механизаторлари ўз ишлари хусусида суҳбатлашиб қолдилар.

— Раҳимжон, кўп пахта теришингнинг боиси нимада?— деб сўради дўсти Исмат Нурматов.

— Бунда ҳеч қандай сир йўқ,— деди у.— Бақтдан тўғри фойдалансанг бас... Ҳар куни ишдан кейин агрегатни бир марта кўздан кечираман. Айниқса, ҳаво тозалагичнинг, ёнилғи фильтрининг мунтазам озода бўлишини таъминлайман.

— Алланарса ихтиро қилганмишсан, деб эшитдик?

— Э, шу ҳам ихтиромми, шунчаки кичкина бир тузатиш. Янги агрегат тўрт йилдан бери бинойидек ишлаяпти. Аммо назар солиб юрсам, мотори қизиб-диган бўлиб қолди. У ёқ-бу ёғини кавлаштирдим, сабабини ҳеч тополмадим. Радиатор сеткасини очиб кўрдим. Ёғ радиатори билан совутиш радиатори бир-бирига тегиб турибди. Уларнинг орасига суқилиб қолган хас-чўпларни олиш осон эмас. Лоп этиб миямга бир фикр келди: моторнинг қизишига сабаб шу эмасмикан? Худди шу. Бу ёғи ўзларингизга маълум. Ёғ радиаторини олиб 10 сантиметр узоқликка ўрнатдим. Олам гулистон. Мотор ҳадеганда қизимайдиган бўлиб қолди. Радиатор тозалаш машаққатидан ҳам қутулдик.

— Яшавор, сир-пири йўқ деб камтарлик қилганингни қара-я, — дея ажабланишди ҳамкасб дўстлари.

Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг заршунослари СССРнинг 60 йиллик муборак тўйига 13 минг тонналик «оқ олтин» билан муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилганлар. Хўжаликда йиғим-теримни комплекс механизмлаштиришга алоҳида эътибор берилаётир. Бунда механизатор Раҳимжон ака Нарзуллаевнинг ҳам баракали ҳиссаси бор. У ҳар йили социалистик мусобақада олдинги сафда бормоқда. Шу сабабли ҳамкасблари уни дала дарғаси деб атайдилар.

Асат ФОЗИЛОВ

Иван ЛЕ

ЎЗБЕК ФАРЗАНДИ

Атоқли украин совет ёзувчиси Иван Ле (Иван Леонтьевич Мойся) ижоди бой ва кўп қирралидир. Адибнинг ўзбек халқининг ҳаёти, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришдаги мардонавор меҳнати унинг икки китобдан иборат «Тоғ оралиқлари» (1929—1934) романида тасвирлаб берилган. Шунингдек, ёзувчининг «Қувонч тарихи» (1938), «Жанубий-Ғарб» (1950), «Ёшлик ҳуқуқлари» (1959), «Наливайко» (1956), «Хмельницкий» (1965) романлари маълум ва машҳурдир.

Ингирманчи йилларда Ўзбекистонда инженер бўлиб ишлаган Иван Ле республикамиз ҳаётини яхши билар, атоқли ўзбек адиблари, шоирлари билан дўстлашган эди. Қуйида унинг Ғафур Ғулом ҳақидаги хотирасини эълон қилмоқдамиз.

Кўрган-кечирганларимни хотирлаб, ди улар ҳаммаси ўтди-кетди, баъ-лари аллақачонлар унутилди, деб кўнглимни ўзим чўктиргим йўқ... изнинг биринчи учрашувимиз ка-ийб тасодифий бўлган эди. Кейин-алик учрашувларимиз нафақат за-уратга, балки хурсандчиликка ай-анди. Бизнинг иш юзасидан учра-увларимиз Ғафур Ғулом билан оқ йиллик дўстлигимизнинг бошла-иб кетишига хизмат қилди.

Мана энди, орадан ўнлаб йиллар иб кетди, шу йиллар мобайнида оқелигимиз таниб бўлмас даражада згарди.

«Бу оламнинг китобларини «бил-аганлар бўлажак кулги» деб ёзган ди Ғафур Ғулом 1934 йилда «Тўй» анзумасида. Мен ўтган кунлар тўғ-исида оҳ-воҳ чекмай, қалбимда чу-ур из қолдирган ўша даврни эслаб моқчиман! Хотирамда ўша кун-ари, образларни, кайфиятларни амда ички кечинмаларни жонланти-ишни истайман.

Ғафур Ғулом! Бу фақат ўзбек оири, шарқшунос олимнинг номи-на эмас, Ғафур Ғулом — ўз ўлка-нинг келажаги тўғрисидаги орзу-арда ардоқланган умидлари сари атъий қадам қўйишга журъат этган з қадам қўйган мағрур киши обра-идир!

1936 йилнинг баҳорида қайсимиз айсимизни учратганимизни ҳозир атиб бериш қийин. Ўша вақтда оирнинг ўлкасида жуда катта хў-алик ўзгаришлари бошланган эди. з моҳияти эътибори билан бу ўз-аришлар ер-сув ислоҳоти деб атал-ан эди. Ердан фойдаланишнинг ягона — умумхалқ усули вужудга елди. «Тонг ёришди, колхоз тузуми ошланди».

Ўшанда, Ғафур Ғуломни Ўзбе-истон сув хўжалиги бошқармасига қиришиб, унга мени қишлоқларни в билан таъминлаш ва Ёзёвон чўл-ридаги деҳқонлар билан таништи-ишга ёрдамлашиш вазифасини топ-ирдилар. Биз худди мана шу жойда нал қуришимиз керак эди. Бу ка-ал — ўлкадаги энг биринчи инже-ерлик суғориш иншооти бўлар эди.

Бу ёш йигит менга синчков назар ашлади, сўнг дўстона маслаҳат ерди:

— Даставвал инженерни бу ер-ирнинг хўжайини — Наманган билан аништириш зарур.

Наманган уезд шаҳари бўлиб, биз ригаторлар мана шу районда ка-ал қуришимиз керак эди.

— Сиз таништироласизми?

— Нимага таништиролмас экан-н, албатта, таништироламан! Агар ўртоқ қизиқсалар, танишишни амарқанддан бошлашимиз ҳам мкин...

Бизнинг танишувимиз мана шун-ай бошланган эди. Бундан олдин анга уни: «Бизнинг ёш шоиримиз», б таърифлаган эдилар. Аллаким тто Ғафурнинг «Феликс фарзанд-лари» деган шеъри босилган газета-ни кўрсатиб, унинг мазмунини тар-жима ҳам қилиб берган эди. Бу шеър, албатта, Ўзбекистондаги етим болалар тўғрисида ҳам ғамхўрлик кўрсатган Феликс Дзержинский тўғ-рисида эди.

Ғафур Ғулом етимлик қисматини яхши билар эди:

Етимлик нимадир
Бизлардан сўра!
Унинчи йилларнинг
Саргардонлиги
Иситма аралаш
Қўрқинч туш каби
Хаёл кўзгусидан
Ўчмайди сира.
Мен етим ўтганман.
Оҳ, у етимлик...

Ғафур онасининг қиёфасини шеърларида эслаб, бундай деган:

Онам деганимда, оқсоч, жафокаш
Мунис ва меҳрибон чеҳранг намоён.

Сен ахир бағрингда парвариш қилиб,
Кўзимга бахш этдинг кўзгудек
жаҳон.

Ғафурнинг отаси оддий деҳқон бўлган, Тошкентга келиб яшай бошлаган чоғида хат-саводни ҳам ўрганиб олган. Ғафурнинг отаси дутор чалиб, дутор оҳангига мослаб ашулалар ҳам тўқиган. Тошкентда деҳқонлар яшайдиган маҳалладаги уйига Муқимий, Фурқат, Асирий, Хислат каби шоирларнинг шеърларини кўчирувчи зўр хаттотларни таклиф қилиб турган. Ўзбек халқининг қадимий классик шеърияти ва замонавий шеърият тўғрисидаги баҳслар, қизғин суҳбатлар ёш Ғафур учун ўзига хос хонаки шеърий мактаб, ўзбек шеъриятини ўрганишда ибрат бўлган.

Фалсафий бўёқлар билан безантирилган шеърлари зиёлиларнинг тор доирасидан чиқиб, кўпчилик халққа ҳам манзур бўлаётганини сезган комсомол Ғафур ўз асарларини «Муштум» журналида бостира бошлайди. «Муштум» кенг омма ўртасида обрў қозонган журнал бўлиб, «Қўшчи» артелларига аъзо бўлиб кирган деҳқонлару пахта тозалаш заводлари ишчилари ўртасида ҳам севиб ўқилган.

Шундай қилиб, бу ёш йигит яхши шоир сифатида элга танилиб улгурган вақтда, 1926 йилнинг ёзида, Самарқандда у билан учрашган эдим.

Ғафур Ғулом Наманган уезднинг қишлоқлари, тоғлардаги, Норин ва Қорадарё соҳилларидаги жойлар бўйлаб саёҳат қилишнинг батафсил режасини таклиф этди.

Ғафур Ғулом ўша маҳалда, қишлоқларни бирга айланиб юрганимизда, деҳқонлар билан учрашувлар чоғида, зиёфатларда ва кечаларда қайси шеърларини ўқиб берганлигини эслашим қийин. Аммо, жуда яхши эсимда борки, шу саёҳатимиз вақтида у Наманган тўғрисида тўлқинланиб мадҳия ёзган эди.

Ўша маҳалда менга ўзбек тилини ўрганишга ёрдамлашиш учун Йўлдош исмли бир ёш мулла (ўзи деҳқончилик қиларди) бириктириб қўйилган эди. Ғафур Ғуломнинг ўзи ҳам тезроқ тил ўрганишимга ёрдам берди. Мана шу, уч ҳафталик саёҳатимиз давомида, гарчи анча қийналиб бўлса ҳам, ўзбек тилида озмоз сўзлашни, оқсоқолларга мурожаат қилишни, саломлашишни билиб олдим.

Қишлоқларда бўлдик, ҳаётни кўрдик, жуда мароқли ўтаётган ўша кунларда Ғафур Ғуломга зеҳн солиб юрдим. Унинг битмас-туганмас ғайрати мени ҳайратда қолдирди. Бу ёш йигит оқсоқоллар билан қизиқарли суҳбат қурганини кўрганда завқим келарди. Ҳар бир қишлоқда қизиқарли бир киши, саводхон одам ёки шоир табиатли дуторчи, ашулачи ёки латифагўй топиларди. Бир пиёла чой устида ёки янги танишларимиз — ажойиб кишилар даврасида ёш шоир Ғафур Ғуломни янада яхшироқ билгандек бўлар эдим.

Оқсоқоллар билан ҳар кунги учрашувлари, ўз халқи билан унинг узвий боғланганлиги, турли кишилар билан қизғин баҳслари шоир ҳамроҳимнинг юксак маданият эгаси эканлигидан далолат бериб турарди. Гарчи шоир кейинроқ ўз хотираларида: газетада ишлаш ижодий ўсишим учун бир дорилфунун бўлди, деб ёзган бўлса ҳам, қўшимча тарзда шуни айтмоқчи эдимки, бу иш қишлоқ меҳнаткашлари, халқ оммаси билан мустаҳкам алоқада бўлишига ҳам ёрдам берган.

Ўзбек шеъриятини унинг қудратли илдизи — Навоий шеъриятининг классик меросидан ажратиш мумкин эмас. Ғафур Ғуломнинг ёшлик шеърияти — комсомол шеъриятининг руҳига ҳам Навоийнинг таъсири бор. Мен буни мамлакат қиёфасини инқилобий ўзгартириш: таъсири остида Шарқ классик меросини «янгилашнинг қонуний жараёни, деб биламан, Ғафур Ғулом ўзининг ғоявий ва эмоционал дидининг бутун кучи-қудратини классик адабиётнинг хазиналари билан бойитилган энг янги шеъриятни яратишга бағишлаган эди.

Ўттизинчи йилларда рус шеъриятидаги энг замонавий оқимларга нисбатан у катта қизиқиш билан қараганлиги сабабини фақат шу билан изоҳлаш мумкин. Шоир рус тилини жуда яхши билгани туфайли 1930 йилда Владимир Маяковскийнинг «Ҳайқириқ» поэмасини ўзбек тилига жуда гўзал таржима қилган.

Ғафур Ғулом шеър ёзишнинг замонавий шаклларига интилгани ҳолда, Навоий шеъриятининг классик анъаналарига ҳам қаттиқ суянганлиги ҳақида нега бу қадар комил ишонч билан сўзламоқдаман? Чунки, мен ўттизинчи-қирқинчи йилларда ўзбек тилини яхшигина билиб олган эдим. Шоир билан доимий алоқада бўлиб, унинг ижодий ҳаёти билан яхши таниш бўлиб қолгандим.

Шоир шу вақтларда насрий достон ёзиб юрган эди. Аммо бу достон прозаик асар эмас эди. Прозани вазнга солишнинг классик усули ишлатилган эди унда. Жумлалар шарқ услубида жарангдор, жуда аниқ чиққан эди. Асар «Нетай» деб аталган эди. Бу — шоирга замондош ўзбек қизининг исми. Унда қизнинг севгиси ва фожиаси тасвирланган эди. Шоир эса, унинг ҳаётини куйлаш билан янги ижтимоий-шароитларда ўзбек қизи психологиясида юз берган ўзгаришларни ифодалаб беради. Шу билан бирга, янги шакллар қидириб, ўз ижодини жарангдор, кишиларга ёқимли жумлалар билан бойитмоқчи бўлди. Шоир бу асарида ўз қаҳрамони Нетайни ўзбек халқи янги ҳаётининг кенг йўлига чиқариш йўлларини излади...

Фарҳод деб ўзини атайди халқим
Халқдадир тоғларни қўпорган қувват.
Халқдадир дарёни тўсолгувчи куч,
Фарҳодда намойиш айлаган қудрат.

Ширин деб атайди сувни, нурни у,
Сирнинг ширин суви қанчалар
ширин.
Гўзал қиз кўзидай нуроний кўзгу,
Еритар оқибат Сирдарё сирин.

Хотирлашим оғир! «Нетай»ни мен кўп машаққатлар билан украин тилига таржима қилган эдим, унинг ажойиб шаклига кўпроқ риоя этишга интилгандим. Харьковдаги нашриёт директори, ҳатто хитой тилини ҳам биладиган Новицкий таржимамни ўқиб чиқиб, яхши баҳо берган эди. Сўнгра эса... Замонанинг зайли билан, воқеалар гирдобида қўлёзма йўқолиб, менинг машаққатли меҳнатим зое кетди.

Шоирнинг ижодий изланишларида менинг фикримча, қизиқарли бир босқич бўлган мана шу асарга кейинчалик Ғафур Ғуломнинг ўзи нима учун кўп эътибор бермаганлигининг сабабини билолмайман[1]. Маълумки, ўттизинчи йиллардан кейин унинг ижодида европача «маданийлашган» шеър шакли ўрнашиб қолди. Бундай бўлиши, менимча, ҳатто шарқча классик шаклни ҳозирги замон шеърига кўчириш йўлидаги ўз уринишларига қарши ўзига хос жавоб ҳам эди. Яна шуни ҳам тахмин қилиш мумкинки, шоирнинг халқнинг трибуни шоири Ҳамза Ҳакимзода билан яқиндан танишлиги унинг ижодига кучли таъсир кўрсатган.

Ғафур Ғуломнинг ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамзага бўлган зўр муҳаббати тўғрисида аввал ҳотира ёзганман. Аммо, бу ўринда ҳам шу ҳақда тўхталиб ўтсам ортиқча бўлмайди. Бу воқеа ўша вақтда Ҳамза яшаб турган Шоҳимардон қишлоғида бўлди. Тоғлар қўйнидаги бу қишлоққа биз Ғафур билан кўп борган эдик. Биринчи марта биз 1927 йилда Ҳамза билан яқин-

[1] Шоир вафотидан кейин унинг таржимаи ҳоли муаллифлари ва тадқиқотчилар бу ажойиб асарга юксак баҳо бердилар.

Ғафур Ғулом таваллудининг 80 йиллиги олдидан

Нозим ҲИКМАТ, Ғафур ҒУЛОМ, Сулаймон РУСТАМ, Жўлмирза ОЙМУРЗАЕВ.

роқ танишиш учун борган эдик. Ўзбекистоннинг бу катта шоири, драматурги, жамоат арбобини албатта кўришим зарур эди. Мен ўша чоғдаёқ «Тоғ оралиқлари романи» китобимни ёза бошлаган эдим. Албатта, бу китобда ўлкадаги маданият тараққиёти тўғрисида гапирилганда, Ҳамза тўғрисида индамасдан ўтиб бўлмас эди. Маданият арбоби, шоир Ҳамза ер-сув ислоҳотининг фаол ташаббускорларидан эди.

Темир йўл станциясидан то Шоҳимардонгача биз отда бордик. Ҳамза турган ҳовлини топдик. Аммо, Ҳамза билан дарҳол суҳбатлашолганимиз йўқ. Чунки Ҳамза кўпгина деҳқонлар билан қандайдир муҳим масалаларни муҳокама қилаётган экан. Ҳамза оташин тарзда сўзламоқда, чамаси, ер-сув ислоҳоти моҳиятини тушунтирмоқда эди. Ғафур устоз шоирнинг нутқидан жуда мароқланар эди. Уни муҳим ишлардан чалғитмаслик, вақтини бекорга банд қилмаслик учун биз дурустроқ суҳбатлашмасдан кетиб қолдик. Ҳамза билан кейинги учрашув канал қурилишида бўлди. У канал қурилаётган жойдаги қишлоқда ўқитувчилик қилиб турган эди. Мен уни зимдан кузатиб юрдим.

Ғафур Шоҳимардонга борганимизда Ҳамза билан дурустроқ таништиролмагани тўғрисида куйиниб юрди. Аммо, бунинг узрли сабаби борлиги ўз-ўзидан маълум эди. Ўшанда, Шоҳимардонда Ҳамза фақат оқсоқол деҳқонлар билангина эмас, балки марказдан келган юксак мартабали меҳмонлар билан ҳам банд экан. Ушанда, катта садақайрағоч остида солинган гиламда жуда кўп кишилар давра қуриб ўтирганларини узоқдан кўрган эдик, холос. Ҳамза эса, давра ўртасига тушиб, жуда берилиб нутқ сўзларди. Бошқалардан бошида салласи йўқлиги билан ажралиб турарди.

Шунга қарамай, Ҳамза билан суҳбатлашолганимиз Ғафур Ғуломни анча хафа қилиб қўйган эди. Ахир, у менга Ҳамза тўғрисида астойдил мароқланиб гапирган, шундай донғи чиққан юртдоши билан ғурурланган эди. Ғафур бу таништиришни ўз вазифасининг энг муҳим қисми деб билган эди. Яъни, ўз ўлкасининг маданияти билан таништириш ишини Ҳамза билан бўлган учрашувда ниҳоясига етказиш ниятида эди. Кутилмаганда, ишнинг келишмаганини — инқилоб шоири билан суҳбатлаша олмаганлигимизни айтинг! Ғафур илҳом билан Ҳамзанинг энг яхши шеърларини бирин-кетин ёд ўқий кетди, шу тариқа ўзининг ҳам, менинг ҳам кайфиятимни кўтарди.

— Майли, Иван ака, бу гал омадимиз келмади. Ҳали биз яна устоз Ҳамза билан кўп учрашамиз, албатта, учрашамиз,— деб мени ҳадеб юпатар эди Ғафур.

Эвоҳким, Ғафурга ўзининг бу ваъдасини бажариш насиб этмади. 1929 йил мартда Ҳамза фожиали ҳалок бўлди.

Ғафур севимли устозининг ўлимига чуқур қайғуриб марсия ёзди.

Ғафур Ғуломнинг шаклий изланишлари унинг ижодидаги маълум босқични ташкил этди. Унинг янги шеърлари ва айниқса Маяковскийдан таржималари Ғафур Ғулом замонавий шеърий услубда муваффақиятли ижод қилаётганлигидан, Совет мамлакатининг ёш шеъриятидан ўз муносиб ўрнини эгаллаётганлигидан далолат берар эди.

Ғафур Ғулом кейинчалик бир неча қисса ёзди. «Тирилган мурда», «Ёдгор» сингари қиссаларини ўқисангиз, прозада ҳам унинг шоирлигича қолганлигини кўрасиз.

Ғафур Ғулом ўз халқининг миллий маданиятини чет эл классикларидан қилган юксак бадиий таржималари билан ҳам бойитди. Шекспирнинг «Отелло», «Қирол Лир», Бомаршенинг «Фигаронинг тўйи» ва бошқа асарлар шулар жумласидандир.

Ғафур Ғуломнинг фавқулодда шеърий қобилияти айниқса Улуғ Ватан уруши даврида ёрқин намоён бўлди. 1946 йилда нашр этилган «Шарқдан келаётирман» номли шеърлар мажмуаси — шоирнинг уруш йилларидаги туйғулари мужассами бўлишидан ташқари,— унинг ижодкор сифатида кўп даражали ўсганини ҳам кўрсатди!

Уруш бир неча йил мени Ўзбекистондан ажратиб қўйди. Шу ўтган йиллар ичида, афтидан, биз ўзимизнинг ҳам кексайиб, қайноқ дўстлик туйғулари совуб қолдими, дейман. Талантли Ғафур Ғулом халқ шоири бўлди. Ўзбекистон Фанлар академияси уни ҳақиқий аъзоликка сайлади. Ёзувчилар Союзининг Москвадаги ва Киевдаги пленумларида учрашувларимиз анъанавий бўлиб қолди.

Академик шоирнинг фан соҳасидаги ҳам, ўзбек адабиёти тарихи тадқиқоти соҳасида ҳам кўпгина ишлар қилганлиги менга маълум. Ғафур Ғуломнинг Навоий, Муқимий, Фурқат ижоди бўйича олиб борган тадқиқотларини классик меросга баҳо беришда жараёнининг янги намуналари деса бўлади.

Пировардида бир неча оғиз Ғафурнинг оиласи тўғрисида гапириб ўтмоқчиман.

Ғафур Муҳаррамхоним билан бир галикда қобил фарзандларни камолга етказдилар, ували-жували бўлдилар. Қадрдон дўстим ҳамиша ўз оиласи билан фахрланар эди. Ҳамма невараларини бирдек яхши кўрар эди. Фарзандлари ўз соҳаларининг пешқадамлари, бола-чақали бўлганларида ҳам Ғафур уларнинг ташвишини чекар, айни пайтда, болалари, невараларини туфайли бағри кичик осмонга айлангани билан фахрланар эди.

Вали ҒАФУРОВ

БОТИРГА ЎЛИМ ЙЎҚ

ҚИССАДАН ПАРЧА

СУРУНКАСИГА бир неча кун давом этган жангдан сўнг немис қўшинлари Тула областидан бутунлай суриб чиқарилди. Икки марта қўлдан қўлга ўтган районларда на бирорта уй, на бирорта дарахт омон қолди. Гўё ўн-ўн бир балдан ортиқроқ зилзила бўлгану ҳаммаёқни вайрон қилиб кетгандек эди.

Кейинги кунларда полковник Орлов ихтиёрига келган танклар немис солдатларини ваҳимага солиб қўйди. Олдинги жангларда ҳеч нарсани писанд қилмай бостириб келаверадиган душман солдатлари эндиликда дадил ҳаракат қилишга ботинолмай қолишганди. Бу халоскор жангчиларимизга аён бўлиб қолди. Айниқса, сўнгги жангда душман ишғол қилган позицияни дурустроқ ҳимоя қилмай, чекинишганлиги уларнинг фикрини тасдиқлади. Жанг майдони бутунлай душмандан тозалангач, полк командири дивизия штабига қўнғироқ қилди. Генерал-майор Криловга телефон орқали рапорт топширар экан, жанговар топшириқ бажарилганлигини билдирди. Сўнгра, полкка қўшимча куч юборишларини сўради. Полковник Орлов қаттиқ ташвишда эди. Чунки икки ҳафта мобайнида тинмай давом этган жанг солдатларни сийраклатиб қўйган. Улар сафини зудлик билан тўлдирилмаса, душман Тула областининг шарқий-шимолий қисмидан Орлов қўмондонлик қилаётган участка орқали шаҳарга бостириб кириши мумкин эди. Шу туфайли барча комбатларни чақириб, мадад етиб келгунга қадар мардонавор туриб беришларини буюрди. Вазиятга кўра, қилиниши керак бўлган муҳим масалаларни маслаҳатлашиб олишгач, йиғилганларга рухсат этиб, капитан Мячковни олиб қолди. Ҳамма чиқиб кетганидан кейин тортмадан картани чиқариб дастурхон ёзгандек стол устига ёйиб қўйди:

— Қаршингдаги жойлашган душман мудофааси сенга маълум, шундайми?— деб сўради у ёнгинасида тик турган Мячковдан.

— Ҳа, албатта.

— Бўлмаса, қулоқ сол, худди шу ерда,— Орлов қаламининг учини думалоқ бир нуқта устида тўхтатиб,— жаноб Шварц шу тунда меҳмон бўлмоқчи. «Ҳурматли меҳмон»ни яхшилаб кутиб олишга тайёрлан. Кечиксанг уни ҳам, бизни ҳам хафа қилиб қўйишинг мумкин.

— Хўп, бўлади.

— Йигитларинг қалай? Узбеченокка тенг келадиганлари борми? Юрагида ёли борлардан.

— Ҳаммасининг юрагида ёли бор.

— Ана ўшанақалардан танлаб, Узбеченокка қўш! Аравага қўшилган қўш отнинг бири муғомбир чиқиб қолса, юкнинг оғирлиги фақат иккинчи отнинг гарданига тушиб қолишлигини биласанми, комбат?

— Биламан, ўртоқ полковник, ишонаверинг, чинакам қаҳрамонлар.

— Жуда яхши, тирик келтиришга ҳаракат қилишсин.

Мячков полк штабидан чиққанида кун ботиб, вайрона қишлоқни тун чойшаби қоплаган эди. Осмон гумбазининг юқорисида тангасимон думдумалоқ катта-кичик юлдузлар сероблашиб қолган, юлдузларнинг нимжон ёғдуси ойсиз тун пардасини тилиб, ер юзини ёритишга ожизлик қилади.

Мячков штабга етиб келган заҳотиёқ алоқачини юбориб, младший лейтенант Жарко билан Бояркин ҳамда Абдуллаларни чақиртирди. Кўп ўтмай иккинчи ротадан Сергей Борисов ҳам етиб келди. Боядан бери трубкасини тортиб, хаёлида ўзгаларга номаълум бўлган режани пишитиб ўтирган Мячков Борисов кириб келиши билан трубкасини ён чўнтагига солди. Жаркога тикилиб тургач, сўради:

— Елканг қалай, тузалай деб қолдими?

— Ҳа, ўртоқ капитан, анча яхши.

— Ростини айт, фрицлар билан олишишга ярайдими?

— Хавотир олманг, ярам анча битиб қолди.

— Жуда соз, ундоқ бўлса, қулоқ солинглар,— деб Мячков мақсадга кўчди. Жанговар вазифани қисқа, лекин жуда аниқ қилиб гапириб берди. Жарко қаршиларида жанг кетаётган немис полкининг командири полковник Шварцни шу тунда қайси нуқтадан қўлга киритиш мумкинлигини картадан билиб олди. Кетишга рухсат сўради. Капитан Мячков ҳам, младший лейтенант Жарко ҳам разведка операцияси тўғрисида гапни чўзиб ўтиришмади. Чунки жанговар вазифани бажаришга отланган жангчиларнинг ҳаммаси жангда кўзи пишган йигитлар эди. Батальон штабидан чиқиб кетишаётганида Мячков уларга муваффақият тилаб қолди. Жарко уч жангчини эргаштириб, бетараф майдоннинг ярмини босиб ўтди. Сўнгра, ўнгга бироз юргач, ўқ ва снарядлар илма-тешик қилиб юборган темир устун ёнида тўхтади. Картадаги биринчи белги худди шу устун эди. Мана шу ердан тўппа-тўғри борилса, душман мудофаасининг сийракроқ участкасидан ўтиш мумкин эди. Шварц тушадиган батальон штаби ҳам узоқда эмас. Бироқ ҳали эрта. «Меҳмон» тунги соат учда келиши керак. Ҳозир эса энди бир ярим бўлди. Жарко атрофга синчков назар ташлади. Қоронғиликда душман мудофааси кўринмас эди. Ондасонда осмонга учиб чиқаётган рангбаранг ўқлар улардан сал нарида отилаётган бўлса ҳам аниқ бирор нарсани пайқаб олишнинг иложи йўқ эди. Улар ўтмоқчи бўлган ушбу участка ҳали ҳам кимсасизми ёки автоматли солдатлар ишғол қилганми? Бу Жаркога ҳали маълум эмасди.

«Ўтган тунда қайтишган разведкачиларнинг маълумотига кўра, ҳеч қандай ўт очиш нуқтаси йўқ. Аммо яна ким билади», дея хаёлидан ўтказди младший лейтенант. «Бир кунда қанча-қанча ўзгаришлар ясалиши мумкин-ку? Эҳтимол, мудофаани мустаҳкамлаш учун очиқ ерларни тўлдириш зарурияти туғилгандир».

Жарко жангчиларни эҳтиёткорлик билан бошлаб кетди. Йўлдаги қулаб тушган бир уй ёнида тўхтаб, Борисовга шивирлади:

— Сергей, бор билиб кел.

— Есть ўртоқ командир.— Сергей честь бериб, орқасига ўгирилди. Товушсиз, қушдек ҳаракат қилиб қоронғиликда кўздан ғойиб бўлди. Орадан ўн минутча ўтгач, қорайиб турган дарахтлар орасидан чиқиб келган Сергей шивирлаб рапорт берди:

— Рўпарамизда икки автоматчи, бири ухлаётибди, иккинчиси уйғоқ. Бу ердан бор-йўғи қирқ метрча наридаги пишиқ ғиштдан қурилган бир қаватли уйнинг ёнгинасида жойлашишган.

— Мўлжаллаб кўрдингми, қандай қилиб ўтиб кетса бўлади?

— Иккита вариант бор, биринчиси яна ўнгроқда, масалан, юз метрча юриш керак, иккинчиси эса тўппа-тўғри ўтавериш, бунда иккала автоматчи йўқ қилинади.

Жарко биринчи йўлни танлади. Чунки ҳозирча из қолдирмагани маъқул. У Сергей Борисов айтганидек, жангчиларни ўнг томонга бошлаб кетди. Кейин бузилган уйларнинг қоронғиликда қаққайиб турган деворлари тагидан пусиб, олдинга томон юра бошлашди. Бояркин, Борисов, Абдуллалар унинг орқасидан эргашиб кетишди. Жарко шу хилда иккинчи уйни орқада қолдириб, дарахтлар ўсиб турган боғчага ўтганида, ўнгроқда, ўзидан унча олис бўлмаган масофада, одам товушини эшитгандек бўлди.

«Душман линиясига етиб келибмиз»,— хаёлидан ўтказди у. Буткул вужудини кўз ва қулоққа айлантириб, атрофни кузатаётган разведкачиларга имо қилиб ётишга буюрди. Ўзи ҳам чўкка тушиб эмаклаганича судрала бошлади. Душман линияси орқада қолди. Жарко разведкачиларни майса ўтлар устига ўтказиб, Мячков блиндажида кўрган картани хотирлай бошлади. «Демак,— деди у ўз-ўзига,— яна бир километрча юришимиз керак. Майдончасига цемент ҳовузча ўрнатилган тўрт қаватли бинони топиб олсам, бас».

Разведкачилар яна илгарилаб кетишди. Улар аксарият одам юрмайдиган пастқам йўллар, кимсасиз ҳувиллаб ётган ҳовлилардан ўтиб, илгарилаб боришарди. Жарко адашиб кетмаслик учун йўлдаги белгиларга назар ташлар, картадаги белгиланган нуқталарни бу ерда аниқ кўриб, кўнгли таскин топгач, қадамини тезлатарди. Ниҳоят, тўрт қаватли бинога ҳам етиб келишди. Синган ғишт уюмларидан ошиб ўтиб, коридорга тушишди. Кейин душман штабини кузатиш мумкин бўлган хоналардан бирига киришди. Батальон штаби олисда эмас, кўчанинг нариги бетида. Полковник Шварц томига оқ тунука ёпилган худди шу уйга келиши керак.

Ана, кучоққа сиғмайдиган қайин дарахтининг тагида ташқари эшик олдида, соқчилари турибди. «Кучайтирилган солдатлар бўлса керак»— Жарконинг хаёлидан ўтди. Орадан ярим соатча ўтар-ўтмас олдинги линия томонидан келаётган одам товуши эшитилди. Улар хотиржам қадам ташлаганларича гаплашиб келишарди. Штабга етиб келишганида, иккитаси ичкарига кирди. Қолганлари эса солдатлар билан ўтиришиб, сигарета чекишди. Ташқарида соқчилар кўпайиб қолишганини пайқаган Жарконинг зардаси қайнади. «Ким келди экан, Шварцми?» Младший лейтенантга бу номаълум эди. «Тўртта соқчи билан олишиб ичкари кирганда, Шварц бўлмаса-я, унда нима бўлади?» Жарко соатига қараш учун коридорга чиқди. Чеккароқ жойини топиб, шинелининг бағрини пана қилганича, қўл батареясини ёқиб соатига қаради: учдан йигирма минут ўтибди. Келганларнинг бири — полковник Шварц эканлигига Жарко тўлиқ ишонч ҳосил қилди. Разведкачилар турган хонага қайтганида кейинги қўшилган икки соқчи кўринмас эди. Абдулла улар уйнинг орқа томонига ўтиб кетганлигини қўл ҳаракатлари билан тушунтирган бўлди. Жарко жангчиларни бошлаб хонадан чиқди. Уйнинг олд томонида разведкачиларни тўплаб, ҳаракат планини қисқача гапириб бергач, йўлга тушишди. Улар бир оз чекинишиб, штабга олиб борадиган йўлга тушишди. Худди бояги келган немис солдатларидек, хотиржам, лекин илдам қадам ташлаб бораверишди. Қоронғида келаётган бир гуруҳ кишиларнинг қорасини кўрган соқчилардан бири:

— Тўхта, кимлар у келаётган?— деб бақирди.

— Ўзимизники,— Жарко жавоб қилди.

— Пропуск?

— Қисқичбақа.

Уларнинг хотиржам қадам ташлашларидан «ўзимизники», деб ўйлаб, душман соқчилари ғафлатда қолишди. Разведкачиларни ҳали пайқаб улгурмаслариданоқ икковларининг бошларига автомат қўндоғи келиб тушди. Йигитлар ағдарилган немис соқчиларини кўздан панароқ ерга олиб ўтишди. Жарко Абдуллани ташқарида қолдирди. Борисов билан Бояркинни эргаштириб ичкари кириб кетди. Улар кириб боришганида полковник Шварц стол ёнидаги креслода сийрак сочли каттакон бошини орқага ташлаб, ястаниб ўтирарди. Батальон командири эса қўлини орқасига қилганича нималарнидир уқтирарди. Стол устида область картаси ёйиғлиқ. Иккала офицер разведкачиларни кўришлари билан тиллари калимага келмай қолди.

Шварц наганига қўл чўзмоқчи бўлдию, аммо улгуролмади. Борисов унинг қўлларини қайириб боғлаб қўйди. Худди шу вақтда Бояркин ҳам тик турган немис батальон командирининг қўлини боғлашга улгурган эди.

— Сизларни олиб кетамиз,— деди Жарко хотиржам, лекин қатъий оҳангда.— Йўлда қаршилик кўрсатмасангиз, тирик қолишингизга сўз бераман, тушунарлими?

Жарко асирлардан кўзини узмай разведкачиларга буюрди: «Оғзи бўш қолмасин, қани тезроқ». Командирнинг буйруғи бир зумда бажарилди. Икки офицернинг оғзига латта тиқилгач, Жарко буйруқ берди:

— Жаноблар, қани кетдик, яна эслатиб қўяман, тихирлик қилсангиз, айб ўзингизда, бизлардан ўпкаламанглар!

Асирларни ташқарига олиб чиқишганларида, Абдулла боя орқага ўтиб кетган немис соқчисининг бирини саранжомлаб, иккинчиси билан олишаётган эди. Жарко воқеани тушуниб, икки хатлаб олишаётганлар олдига борди. Бироқ ёрдам беришга улгураолмади. Абдулла устидан босиб тушаётган бўйдор қоқсуяк озғин соқчининг биқинига ханжар санчиб йиқитди. Тиғни немис шинелига артиб, қинига солаётганида, Жарконинг пичирлаб гапираётган товуши эшитилди.

— Тез бўл, шоввоз! Қани, кетдик!

Тонг отмасданоқ полкда шов-шув бошланди. Разведкачиларнинг жасорати ҳамма батальон жангчиларининг қулоғига етиб борган эди. Взвод жангчилари ўртасида қизғин суҳбатлар борар, немис полковнигини қўлга туширишда разведкачиларнинг ақл бовар қилмайдиган маҳоратлари, тактикалари ҳамда ҳарбий ҳийла ишлатганликларини оғиз кўпиртириб гапиришарди.

Мячков батальонидаги жангчиларнинг айниқса, оғзи қулоғида: уларнинг кўпчилиги Жарко взводига келишар, разведкачиларнинг қўлини сиқиб табриклашар, чексиз миннатдорчилик билдириб, бир оз ўтиргач, жой-жойларига қайтишарди.

Люба шу кунларда деярли бўш.

Икки томон ҳам ҳужумга ўтмай, мудофаа сақлаб туришганлиги сабабли ярадорлар кам келиб турарди. Тунда йўлга чиққан разведкачилар ғалабасини эшитиб, у ҳам хотиржам ўтиролмади. Санитар йигитни ҳеч қаёққа жилмай туришини таъкидлаб, Жарко взводи томон йўл олди. Линияга яқинлашганида гоҳ эмаклаб, гоҳ судралиб Абдулла ётган хандақка яқинлашди. Бу вақтда немислар мудофаасида тинчлик йўқолиб, унинг ўрнини шовқин-сурон, безовта бақириш-чақиришлар босиб кетган эди. Тўхтовсиз отишмалар авжга минган. Крупнов ротасига қарашли қулаган уйларда, боғ ва боғчаларда, кўчаларда тинимсиз портлаш юз бермоқда эди. Люба ёнгинасидан визиллаб ўтаётган ўқларга ҳам, атрофида ёрилаётган миналарга ҳам парво қилмай, Абдулла окопи устига етиб келди-да, пастга сирғалиб тушди. Абдулланинг бўйнидан қучоқлаб, қалин лабларидан ўпди. Кейин қўлларини унинг иккала елкасига қўйиб, дўстона меҳр билан табриклай бошлади:

— Қаҳрамонларга офарин, Абдулла! Сени чин юракдан табриклагани келдим. Командиримиз Мячков сизлардан жуда миннатдор. Ҳали замон кўкракларингга орден тақиб қўйишса ажаб эмас.

— Қўйсанг-чи, шу гапингни,— деди Любанинг табриклашидан ўзини ноқулай сезган Абдулла.— Биз орденга муносиб ҳеч иш қилганимиз йўқ,— деб қўшиб қўйди.

— Йўқ, разведкачи дўстим, сизлар ажойиб иш қилгансизлар. Мана кўрасан.

Люба окопдан траншеяга ўтиб, Бояркиннинг ёнига борди. Унинг ҳам қўлини сиқиб, лабларидан ўпиб, табриклагач, орқасига қайтди. Абдулла билан хайрлаша туриб ҳазил қилди:

— Афсус, мендан анча ёш кичик экансан-да, бўлмаса ҳеч кимга бермай ўзим тегиб олардим,— деди.

Абдулла овозининг борича хохолаб кулди-да, кейин жавоб берди.

— Нима бўлибди, атиги уч-тўрт ёш фарқ қилар эканмиз, холос.

Люба унинг бу гапларини аниқ эшитмади. Сал нарига тушиб портлаган снаряд овози Абдулланинг жавобини босиб кетган эди. Осмонга отилган осколка аралаш тупроқ қуюқ булутдек юқорида бир оз муаллақ тургач, қайтиб ерга тушди. Люба шундагина окопдан ирғиб чиқиб, югурганича орқага қайтди. Кечга бориб, батальон штабининг алоқачиси Жарко взводига келди. Уни жангчилар ёнида учратиб, кеч соат ўнда разведкачиларни бошлаб, штабга боришини буюрди. Жарко усти яхшилаб беркитилган траншея ичида тош чироқни ёқди. Унинг хира жонсиз ёруғида соқолини олди. Кийимларини тартибга солиб бўлгач, Бояркинни чақириб, ўз ўрнига ўтқазди. Қўлига устарасини тутқазиб, жангчилар ёнига қайтди. Командирнинг нима демоқчи бўлганини пайқаган Бояркин соқолини ивитишга киришди. Яхшилаб қиртишланган юзига одеколон сепиб, йигитлар олдига келди. Жарко соатига қаради: «Кетдик!»— деди-да, ирғиб ўрнидан турди. Абдулла билан Бояркин унга эргашишди. Батальон штабида капитан Мячков, Орлов билан икковлари мўъжазгина столнинг атрофида ўтиришарди.

Жарко эшик олдида тўхтаб, гимнастёркасини кўздан кечирди. Белини сиқиб турган энлик камарини тўғрилаб олди-да, сўнгра қаддини ғоз тутиб, ичкарига шахдам икки қадам ташлади. Ўнг қўлини чеккасига қўйиб рапорт берди:

— Ўртоқ капитан, буйруғингизга биноан младший лейтенант Жарко разведкачи Бояркин билан Қурбоновни бошлаб келди.

Мячков рапортни қабул қилиб, ўтиришга рухсат этди. Шу вақтда тўртинчи разведкачи Сергей Борисов эшик олдида пайдо бўлди. Мячков уни ҳам ўтқазгач, Орловга қарата гапира бошлади:

— Мен сизга, юрагида ёли бор, деб айтган жангчиларим мана шулар.

Полк командири меҳр тўла кўзларини йигитлардан узмай, мийиғида кулимсираб: «Қойил, ўзим ҳам шулар бўлса керак, деб ўйловдим»— деди.

Полковник ўрнидан турди. Абдуллани ёнига чақириб, унинг кўксига «Жанговар хизматлари учун» медалини тақиб қўйди. Қўлини сиқиб табриклагач:

— Бу илгариги жанглардаги жасоратинг учун! Чин юракдан табриклайман, полкимиз қаҳрамони!

— Раҳмат, ўртоқ полковник!

— Ҳа, бу бошланиши, ҳалиги, йўлчи юлдуз десак бўлади. Бундан кейин ана шу кўксингга қаҳрамонлик нишони ҳам тақилишига ишончим комил, чунки сен кичик бўлишингга қарамай, девюрак чиқиб қолдинг. Фақат шугина эмас, ақлни ишга солабиладиган тадбиркор жангчисан.

— Йигитлар! Муваффақиятли разведкаларинг учун ҳаммаларингни полкимиз номидан табриклайман. Сизларга ғалаба ёр бўлсин,— деди.

Жарко ҳамда унинг ёнида ўтирган икки жангчи ирғиб ўринларидан туришди. Бу вақтда Абдулла ҳам қаддини ростлади. Тўртовлари бараварига: «Совет Иттифоқи учун хизмат қиламиз!»— деб жавоб бердилар.



Каттақўрғон шаҳрида гражданлар урушининг қаҳрамони Абдулла Мўминовга ўрнатилган ҳайкал.

Савр инқилоби Афғонистон Халқ Демократик Республикасида яшовчи барча халқлар ва элатлар ҳаётида янги тараққиёт йўлини бошлаб берди. Янги афғон адабиёти кенг кўламда шаклланиш йўлига тушиб олди. Унинг бир қатор намояндалари Савр инқилоби ва унинг ҳаётбахш самараларини, халқнинг янги орзу-умидларини, ёркин келажагини тараннум этмоқдалар.

Шу йил июль ойида СССРда Афғонистон адабиёти кунлари бўлиб ўтди. Бу ҳар икки дўст мамлакат маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Абдулла Ноибий бошчилигидаги бир гуруҳ шоирлар, адиб ва адабиётшунослар бир неча кун мобайнида қўёшли республикамизда меҳмон бўлишди. Улар Ўзбекистон пойтахти Тошкентнинг саноат корхоналари, олий ўқув юртлари, фан қасрлари ҳамда кўпгина колхоз ва совхозларда бўлиб, республикамиз меҳнаткашларининг қўлга киритаётган муваффақиятлари билан яқиндан танишдилар.

Суратда: СССРда ўтказилган Афғонистон адабиёти кунлари қатнашчиларидан Аҳмад Зиёр Мужовар, Пуҳанд Сарвар Ҳумоюн, Рафат Ҳусайний, Аъзам Раҳнаварда Зарёб, Абдулла Ноибийлар.

Н. Шарипов фотоси

Валентин ОСКОЦКИЙ

НАВРЎЗ ЙЎЛЛАРИДА

«Наврўз» романини Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаровнинг ўтган ижодий йўлини ўзида мужассам этувчи бош китоби, деб баҳолаймиз, янглишмаган бўламиз.

Назир Сафаровнинг кўпгина асарларидан Жиззах қўзғолони ҳақидаги эшитилиб туради. Исёнкор шаҳар фарзанди — бўлажак адиб қўзғолон вақтида ўн бир ёшда эди. Халқнинг чоризмга қарши бу мардона ҳаракати ёш Назирқулнинг юрагида ва онгида қаттиқ муҳрланиб қолдики, буни изҳор қилмасликнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам ёш журналист ва адиб кўнглидаги орзуддао гоҳ «Шарқ тонги» пьесасидаги каби ҳаяжонли эпизодлар, гоҳ Жиззах қўзғолонининг 15 йиллигига бағишлаб ёзилган очерк-қиссасида, гоҳ озодлик йўлида жон фидо қилган халқ йўлбошчилари — қаҳрамонларига ўзига хос марсия бўлган «Уйғониш» (1939 йил) драмасидаги сингари кенг манзараларда бадиий фидосини топа бошлади.

«Наврўз» романининг яратилиш тарихини кузатар эканмиз, автор-нинг ғоявий мақсади бевосита ижод шароёнида чуқурлашганлигини, кўламлироқ бўла борганлигини кўрамиз. Энг аввал Жиззах қўзғолони ҳақидаги «Кўрган-кечирганларим» романи яратилди. Сўнгра, адиб Жиззахда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унинг дастлабки қадамлари ҳақида ҳикоя қилувчи китобини ёзди. Эски дунё вайроналари ўрнида пайдо бўлган янги ҳаёт тўлқини тароҳорнинг нурли шодиёнаси — наврўзга қиёс этилди. Шу тариқа, икки китобдан иборат яхлит асар —«Наврўз» роман-дилогияси майдонга келди.

Ёзувчининг ўз кўрган-кечирганлари ҳақидаги юракда борини яширмай изҳор қилинган туйғу, серқирра мулоҳазалари, образли, тагдор фикрлари ўқувчини ўзбек халқи ҳаётининг тарихан муайян белгилар, ижтимоий ва руҳий деталлар, маиший тафсилотлар, пейзаж тасвирлари силсласида бадиий намоён бўладиган бетакрор дунёсига олиб киради. Айниқса, Назир Сафаров романининг биринчи китобидаги рассом мўйқаламидан чиққандек гўзал сўзлари «Шарқ рангларининг камалакдай етти тусда товланувчи гилами»ни, унинг гулга кирган боғларини, шарқираб оққан ариқларини, ари ўясидек ғувиллаб ётган бозорларини, Жиззах донғини таратган ҳунармандлар яшайдиган маҳаллаларни моҳирона тасвирлаб беради. Кузатувчан, таъсирчан Назирқул оламга тийрак назар ташлайди, ҳаётнинг шодлигию қайғусини ҳис қилади, лекин, табиий, ҳали ҳақиқат даргоҳига элтадиган йўл нақадар қийин бўлишини билмайди.

Ҳикоячи-қаҳрамон Назирқул ёшига нисбатан идрокли кўринади, бошқаларга чуқур ҳамдардлик кўрсата олади. Унинг бу қадар ақлли, ҳассослигининг сабаби нимада? Балки ёзувчи болалик хотираларини кейинги бой, ҳаётий тажрибасидан келиб чиққан, бойитган ҳолда ифодалаётгандир? Йўқ, Назирқул шунинг учун ҳам ёшига нисбатан доно кўринадики, у беихтиёр ҳаётнинг катта йўлига тушиб олган эди. Одамларнинг ташвиш-ҳасратларига шерик бўлгани сари, у ақлан, қалбан улғайиб бормоқда эди. Дарҳақиқат, ҳунармандлар муҳитида, камбағал оилада вояга етаётган ўсмир руҳига халқнинг яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги тасаввурлари, ижтимоий, маънавий-ахлоқий идеаллари табиий равишда сингади. Пировард натижада бу муҳим омил ёш Назирқулнинг ҳаётда ўз тўғри йўлини танлашига сабаб бўлади.

Назирқул ҳаётдан ўз ўрнини топишга интилар экан, акаларининг ҳаёт йўлига назар ташлайди ва қўли гул ҳунарманд Қосимдан ибрат олади.

«Одамлар мени эркалатиб: «Назирқул! Сен Носир акангдек созанда бўласанми ёки қиморбоз?»— деб сўраганларида: «Қимор ёмон! Дадам уришадилар», деб жавоб қилганим эсимда. Улар яна савол ташлашарди: «Ҳа, бўлмаса, ким бўлмоқчисан?», «Менми, мен Қосим акамга ўхшаган фаранг бўламан»,— деб жавоб берардим. Шунда улар хандон кулишар: «Оббо сен-эй... Ҳа, дуруст, Қосим фарангга ўхшасанг, ёмон йигит бўлмас экансан...» дейишар эди».

Созанда акасининг санъатига мафтун бўлса ҳам, Қосим акасининг ҳунармандлигини ортиқроқ кўрган қаҳрамон-ҳикоячи юраги тўла умид билан гўзалликка интилган кишиларнинг истеъдоди завол топишга маҳкумлигини, улар камолга етиши учун ҳаётий шароит мавжуд эмаслигини англайди ва бунга астойдил қайғуради. Бироқ, тирикчиликнинг оғир юки остида эзилган истеъдод эгалари ўзларида халқнинг туганмас маънавий қудратини намоён қиладилар. Жумладан, романда Азиз, Жайноқ амаки, Назирқулнинг отаси ва онаси каби халқнинг туганмас маънавий қудрати тимсоли бўлган бир қанча ўзига хос характерларни учратиш мумкин. Ёш қаҳрамон-ҳикоячи меҳнаткаш, соддадил, пок, мард одамлардан, ота-онасидан дунёда подшо ва у олиб бораётган урушга алоқадор сирли гаплар боргинини, бундай гапларни айтгани учун эндонбанд бўлиш мумкинлигини билиб олади.

Сабр косаси тўлган халқ курашга отланади. «Жиззах музофотини суяб турган бир эмас, икки устунни қулатди ҳамшаҳарларинг, — дейди Назирқулнинг отаси. — Бунинг учун жиззахликларга оқ пошшо раҳмат айтмас, албатта».

Маълумки, совет адабиётида бутун Туркистонни оёққа қалқтирган 1916 йилги драматик эпопеяни тасвирловчи асарлар «Наврўз»дан илгари ҳам яратилган эди. Подшонинг аввалги ваъда ва мажбуриятларига хилоф равишда чиқарган мардикорлик ҳақидаги фармони қозоқ чўлларини ларзага келтирди. Мухтор Авезовнинг «Қийин замонлар» повестида ва Абдижамил Нурпеисовнинг «Қон ва тер» трилогиясида шу ҳақда ҳикоя қилинган. «Чинор» романида қўзғолон кўтарган Жиззахга бир боб бағишланган. «Наврўз» романининг яққол ажралиб турадиган ўзига хослиги шундаки, уни шу катта қўзғолонни бевосита ўз кўзи билан кўрган адиб ёзган, бу асарда тасвирланган воқеа-ҳодисалар, характерлар асосини ҳужжатлилик ташкил этади. Жиззах қўзғолони шоҳиди бўлган ёш Назирқулнинг қалбини ҳам муваққат ғалаба қанотлантиради, мағлубиятдан кейин қўзғолончилар дучор бўлган азоб-уқубатларга у ҳам шерик бўлади.

Қаҳрамон-ҳикоячининг отаси ҳақиқатан ҳам башоратомуз сўзларни айтган эди, одамлар ўз умрларида бир кун қанотли бўлсинлар, руҳан парвоз қилсинлар, деган эди. Биз бу сўзларни жиззахликларнинг қўзғолон кунидаги кайфиятларига — якдиллик билан ўз ҳуқуқлари ҳимоясига отланган кишиларнинг ижтимоий-синфий онги авж нуқтасига кўтарилган бир даврдаги кайфиятларига татбиқ этишимиз мумкин. Бинобарин, ёзувчи таъкидлаганидек, бутун халқ билан бирга курашга кирган кишини тўхтатиб қўйиш мумкин эмас. Назирқул «озодлик» сўзини илк марта эшитганида, уни юксак қоялардан отилиб тушаётган шаршарага, осмонда эркин қанот қоқиб юрган бургутга ўхшатган эди. Жиззахга келган озодлик эса жуда ҳам одми эди: саратон. Қуёш аланга пуркаётгандек. Чирилдоқ ва чигирткалар жиғибийрон чирилларди. Жиззах қўзғолон кўтарган шаҳардан кўра, қамал қилинган шаҳарга кўпроқ ўхшар эди. Лекин маҳаллий ҳокимият йўқ қилинган эди. Халқ шаҳарнинг ва уезднинг хўжайини бўлиб қолган эди.

Бу умидли кун эди, лекин унинг ўрнига қора кун келди. Оқ подшонинг замбараклари қўзғолончиларнинг ошёнини тит-пит қилиш учун шаҳарга тўғрилаб қўйилди. «Улим» сўзига ҳамма кўникиб қолди, у энди ҳеч кимни қўрқитмай қўйди.

Романдаги каппон саҳнаси тасвири авж фожеий пардада ёзилган: одамларнинг саратон иссиғида жизғиш ҳидидан димоқлари чатнайди, нафаслари бўғилади, кўнгиллари беҳузур бўлади. Каппон саҳни исёнкор оломон билан тўлиб-тошган. Ҳамма ерга қапишиб олган. Шундай кенг ерда тангадек очиқ ер йўқ. Солдатлар бирон бола ёки каттанинг ўрнидан туришига йўл қўймасди. Бирон киши ўрнидан турар экан, дарҳол унга милтиқ тўғриланар, яна жойига ўтиргизиб қўйиларди. «Одамлар орасида бир неча ҳомиладор аёл бор эди. Жазо отряди офицерлари ва казаклар ваҳшийлик намуналари кўрсатардилар. Тўлғоқ тутиб: «Уламан!.. Ёрдам қилинглар!»— деб зор қақшаб ётган оналар олдига улар кампирларни йўлатмасдилар.

— Ҳай, тўражон! Утақолай, чақалоқнинг киндиги кесилмаса, она-бола нобуд бўлади-я,— деб зорланарди оппоқ сочи тўзиб кетган бошяланг кекса бир момо. Ҳомиладор онанинг тортаётган азоби, қомати камалак момонинг ялиниб-ёлвориши ҳар қандай тош юракни ҳам эритарди. Шундай ҳам бўлди, ҳеч ким кутмаган бир воқеа рўй берди: кўзи ёриб, қизил қонга беланиб ётган она-болага ёрдам қилиш учун момолардан бир-иккитасини ўтказиб юборган солдатнинг боши балога қолди. Қўнғир мўйлов, бароқ қош, юзи хўроз тожидек қип-қизил зар погонли бир бошлиққа ўрис солдатнинг мусулмон аёлига кўрсатган меҳрибончилиги ёқмади. Исёнкор «сартлар» кўзи олдида у солдат қуролсизлантирилди ва ҳайдаб олиб чиқиб кетилди».

Жиззахликларнинг сувсиз Учтепа чўлига сургун қилиниши саҳналари ҳам ғоят фожеийдир. Улар бу ерда очлик ва ташналикдан ҳалок бўлишлари керак эди. Ким билсин, ҳамма очлик балосига дучор бўлган куни чўлда туялар карвони пайдо бўлмаганида, уларнинг ҳоли нима кечар эди!

Карвон гўшт билан саккиз қоп буғдой келтирган эди. Бу ёрдамни жиззахликларнинг Учтепа чўлига сургун қилинганликларидан хабар топган қозоқ қардошлар йўллаган эдилар. Дарвоқе, киши кишига эмас, халқ ҳам халққа ёрдамга келади! Шу тариқа синфий-антагонистик жамиятдаги ҳар бир миллатда икки миллат мавжудлиги ҳақидаги муҳим ленинча фикр романнинг ғоя ва образларида ўз бадиий тажассумини топади.

Назирқул вояга етгани сари ўз ватандошлари — ўзбеклар ўртасида ҳам икки гуруҳ борлигини англайди. Омон-омон бўлиб, она шаҳарларига қайтган қўзғолончилар Жиззах чор ҳукуматининг иродасига биноан культепага айланганлигини кўрадилар.

Инқилобий Россия эса яхшилик қўлини чўзади. У, 1917 йил февралидан сўнг, ўлимга ҳукм этилган ку-

Самарқанд районидаги Энгельс номли колхознинг илғор сут соғувчи-лари Робия Самандарова (чапдан), Санда Ҳамидова, Гулбаёз Усмонова юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Н. Шарипов фотоси

Адабий танқид

рашчиларни зиндондан озод қилади, кейинроқ мардикорларни ҳам оиласи қучоғига қайтаради. Мардикорлар орасида асл Россияни — чоризмга қарши курашаётган рус ишчилари Россиясини таниб олган, бу ҳақда сўзлаб бераётган кишилар ҳам бор эди. Россия шамоли Жиззахга янги умидли кунларни, маҳаллалар узра ҳилпирай бошлаган қирмизи байроқларни, «Яшасин ҳуррият!» ва «ўртоқ» сўзларини келтиради. «Бундай ўйлаб қарасам,— дейди «Наврўз» романи илк китоби қаҳрамонларидан бири — гимнастёрка устидан яктак кийиб олган бўйдор қарчиғайдек йигит,— биз жиззахликлар Мирзаёр, Ҳаким ва унинг шерикларини ўлдириб, оқ подшодан зулм кўриб келаётган ўрис биродарларимизнинг ёнларини олган эканмиз. Худди бизга ўхшаб рус ишчи-деҳқонларининг Жиззах қўзғолончиларининг қасосини олганликлари шоҳиди бўлиб турибмиз».

«Сиз-бизга ҳуррият керак!— дейди Алексей. — Ер деҳқонники, завод-фабрика ишчиларники бўлиши керак. Меҳнатни қадрлайдиган, миллатлар орасидаги адоватни йўқотадиган ҳукумат керак. Ишчи-деҳқонлар раҳбари ўртоқ Ленин сиз билан бизни курашга, янги жангга чорлаяпти!»

Дилогиянинг ҳикоячи-қаҳрамони Назирқул қизил байроқлар ортидан эргашади. У «Наврўз»да ўзи ҳақида сўзлар экан, замон ҳақида ҳикоя қилади. Янги дунёнинг кўкламига тўғри келган ёшлигини хотирлар экан, ленинча даврнинг халқ тақдиридаги, кишилар қисматидаги эзгу мавқеини бадиий ифодалайди. «Наврўз»нинг биринчи китобида Жиззах қўзғолони ҳақидаги боблар воқеалар маркази бўлиб хизмат қилган эди. Иккинчи китобда эса ҳикоя бир текис, равон давом этади. Асарнинг сюжет йўналишларида, образлар қурилишида тўла-тўкис акс этган пафос мароми бузилмайди. Лекин бу,— айни сўзнинг улуғ рус танқидчиси В. Г. Белинский ғоянинг қудратли кучи, музаффар эҳтиросини назарда тутгани ҳолда кўрсатган энг юксак маъносида, — пафосдир.

«Наврўз» романининг иккинчи китобини нурлантириб турган инқилобий ғоя пафоси хўрланганлар, ҳақоратланганлар бош кўтариб, ўз тақдирларини ўз қўлларига ола билган замон самарасидир. Улар ҳар бир ушоқ нонни нақадар машаққат билан топмасинлар, бари бир эл билан тенг бўлишиб баҳам кўрадилар. Балки, роман қаҳрамони совет ҳокимиятининг ижтимоий одиллигини кўргани учун уни жону дили билан қабул қилгандир, ўзининг янги жамият билан якдиллигини тўла ҳис қилгандир? Инқилоб Назирқулнинг ёшлигини халқ ғалабасининг равшан нурлари билан ёритади ва унинг қалбида ҳаётдан ўз мустаҳкам ўрнини топиш иштиёқини кучайтиради. Мадрасанинг қоронғи ва рутубатли ҳужрасида эмас, балки янги мактабда унинг орзулари рўёбга чиқади: ўқитувчи бўлиб етишади.

Ўн етти ёшга тўлган Назирқулнинг кўнглини юксак ўй-хаёллар қамрайди. У ўз ёшини наврўзга қараб белгилайди. Бунда шоирона, мўътабар, айни пайтда салмоқли ижтимоий мазмун мавжуд. Баҳорнинг бошланиши барча янгиликларнинг ибтидосидир, бу эзгу янгиликларни эса, худди эртаклардаги сингари, лайлаклар ўз қанотларида келтирадилар.

Романда оқ лайлаклар парвозига муаллимлик тақдири қиёсланган, ёзувчилик ҳақида ҳали сўз бормайди, у ҳали истиқболда. Биз Назирқул билан худди шу ерда — адиблик олами остонасида хайрлашамиз.

Ўқитувчи Назирқул маданий инқилоб фронти сари йўл олади. Унинг қанотлари мустаҳкам. Унинг қаноти — келажак. Бу қанотлар кенг ва эркин ёзилсин. Ёш Назирқулга ҳаёт йўлини — Назир Сафаров учун ижод йўлини чизиб берган оқ лайлаклар ҳам ҳамиша бор бўлсин!

Табиат ва инсон

ОНА ТАБИАТНИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК

Кетма-кет беш-олти марта ўқ узилди. Панжоб тоғ тизмаларида бўғиқ акс-садо гумбурлади... Кўксидан ўқ еган она кийик типирчилайди, аллақачон жони узилган болалари томон интилади, аммо мажоли етмайди. У юксак тоғ чўққиларига сўнгги бор нигоҳ ташлайди-да, инграниб жон беради. Унинг ўкинчли ва чиройли кўзлари очиқ ҳолда қотиб қолади...

Ўқ овози Бойсун ўрмон хўжалигининг Хомкон участкаси тоғбегиси Исмоил Абдураҳмонов қалбига ҳам титроқ ташлаб ўтди. У зудлик билан воқеа содир бўлган ерга етиб келди. «Овчилар» ўз ўлжаларини ДОСААФга қарашли 21—32 номерли «ГАЗ-51» машинасига юклаётган пайтларида қўлга тушдилар. Бу «мерганлар» Туйнук қишлоғида истиқомат қилувчи Худойқул Тўраев ва унинг уйига келган қўшни қишлоқлик меҳмонлар эди. Давлатга 1500 сўм миқдорида зарар етказган мазкур «овчилар» район халқ суди томонидан жавобгарликка тортилди. Лекин гап улар келтирган моддий зарар ёки кўрилган чорада эмас, балки жиноятчиларнинг маънавий тубанлигида, табиатга, гўзалликка, камёб жониворларга нисбатан бераҳмлиги ва бемеҳрлигидадир. Ундай кишилар: «Биз яшаяпмизми, бўлди, биздан сўнг оламни сув босса ҳам майли» қабилида иш тутадилар.

Табиат ва инсон Ердаги моддий оламнинг бир бутун таркибий қисмидир. Инсон — табиат маҳсули, унинг фарзанди. Бироқ инсон гўзал она табиатни ва унинг бойликларини асрай билиши зарур. Шу сабабли табиатни муҳофаза қилиш ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш ҳозирги куннинг актуал масалаларидан бири бўлиб қолаётир. Она табиатни эъзозлаш ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Партия ва ҳукуматимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг дастлабки кунларидан бошлаб табиат бойликларининг талон-торож қилинишига қарши курашиб келди, курашмоқда ҳамда бу бойликларни кўпайтириш учун зарур чоралар кўрмоқда. Шу туфайли мамлакатимизда ҳар бир гражданин учун Ватан тушунчаси шу Ватан табиати билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон камолга етгани сайин болаликдан қадрдон бўлган анҳорлар, буғдойзорлар, пахта далалари, боғ-роғларнинг ҳамма-ҳаммаси ягона тушунча — Ватан образини ифода этувчи тимсолга айлана боради. Демак, табиатни ҳимоя қилиш Ватанни ҳимоя қилиш демакдир.

Табиатни муҳофаза қилишдаги маълум малака бугунги кунда ҳар бир киши учун зарур. Бироқ, бу соҳадаги ишни жадаллаштиришда ана шу малаканинг ўзи камлик қилади.

Табиат гўзалликларига муҳаббат қўйиш болаликдан бошланади. Ота-оналар, ўқитувчилар, пионер ва комсомол ташкилотлари болалардаги ана шу қизиқишни доимо қўллаб-қувватлашлари, уларни тўғри йўлга йўналтириб туришлари лозим. Педагогик адабиётларда қайд этилганидек, бу борадаги тарбиявий ишларга романтик эртакларни, саргузашт асарларни олиб кириш, мактаб ўқувчиларига аниқ, жиддий вазифаларни топшириш, табиат назоратчилари отрядларини, меҳнат десантларини ташкил этиш, уларга командирлар сайлаш, «махфий» топшириқлар бериш табиий равишда уларнинг фаолиятини кучайтиради, ўқувчиларни табиатни ардоқлашга ундайди.

Мактабда табиатшунослар клуби ташкил этиш, колхоз ва совхозларнинг чорвачилик фермаларини оталиққа олиш каби тадбирлар болаларда қизиқиш уйғотиб қолмай, балки айни пайтда уларда табиатга нисбатан масъулият ҳиссини ҳам тарбиялайди. КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездига қилган Ҳисобот докладида, деҳқон билан чорвадорнинг меҳнати — аслида табиатдан, атрофимиздаги табиий муҳитдан инсон эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланишнинг ўзидир... Биз қишлоқ хўжалигини табиатни муҳофаза қилишнинг, жонли табиий бойликларни кўпайтиришнинг доимий ҳаракатланиб турадиган жуда катта механизми деб билишимиз керак. Ана шунда табиат ҳам бизга юз карра ортиқ саховат кўрсатади, деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон ССРда табиатни қўриқлаш тўғрисидаги қонун 1959 йилда қабул қилинди. Ана шу қонунга мувофиқ хўжалик оборотига киритилган ва фойдаланилмай ётган ерлар, қазилмалар, ер юзаси, ер ости ва тупроқ замиридаги сув, ўрмон, табиий ўсимликлар, аҳоли пунктларидаги дов-дарахтлар, манзарали, камёб ва диққатга сазовор табиат масканлари, дам олиш жойлари, ҳимоявий ўрмон-боғлар ва шаҳарлар атрофидаги яшил зоналар, ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси каби барча табиий бойликлар давлат томонидан муҳофаза қилинади ва тартибга солинади.

Бироқ, кундалик ҳаётимизда табиатни муҳофаза қилишнинг мавжуд тартиб ва қонунларини онда-сонда бўлса-да, бузиш ҳоллари содир бўлаётир. Бу кўпроқ ҳавонинг ва сув ҳавзаларининг, тупроқ қатламлар[illegible]нинг ифлосланиши ёки заҳарланиши[illegible]га олиб келаётган сабаблар туфайл[illegible] содир бўлаётир. Атроф-муҳитни[illegible] ифлосланиши инсоният учун кат[illegible] зарар келтиради. Жумладан, атмо[illegible]феранинг ифлосланиши турли мат[illegible]риаллар, металлар, резина, қоғоз [illegible] бўёқларнинг емирилишини тезлашти[illegible]ради, қишлоқ хўжалик экинлари [illegible] ҳайвонларининг ҳалок бўлишига оли[illegible] келади. Энг ёмони — атмосферани[illegible] ифлосланиши аҳоли соғлигига [illegible] мамлакат экономикасига ўрнини тў[illegible]дириб бўлмайдиган даражада путу[illegible] етказади, турли касалликларни[illegible] бахтсиз ҳодисаларнинг кўпайишиг[illegible] меҳнат қобилиятининг пасайишиг[illegible] инсон умрининг қисқаришига саба[illegible]чи бўлади.

Бундан ташқари айрим тартибб[illegible]зарларнинг камёб ҳайвонот ва наб[illegible]тот оламига тажовуз қилишлари у[illegible]раб туради. Биз фақатгина ўз шахси[illegible] манфаатини ва жиғилдонинигин[illegible] кўзлайдиган бундай худбин кишила[illegible]га қарши қатъий курашмоғимиз л[illegible]зим. Улар гўзалликнинг фарқи[illegible] бормайдилар, ҳатто баъзан давл[illegible] томонидан барпо этилган яшил бо[illegible]ликни тап тортмасдан поймол эт[illegible]дилар.

Масалан, Сурхондарё области[illegible] қарашли Гагарин районидаги «Ком[illegible]сомолобод» совхозида шундай воқе[illegible] рўй берди. Бешқўтон ўрмон хўжали[illegible]гига қарашли янги бунёд этилга[illegible] тутзорларга совхозда яшовчи Нор[illegible]мат Раҳмонов, Файзулла Бойқувв[illegible]тов, Боймамат Шотўраев, Муҳаммад Раҳмоновлар ўзларининг ўнлаб қў[illegible]эчкиларини ёйиб юбордилар. Нат[illegible]жада меҳнаткашлар не азобда яра[illegible]ган яшил бойлик — қулф уриб тур[illegible]ган барра тут ниҳоллари пайҳо[illegible] бўлди.

Афсуски, бундай ҳоллар респуб[illegible]ликамизнинг олис бурчакларидаги[illegible] юз бераётгани йўқ. Илм-фан ва ма[illegible]дания кундан-кунга гуркираб равна[illegible] топаётган пойтахтимизда ҳам табиа[illegible]га ножўя муносабатда бўлаётганла[illegible] учраб туради. Тошкент ҳайвонот б[illegible]ғидаги жониворларга муносабат, [illegible] ерда сақланаётган фил, йўлбарс, қо[illegible]лон сингари ноёб ҳайвонларнинг н[illegible]чор аҳволдалиги фикримиз далили[illegible]дир. Бу ҳақда «Гулистон» журналинин[illegible] шу йил 1 сонида махсус мақола ҳа[illegible] берилди. Ўша мақола чиққанида[illegible] буён анча вақт ўтди. Лекин яқинд[illegible] биз бориб кўрганимизда аҳвол ҳа[illegible]мон ўзгармаганлигига гувоҳ бўлди[illegible].

Айни пайтда кўпгина мамлакатлар[illegible]даги биолог олимлар, илмий ва жа[illegible]моатчилик муассасалари, халқар[illegible] жамоатчилик ташкилотлари йўқоли[illegible] кетиш арафасида турган ҳайвонла[illegible] ўсимликлар ва бутун бир табиа[illegible] комплексларини муҳофаза қили[illegible] учун курашга актив қатнашишга ч[illegible]қирмоқдалар.

Табиатни муҳофаза қилиш қону[illegible]ларининг бузилиши жиноят ҳисобла[illegible]нади. Лекин биз жиноят содир бўли[illegible]шининг олдини олишга кўпроқ ди[illegible]қат-эътиборни қаратмоғимиз кера[illegible] Бу нарса табиатни қўриқлаш соҳаси[illegible]даги қонунларни маданий-оқарту[illegible] муассасалари, нашриёт, музей, кин[illegible] радио, телевидение, газета ва жур[illegible]нал редакциялари ва ташкилотлар[illegible] кўнгилли жамиятлар орқали ке[illegible] пропаганда қилишни тақозо этад[illegible] Дарҳақиқат, табиатни қўриқлаш соҳ[illegible]сидаги қонунлар ёшларда табиат[illegible] нисбатан муҳаббат уйғотишга, таби[illegible] ресурслардан тўғри фойдаланиш[illegible] ўргатишга қаратилгандир. Шу ма[illegible]садда атроф-муҳитни муҳофаза қ[illegible]лиш асосларини мактабларда ўқити[illegible] ихтисосларга қараб олий ва ўр[illegible] махсус ўқув юртларида алоҳи[illegible] курслар ўтиш назарда тутилади.

Инсон — табиат фарзанди. Ўрт[illegible] Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, ер[illegible]мизни совет кишиларининг ҳозир[illegible] ва келажак авлодлари учун авайла[illegible] асрашимиз ва безатишимиз керак.

Аҳмад ХУДОЙБЕРДИЕ[illegible]

СССР Ички ишлар министрли[illegible]
Тошкент олий мактаби ўқитувчи[illegible]

Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,
Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати



Тошкентга

Тошкент атрофида қулф уради боғ,
Кулар қувнаб оппоқ гулларнинг
ранги!
Баҳорнинг сувлари чулдираган чоғ
Келар унутилган қўшиқ оҳанги.
Тошкентда сиренлар чирой талашар!
Қиш учун тўлагай қуёшни осмон.
Унга олма гули шундай ярашар —
Келинчакнинг никоҳ кўйлагисимон.
Кўрмадим бундайин меҳрибон
шаҳар,
Қанча етим боқди уруш пайти у.
Йиллар ўтар оқиб... Қарир оналар.
Аммо халқнинг меҳри ўлмагай
мангу.
Меҳрига исиниб бахт топди диллар,
Она Тошкент менга онадан зиёд.
Чиндан боқий бўлса одамлар агар,
Демак, одамларга у берган ҳаёт.
Мен ҳам бошим эгиб этаман таъзим
Руҳий ҳотамлиги олдида унинг.
Тошкентда билганим болалик кезим,
Тантана қилганин ошна кўнгилнинг.
Яна боғлар гуллаб улашар роҳат.
Баҳор табассуми бунчалар ёрқин!
Шундай кутмоқ мумкин дўстингни
фақат,
Ташриф буюрган чоғ ишқ сочиб
ёлқин.

* * *

Тошкент четидаман: мовий бир жаннат;
Қалбимга олмалар отади хилқат.
Қандай тугатайин чиройин айта,
Гўё бунда тағин туғилдим қайта.

Ҳали олдда шеърим, хатою хаёл,
Қайдадир йўл пойлар мен севган аёл.
У берган қувончу ғамни этиб тахт,
Йиғмоқда келгуси кунлар учун вақт.

Ҳали-ҳозир гўлман, лақмаман ҳозир.
Душманни аҳмоқ деб биламан, ахир.
Севимли дўстларим йўқдир ёнма-ён,
Умрим узра фақат умид ва осмон.

Тошкент четидаман: мовий бир жаннат.
Эслайман... Дунёмни янгилар хилқат.

Эргаш МУҲАММАД таржималари

Ҳамза хотираси

Йиллар мени қайга олиб борса ҳам,
Не турли китоблар очса ҳам зикрим,
Менинг шу Буюк Шарқ фозиллигидан
Донолик ўрганиб, ёришди фикрим.
Фалокат олдида силтамайман қўл,
Ёв олдида бўлмас юзим тескари.
Ғам, ҳижрон олдида бўлгим келар зўр,
Жасур бўлгим келар
Ҳамза сингари.
Азиз хотираси
қалбимда ҳар дам,
Эсласам ғилтиллаб кўзим ёшланур.
Орамизда қанча йиллар ётса ҳам,
Улар мангулиги
Ҳамзаникидир.

Россия қайинлари

Табассумга ўхшар қайинлар тунда,
Русь боқади шундай табассум этиб.
Ўзининг кулфату хатолари ва
Чақмоқдай ғазабу ғуссасин ютиб.

Қайинлар гўёки аччиқ хотира —
Ҳамон юракларда оғриқ излари.
Қайинлар ўхшайди рус аёлига —
Аскар бўлганларга уруш кезлари.

Улуғворлик ёғиб нурли бетидан,
Россияга этиб тақдирин пайванд,
Туришарди шундай йўллар четида
Жангга кетган чоғи ёри ё фарзанд.

Қорга бота-бота кўксигача то
Поезд орқасидан чопарди тинмай.
Сира бўлмас эди йўллари адо,
Югурса-да на қиш, на-да ёз демай.

Партизанга паноҳ бўлган қучоғи,
Уйларни суяган елкаси билан.
Йўлда, қисқагина дам олиш чоғи
Жангчиларга роҳат — ҳарорат берган.

Қайинлар! Сиз — висол, ҳам аччиқ
ҳижрон,
Ҳасратда кўрганман ўт узра сизни.
Севаман қудратли елкангиз ҳар он,
Вазмину содда феъл-атворингизни.

Қайинлар, ёнма-ён нур ила соя,
Барини кўрдингиз бирга биз билан.
Кучу қудратингиз билмас ниҳоя,
Чунки куч оласиз рус заминидан.

Алишер Навоийни ўқиб

Йилнинг уч фаслидир бор-йўғи уч кун,
Уч кун менинг бутун бойлигим.
Баҳор эдинг биринчи кун мен учун,
Умид шуъла сочган — ойлигим.
Иккинчи кун менга ёз бўлган эдинг,
Севги ўти лов-лов этарди.
Титраб турар эди бутун вужудинг —
Лабларинг, қўлларинг титрарди.
Менинг кўзим бўлиб қолдинг, жон,
Видо шиддати-ла чиқарди ёнғин —
Муҳаббатинг ва ўтли ҳижрон.
Ундан сўнг бизларга қиш бўлди ҳамдам —
Узоқ-узоқ йилларча ҳижрон.
Эс-ҳушни йўқотдик иккаламиз ҳам,
Унинг совуғидан ютдик қон.

Ҳат

Бизда ҳали далаларда қор,
Сизда эса авжида баҳор.

Бизда ҳали изғирин, шамол,
Умид ҳам йўқ қуёшли кундан.
Келгандайин шаҳарга малол
Қалин-қалин иссиқ кийимдан.

Сизда бугун бари ўзгача,
Осмон тиниқ, шаффоф, зангори.
Ярашади ҳар янги уйга
Энди чиққан дарахт япроғи.

Экинзорлар тош қотиб муздан
Сукут кезар ўрмонда — бизда...
Эсдаликка табассум юбор,
Ана шунда бошланар баҳор.

Ярадор бургут

Нурали ҚОБУЛга

Меҳмон бўлдим — чорлади дўстлик
Тоғ, соф ҳаво... «Маҳбубул қулуб».
Шошқин дарё устида кўприк —
Айтиш мумкин: жаннат йўли деб.

Сой бўйида эрта тонг чоғи
Бир бургутни кўриб қолдик биз.
Қанотида қора қон доғи,
Отган уни қайси бир ёвуз.

Самоларни севгани-чун ул,
Наҳот, ўққа гирифтор бўлган!
Бизга қараб турарди яшил,
Нафрат тўла кўзлари билан.

Олиб келдик биз уйга уни,
Ва кўрсатдик шоҳона ҳурмат.
Бошқача тушунди барини —
Гўштни ҳам, сувни ҳам этди рад.

Ёнбағирга келтирдик секин,
Тўрт томон тоғ — кўм-кўк ва зилол.
У учолмас, олар оғир тин,
Шу атрофда ўлар, эҳтимол.

Аммо бизга қараб беғараз,
Зўриқиб кўтарди қаддини.
Сўнг чоғланди парвозга бесас,
Судраганча қанотларини.

Бургут борар етимча мисол
Ва дам-бадам чўқиб қанотин,
Узмоқчи бўларди
у қаттол —
Бирга учаётган азобин.

Фақат кўкда топади шифо
Еки ўлар мовийлик узра.
Эсдаликка чизиб кетди у
Майсазорда қизил бир мисра.

Маъриф ЖАЛИЛ таржималари

МЕНИНГ ДУНЁМ

Расул РАҲМОНОВ

Ёзувчи, журналист, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Расул Раҳмонов 50 ёшга тўлди. Республикамиз адабий жамоатчилиги ва китобхонлар оммаси Расул Раҳмоновни «Қалб қўшиғи», «Партизан Казбек», «Бизнинг маҳалла», «Бир бирига устоз», «Казбек баҳодир», «Нурли манзиллар», «Акбар Исмоилов», «Садоқат» каби очерк, ҳикоя ҳамда қисса китобларини биладилар.

Қуйида ёзувчининг «Менинг дунём» қиссасидан парча эълон қилмоқдамиз.

Ўзини жамиятга бағишлаган, юрт ғамини ўз ташвишларидан юқори қўйган одам ўз тақдирини эл тақдиридан узиб олмайди. Эртасидан қўнғли тўқ, истиқболидан хурсанд, озод, ҳур, бадавлат, меҳнати тайин халқнинг тақдири аъло. Демак, унинг тақдири ҳам, кампири тақдири ҳам аъло бўлади. Отани дўст-ёрлар ҳам, қариндошлар ҳам тан олишарди, мақташарди. Одамнинг ҳақиқий қадр-қиммати шунда эмасми? Катта инсоний мақсадга эришган одам эди у. Шу умид билан яшарди, ҳаётининг лаззати ҳам шунда эди отанинг. Ҳа, инсон умид, мақсад билан яшаши керак. Ота доим: «Фурсатларимиз бекорга кетмасин, майли-да, ҳар ким бир умид билан яшасин, биров билим ўрганади, изланади, биров яхши бир ҳунарни танлайди», дегувчи эди. Ҳаётга, халққа муҳаббати зўр эди, турмуш неъматларининг лаззатига тушунарди. «Меҳнат билан камол топади бу хусусиятлар, бу — хушхулқ. Булар оддий қилади одамни». Ота оддий одам эди. Камтар, ювош одам эди, бекорга аччиғланмасди, бақириб-чақириб, шовқин-сурон солишни билмасди, сўкиш, қарғаш, қўрқитиш ёт эди отага. «Айланай!», «ўргилай!»-га ҳам ҳуши, эҳтиёжи йўқ эди. «Хушомад керакмас! Халқимизнинг зеҳни ўсиб, завқи ўзгариб кетган, маъниси суюқ гап, ҳаракат не ҳожат», дерди у. «Раҳмат, баракалла!» деган сўзлари бир дунё мукофот эди бошқалар учун. Малолли сўз айтиб бировнинг дилини оғритмаган, хушфеъл одам эди у.

Отанинг бошқа бир каттароқ ўйи, ташвиши бўлгандир-ов!

Онанинг ёнидан чиққан Самижон тўппа-тўғри маҳалланинг тўй ва бошқа маросимлар комиссияси раиси Ҳикмат отанинг уйига йўл олди. Йўл-йўлакай, кўрган кишиларига отанинг оламдан ўтганликларини хабар қилиб, маҳалла комитетининг аъзоларини идорага айтиб юборишни илтимос қилиб борди. Ўзбек халқининг ажойиб одати бор-да. Бирор кишининг — таниш-билишми, қариндош-уруғми, ундан қатъий назар, ҳаттоки танимаса ҳам маҳаллами, қўшними — вафот этганлигини эшитса, махсус таклифни кутиб ўтирмай, ўз ихтиёри билан бир-бирига айтиб, қаерда бўлмасин, иложи бўлса, ишдан жавоб олиб, видолашишга келаверади. Самижон Ҳикмат ота билан маҳалла комитетининг идорасига келишганда хона қайғуга ботган фаоллар, маҳалла комитети аъзолари билан тўлиб кетган эди. Йиғилганлар отани пешинга чиқариш тўғрисидаги Самижоннинг таклифини маъқул кўришди, вазифаларни ўзаро бўлиб олишди, маслаҳатга кўра биров поликлиникага, биров қабристонга, кимдир ғассолга, кимдир идиш-товоққа, яна бир одам нонга борадиган бўлди.

— Биз Самижон билан район ижроия комитетига бориб келамиз. Ҳар ҳолда ота район Советининг депутати эдилар. Салкам эллик йил маҳалла комитетига раислик қилиб юртга хизмат қилиб келганлар,— деди Ҳикмат ака.— Ишхоналарига, почтага бир одам бориб келсин. Шунгача уйларига бориб жойларни тайёрлаб туринглар. Уйдаги ишларга ҳам одам тайинланглар. Кўчаларни супуриб, сув сепиш ёддан чиқмасин.

— Самижон,— деди идорадан бир оз узоқлашишгач Ҳикмат ота қадамини секинлатиб.— Боядан бери бир мулоҳаза миямда айланиб юрибтию, айтолмаяпман. Кўпчиликнинг олдида айтсам, у дер, бу дер, деб мулоҳаза қилдим. Шу, ўғлим, шу вақтгача, таъзия маросимларини ўтказадиган бирон-бир масъул идора, ташкилот йўқ-да! Нега шундай экан?

— Бор-ку, ота, лекин, мукаммал эмас. Бунинг устига, ҳар ким ҳар хил ўтказади. Бошини қовуштириб, расмиятчилик қилмай, шаҳарнинг ўзига хос хусусиятларини, одамларнинг билим савиясини, кишиларнинг ёши ва касбини ҳисобга олиб иш кўриш йўқ.

— Қайси идорани айтяпсиз! Ҳалиги, қабристонларга қарайдиганми?

— У ҳам бор, ота. Ундан бошқа янги урф-одат ва маросимларни пропаганда қилиш, уларни меҳнаткашларнинг турмушига жорий этиш комиссиялари ҳам бор. Кўрдингизми, бевосита шу ишга яқин турган, жон куйдириб келаётган сиздек одам ҳам уни билмайсиз. Чунки бу комиссиялар яхши ишламайди, қоғозда бору амалда йўқ! Таъсири, тайини йўқ! Собитқадамлик билан мунтазам суратда иш олиб бормайди, ўтмиш сарқитларига қарши кураш ҳам, янги анъаналарни яратиш ҳам мумкин эмас, шу пайтгача! Кейин, энг ёмони, тажрибадан ажралиб қолишган. Комиссия аъзолари ҳам муқим эмас, уларни ҳеч ким танимайди.

— Ахир, сизлар тушунасизлар, келажак сизларники, шуларни тузукроқ кўтариб чиқсаларингиз, ёзсаларингиз бўлмайдими! Биз кексалар ҳам гоҳо нима қилишимизни билмай қийналиб кетяпмиз.

— Ота, бу гапларнинг ҳаммаси на фақат айтилган, ҳатто матбуотда ёзилган, энг катта анжуманларда ҳам кўтарилган. Билмадим, барибир ҳал бўлмаяпти. Гап кўпу, кўмир оз. Бу фақат бизда эмас, ҳамма ерда шундай. Қайси куни Москвада чиқадиган марказий газетада ўқиб қолдим, биттаси, шаҳар коммунал хўжалик бўлими қабр жойини кўрсатишдан бошқасини билмайди, таъзия куйини ким чалади, марҳумни охирги йўлга кузатаётганда айтиладиган гапларни ҳамма эшитиши учун микрофонни қаердан олади, деб кўп нарсаларни ёзибди. Махсус давлат идораси тузилиб, бошдан-оёқ шуғулланса бўларди, дебди.

— Ўғлим, ҳал этиш керак бундай ишларни. Инсон бор ерда ўлим ҳам бор... Қизиқ, одамлар нима учун фақат эскичага ёпишаверади? Чунки кўнгилга ўтирадиган янгиси йўқ-да! Бори ҳам чала. Оқибатда баъзи ёшлар диндорларнинг таъсирига тушиб қоляптилар, айрим сарқит анъаналарига кўр-кўрона эргашяптилар... Майли, ўғлим, бу ҳақда яна гаплашармиз. Ҳозир, ижрокомдагилар нима деса ўшандай қиламиз, шундайми?

— Шундай.

Улар гап билан бўлиб, манзилга етиб келганларини ҳам билмай қолдилар.

Чорраҳадан тўрт томонга кетган кўчаларнинг четлари анча жойга боргунча турли хил, турли рангдаги машиналар билан тўлиб кетган. Давлат автоинспекцияси одам қўйиб, тартибга солиб туришга мажбур бўлди. Тошкентдаги зилзиладан кейин шахсий тартибда қурилган бир қаватли уйларга тақалган, эни бир метрча келадиган асфальт йўлкалардаги қатор стулларда, кўрпача ташланган тахта курсиларда аксарияти кексалар ўтиришибди. Тўда-тўда бўлишиб, давра қуришиб суҳбатлашиб турганлар қанча. Одатда ўзбек оиларида эркак киши вафот этганда камдан-кам учрайдиган бир ҳолат, қиз-жувонлар ҳам кўзга ташланади. Турли миллат вакиллари бор. Ҳаммалари бир-бирларидан эшитиб келишган. Ишчи ҳам, колхозчи ҳам, зиёли ҳам бор бу ерда. Ота билан видолашгани, жамоат ишига, жамоатчига бўлган ҳурматларини билдиргани келишган. Айрилиқ дардидан ҳамманинг кўзида ёш. Эшик олдида тинимсиз ҳаракат. Гулчамбарлар кўтариб олган тўда-тўда одамлар ота билан видолашиб чиқишарди. Соат бир бўлса ҳамки, видолашувга келганларнинг охири кўринмасди.

Видолашув маросимида давлат идораларининг қўли сезилиб турарди. Отанинг жасади солинган тобут қизил духоба солинган катта столга қўйилган, гуллар, гулчамбарлар билан ўралган. Отага янги дўппи, янги либослар кийдирилган... Оқила холанинг ёнида турган Сами абадий уйқуга кетган отага такрор-такрор боқаркан, марҳумнинг тирикликда қилган эзгу ишлари ҳақида ўйлаб кетди. Сўнгра қабристонда бўладиган митингда сўзлаш кераклиги эсига тушиб, айтадиган гапларини хаёлан такрорлай бошлади...

Қабиланинг нажоткори

Бенгалия кўрфазидаги, Андаман оролларида яшайдиган аборигенлар яқинда чақалоқ туғилишини байрам сифатида кутиб олдилар. Бу воқеанинг аҳамияти шундан иборатки, чақалоқ қизчанинг ўн беш ёшли онаси Лачми бутун қабила бўйича қолган якка-ёлғиз аёл эди.

Ўтган аср охирида Ҳиндистонда ўтказилган биринчи аҳоли рўйхати чоғида «катта андаманлар» деб аталган бу қабила аҳолисининг сони 625 киши деб қайд қилинган эди. Сўнгра қабила ҳар хил касалликлар ва эпидемиялар ҳамда мустамлакачи Англия ҳукумати ўтказган жабр-зулм туфайли бутунлай йўқолиб кетиш ёқасига бориб қолганди. 1961 йилда қабила аъзоларидан ҳаммаси бўлиб 19 киши қолгандиги бунинг ёрқин далилидир.

1980 йилга қадар мазкур қабиланинг сони 26 кишига қадар кўпайди. Улар орасида энг сўнгги нажоткор сифатида 13 ёшли Лачми ҳам бор. эди.

Қабила яшаётган ерга яқин бўлган Порт-Блэр шаҳридан хабар беришларича, она ва янги туғилган чақалоқ ўзларини яхши ҳис этаётирлар.

(«Правда» газетасидан).

АНТИҚА БАЛИҚ

Бу балиқни Гавайи оролларида истиқомат қилувчилар «гумугумунукунуку-апуаа» деб атайдилар. Унинг мазмуни «чўчқа тумшуқли тиканли балиқ» деган маънони билдиради. Елкасида тиканли сузгичи борлиги туфайли уни тиканли деб аташган. Чўчқа боласига ўхшашлиги ҳам рост...



ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ

ТОШКЕНТНИ КУЙЛАГАН ВОСИФИЙ

Қадимий тарихий, адабий асарлардаги Тошкент тавсифига бағишланган парчаларни йиғилса, бир неча катта китоб ҳосил бўлар эди. Чунончи, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» қомусий асари, Ёқут Ҳамавийнинг «Мўжамул булдон» («Мамлакатлар ҳақида мажмуа») тарихий китоби, Комил Хоразмий, Файёз Хўжандий каби ижодкорларнинг шеърий ҳамда насрий асарларида Тошкент ва унинг турли мавзелари тасвирланган, таъриф этилган. Айниқса, йирик адиб, зуллисонайн шоир Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг «Бадоеъ-ул-вақоеъ» асарида Чоч ҳақида анчагина муфассал ҳикоя қилинган.

Восифий XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган машҳур санъаткорлардан биридир. У Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби буюк мутафаккирларнинг назари тушган, уларнинг эътиборини қозонган адиб ва адабиётшунос олим бўлган.

Восифий Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг деярли барча шаҳарларини кезиб чиққан, қайси шаҳарга бормасин, у ернинг об-ҳавоси, хўжалиги, илм-фани, маданий-адабий муҳити билан яқиндан танишган, адабий ҳаётда фаол иштирок этган. Ана шу сафарлари таассуротлари самараси ўлароқ вужудга келган «Бадоеъ-ул-вақоеъ» асари муҳим ижтимоий-маданий, илмий, адабий-эстетик аҳамиятга эга.

Адиб бу асарида ўзи бўлган ҳар бир шаҳарнинг бадиий тасвирини беришга, турли ҳикоятлар, ривоятлар воситасида ўз фикрларини исботлашга интилган. Бундан ташқари, мазкур асар адибнинг ижодий таржимаи ҳолини яратиш, дунёқарашини ўрганиш жараёнида ҳам ягона манба бўлиб хизмат қилади.

Устод Садриддин Айний, шунингдек, профессор А. Н. Болдиревнинг аниқлашларича, Восифий Самарқанд ва Шоҳрухия сафаридан сўнг Севинчхўжахон, Келдимуҳаммадхон, Наврўз Аҳмадлар ҳукмронлиги даврида икки марта Тошкентга келган. Биринчи марта шоир 1515 йил август ойидан 1516 йилнинг августига қадар Тошкентда бўлиб, ўзининг «Тошкент ва унинг боғу роғлари васфида» деган қасидасини яратган. Севинчхўжахон вафотидан кейин Келдимуҳаммадхон тахтга ўтиргач, 1525 йилнинг июль ойида яна Тошкентга келиб, умрининг охиригача шу ерда яшаган. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Восифий 1555—56 йиллар орасида шу ерда вафот этган.

Тошкент ўзининг «жаннатмоманд боғлари, хуш ҳавоси» билан Восифийда катта таассурот қолдирган эди. Адиб «Бадоеъ-ул-вақоеъ» асарида бу ҳақда завқ-шавқ билан ҳикоя қилади. Муаллиф шаҳардаги адабий анжуманлар, учрашувлар ва мунозараларни қаламга олади, уларда илм-фан, адабиёт ва санъат ихлосмандлари қизғин иштирок этганларини тасвирлайди. Абу Али ибн Сино, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Котибий каби шоирларнинг ҳаёти ва ижоди хусусида баҳс ва тортишувлар бўлганлигини зикр этади. Айни пайтда илмий ва адабий мунозараларга файз киритган мавлоно Фирқатий, мавлоно Катимий, астроном, шоир, адабиётшунос, мавлоно Тойиб Конибодомий, Санд Туркистоний, мавлоно Нодирий, мавлоно Матлаи, мавлоно Аҳмад Самарқандий, Шоҳ Ҳусайн, Жалолиддин Юсуф сингари ижодкорлар ҳақида маълумотлар беради. Восифийнинг уқтиришича, Шоҳ Ҳусайн истеъдодли ҳофиз бўлиши билан бирга, бастакор, музикашунос ҳам бўлган. «У қонун ва уд асбобларида Нишопур, Исфаҳон ва Наҳованд мақомларини ғоятда дилнавозлик билан ижро этиб, ашула айтарди; ўзи ҳам бир неча куй ва қўшиқлар ижод этган эди»,— деб ёзади Восифий бу санъаткор ҳақида. «Илми нужум устаси» бўлган мавлоно Катимий шеърият ва адабиётшунослик ҳамда ҳам номдор ижодкорлардан ҳисобланган.

Восифий «Бадоеъ-ул-вақоеъ» асарида келтирилган факт ва маълумотларга қараганда, XVI аср бошларида Тошкентда музика, тасвирий санъат ва хаттотлик ривож топган. Восифий ўша даврнинг таниқли хаттотларидан бири — Обид ҳақида, мусиқа ва адвор (нота ва музика назарияси) соҳасида камолот касб этган Наврўз Аҳмад тўғрисида мароқ билан сўзлайди. Мовароуннаҳр тасвирий санъатининг пешқадам вакилларидан яна бири Жамолиддин Юсуф эса ўзининг реалистик асарлари билан шуҳрат қозонган эди. Унинг асарларида чуқур лиризм, жанговарлик ва енгил юмор қоришиб кетган. Восифий бу рассомнинг «Шер ови» ва «Чодак қозиси» асарлари хусусида тўхталади, уларнинг бирида инсон жасорати бадиий тасвирланганлигини, иккинчисида эса, ўзига ярашмайдиган қилиқлар ва хатти-ҳаракатлар қиладиган кишиларни фош этганлигини ва бу асарлари томошабинлар таҳсинига сазовор бўлганлигини алоҳида таъкидлайди.

Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг 160 мисрадан иборат «Тошкент ва унинг боғу роғлари васфида» қасидаси ҳам катта адабий-маърифий аҳамиятга эга. Зотан, бу қасида Тошкент таърифига бағишланган илк бадиий асарлардан биридир. «Сафоси гўзаллар ҳуснидан зеборок ва чиройлироқ, ҳавоси маҳбубалар карашмасидан раънороқ ва дилбороқ... Ҳуснидан Эрам боғи қусурлироқ» бўлмиш бу кўҳна шаҳарнинг турли манзил ва мавзелари, боғу роғлари, резавору мевалари, оби равонларию ҳайратомуз бинолари ҳақида тўлқинланиб ёзади. Ҳудди шу йиллари бу ерда кўпқаватли бинолар қуришга киришилганлигини эслатади.

Тошкент ва унинг атрофидаги Чирчиқ, Пискент, Парак, Паркент каби аҳоли яшайдиган жойларни ҳам тасвирлаган адиб бу ерлардаги деҳқончилик, боғдорчилик ҳақида батафсил тўхталади; боғу бўстонларни тавсиф этади. Кайковус, Бурак (Оббуррак) ва бошқа анҳорларнинг икки томони «жаннатосо» боғлар билан зийнатлангани, етиштириладиган беҳи, анор, анжир, шафтоли, нок, нашвати, олма; соҳибий, ҳусайний, кўрокий, обаний (бувоки), шакарий каби узумлар; сабзакарж (кўкча), алишерий, оқча сингари қовунларни тавсифлаб, ҳеч бир шаҳарда бундай лаззатли мевалар учрамаслигини ва бу қадар сероб бўлмаслигини таъкидлайди.

Шуниси муҳимки, адиб Тошкентни гуллар шаҳри деб атайди, мафтункор боғларида қизилгул, атиргул, раъногул, наргис, гулҳамишабаҳор, гулихайри, гулисавсар, настаран, лола, ёсуман сингари анвойи гуллар булбулларга илҳом бахш этади, дейди. Тошкент боғу бўстон, чаманзорлар билан ўралган, бир кўрган кишини ўзига мафтун этиб, сеҳрлаб қўядиган шаҳар сифатида тасвирланади.

Восифийнинг «Бадоеъ-ул-вақоеъ» асари XVI аср бошларидаги Тошкентнинг географияси, табиати, архитектураси, адабий-маданий ҳаётини, шунингдек, қардош ўзбек ва тожик халқларининг узоқ тарихга эга бўлган турли соҳалардаги ҳамкорликларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳамиджон ҲОМИДОВ,
филология фанлари кандидати

Жўра АҲМАДЖОН

Қилмишидан хижолатда

Замонанинг зайли билан,
Эл хоҳиши, майли билан,
Жаҳонга келди бир бино,
Кўркаму муҳташамгина.
Қилди уни тақдир шу он,
Кўҳна бинога ёнма-ён.
Ҳамсояга солмай назар,
Гўёки қилгандек ҳазар,
Алик олмай саломига,
Жавоб бермай каломига,
Қилмасди унга эътибор,
Турарди мағрур, сервиқор.
Қулоқ солсангиз сўзига,
Деяр эди ўз-ўзига:
«Кимга керак, ахир, бу чол,
Мисоли бир чўкиртак тол,
Неча юз йиллар яшаган,
Ош-нонини кўп ошаган.
Яна ёнимга тиқилар,
Шундан юрагим сиқилар.
Энди даврон ёшларники,
Умрнинг ҳам бор-да чеки!
Узоқ бормай куни битар,
Бир кун бирдан қулаб кетар».
Ўлкамизнинг пойтахтидан,
Жуда мамнун ўз бахтидан —
Келган эди буюк шоир,
Сўзга чечан эди, моҳир.
Муҳитлардан ошган сўзи,
Тан берган унга ер юзи,
Пойқадами етган ҳамон —
Тик қаддини айлаб камон,
Кекса томон таъзим этди,
Боши салкам ерга етди.
Яна бир кун улкан олим,
Кўнглида илми лиммо-лим,
(Илм денгизин ишғол этиб,
Гавҳарлар конига етиб,
Хазиналар яратган у,
Оламга донг таратган у)—
Шундай улуғ аллома ҳам,
Кексага бошин қилди хам.
Яна бир кун улкан арбоб,
Сақлаб ҳурмат билан одоб,
Шу бино олдига келди,
Қайта-қайта таъзим қилди.
Аммо бизнинг «ёш қаҳрамон»,
Бу ҳолатдан эди ҳайрон:
«Нега ҳамма этар мудом,
Чолни бунчалик эҳтиром?
Унга келганда ҳамма жим,
Унга таъзим этмас ҳеч ким.
Шу пастакдан кам қаери?
Недан экан бунинг сири?»
Гапга қулоқ сол, навқирон,
Ёдингда бўлсин ҳар қачон:
Ўтмасидан олтин фурсат,
Сен ҳам элга хизмат кўрсат.
Узинг кўрдинг қимматини,
Улуғларнинг қимматини.
Ёнингдаги пастак бино,
Кўриниши оддийгина.
Аммо осмонча ҳиммати,
Улчовга сиғмас қиммати.
Қанча-қанча донгдор киши,
Оламга машҳур ҳар иши,
Шу бинода кўзин очган,
Шунда ундан зулмат қочган.
Қаршимдаги кичик бино,
Кўриниши оддийгина.
Яшарган у қайта бошдан,
Либос кийиб мармар тошдан.
Бўлган мангу зиёратгоҳ:
Ўсмир ёш ҳам бундан огоҳ —
Бўлиб энди бир ҳолатда,
Қилмишидан хижолатда!

Самарқанд

Нормурод ХОЛМУРОДОВ

Тўртликлар

Юрагинг ловуллаб турмасанг —ёмон,
Ҳаётнинг завқини сурмасанг — ёмон.
Ҳар ишдан ҳайратга тушмас донолар,
Кўзинг очиқ туриб, кўрмасанг — ёмон!

Тўғри сўз — найзадир, адолат — қалқон,
Мард йигит ҳеч қачон чекмайди армон.
Йиқилган одамни босмайди от ҳам,
Адашса ҳам йўлин топар чин инсон!

Бир дўстим бор — сўзга кўп уста,
Дейди: «Менман нотиқлар пири!»
Айтар сўзи буткул кўчирма,
На боши бор, ва на охири.

Номард, менга йўлдошман, дейди,
Кўллаворинг, кўлдошман, дейди.
Исмимни ҳам билмас-у, аммо
Дўстим, сизга адашман, дейди.

Гўдаклар юришни ўрганар оз-оз,
Кўнгли покизадир мисли оқ қоғоз.
Чивиқни от қилиб минарлар, лекин
Юздадан биттаси бўлур чавандоз!

Жиззах

БОЗОР—СОТУВЧИ—ХАРИДОР

Йил бўйи далада тер тўкаётган, экин-зироатини парвариш қилаётган қўли қадоқ деҳқонларимиз етиштирган ноз-неъматлар бозорда. Хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотлари сотувчи орқали харидор қўлига ўтади, минг-лаб шаҳарликларнинг дастурхонларини безайди, рўзғорга қут-барака киритади. Бозорлар — жамиятимиз моддий камолотининг ва маъмурчиликнинг яққол тимсоли. Магазинда баъзан ҳожати битмаган харидорнинг ташвиши гоҳо бозорда ҳал бўлади. Негаки, бозорда олди-сотди, савдо кўлами кенгроқ ва ранг-баранг.

Фан ва техника тараққий этиб, қишлоқ хўжалиги тобора кенг механизмлашгани сари деҳқонларимизнинг имкониятлари кенгаймоқда. Бунинг самараси ўлароқ республикамиз колхозлари ва совхозларида йилнинг ноқулай фаслларида ҳам сабзавот маҳсулотлари етиштирилаётир. Бунда ихтисослашган теплица хўжаликларининг ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Помидор, бодринг, лимон ва бошқа витаминларга бой турли кўкатларни йил давомида бозордан харид қилишимиз мумкин. Лекин, афсуски, фойдали ижтимоий меҳнатдан бўйин товлаётган баъзи ишёқмаслар бозорларда ин қуриб олиб, олибсотарлик билан шуғулланмоқдалар, харидорларнинг ҳақига хиёнат қилмоқдалар. Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармасида тўпланган материалларда ана шу хил текинхўрларнинг ҳақиқий башараси фош этилган. Қуйида бозорларда ин қурган текинтомоқларнинг «ғаройиб» ишларидан баъзи лавҳаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ШОКОЛАДПУРУШ САРГУЗАШТИ

Башорат Мирқосимова — омадни оёғи остидан қидирадиганлардан. У топиб-тутиш учун жонини койитиб, ўзини уринтириб-суринтириб юрмади. Ўзи яшайдиган Эскиқовунчи посёлкасидаги «Лаззат» шираворлик бирлашмасининг ишчиси Абдуҳалил Миркаримов билан тил топишди. Миркаримов ноёб шираворларни енг ичида уйига келтирадиган, Башорат эса уни бозорда пуллайдиган бўлди.

Башорат ярим тунда Абдухалилнинг Самарқанд кўчасидаги 228-уйидан бир сумка шоколад кўтариб чиқаркан:

— Омадлисиз-да, «Лаззат» бирлашмасидек ширали жойда ишлаш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди,— деди айёрона жилмайиб.

— Бу ёғини қўяверинг. Гап — ўмарган ўлжамизни қойиллатиб пуллашингизда, — дея бўйнини ғоз қилиб кекирди Абдухалил.

— Хавотирланманг, каминангиз енг ичида савдо қилишнинг ҳадисини олганлардан, — деди Мирқосимова.

— Уч кунлардан кейин яна хабарлашасиз-да, — деди Миркаримов...

Ҳамтовоқларнинг пинҳоний ҳамкорлиги шу зайлда давом этди. Абдухалил бирлашмадан ноёб шираворларни қўйин-пинжига қистириб ўмараверди, Башорат Мирқосимова ўлжани Олой бозорида пуллайверди.

— «Дорожний» шоколадингиздан кўпроқ топиладими? — деб Башоратнинг қулоғига секин пичирлади «Назарбек» совхозида яшовчи Маъсуда Алихўжаева.

— Қанча оласиз?

— Ахир, биз ҳам чўтал ишласак деймиз-да, оповси!

Башорат ишора билан уни хилват жойга бошлади. У Алихўжаевага 343 та «дорожний» шоколадини доналаб санаб берди-да, бунинг эвазига 514 сўм 50 тийин пулни санаб олди. Башорат кўтара савдо бўлгани учун ҳар бир донаси 1 сўм 80 тийинлик шоколадни Маъсудага 1 сўм 50 тийиндан пуллади. Ўша заҳоти Алихўжаева кўздан ғойиб бўлди...

Албатта қилмиш-қидирмиш деганларидек, бу текинтомоқлар ҳам Ички ишлар органи ходимларининг назаридан четда қолмади. Улар ҳам қўлга тушдилар. Лекин шу фактлар бизни кенгроқ мулоҳаза юритишга мажбур этади. Баъзи озиқ-овқат корхоналарида майда талон-торожликка қарши кураш кўнгилдагидек йўлга қўйилмаган. Масалан, Янгийўлдаги «Лаззат» шираворлик бирлашмаси ҳамда Тошкентдаги «Ўртоқ» шираворлик фабрикасининг қоровулхона ходимлари келишувчилик йўлига ўтиб олганлар, улар номигагина назорат қиладилар. Ҳатто мазкур корхоналарга яқин жойдан қатнаб ишлайдиган баъзи қўли эгрилар иш вақтларида ҳам уйларига «махсус» қатнайдилар.

Табиийки, ўз-ўзини назорат қилиш интизоми бўшашган, қонун талабларидан чекинган жойларда майда талон-торожлик, давлат мулкига атайин хиёнат қилиш фактлари тез-тез учраб туради. Масалан, ОБХСС ходимлари томонидан ўтказилган рейдлар пайтида Қорасув бозорида Ирфон Муборакшоевич Собирзянов деган шахс парма, подшипник, резинали прокладка каби 52 хил эҳтиёт қисмларни сотиб ўтиргани маълум бўлди. Лисунова кўчасидаги 94-уйнинг 72-квартирасида яшовчи бу кимса Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 24-цехида йиғувчи слесарь бўлиб ишлайди. Пуллаётган эҳтиёт қисмларни эса у шу бирлашмадан ўмариб чиққан.

Давлат мулки дахлсиз бўлиши керак. Корхоналарда майда талон-торожликка қарши курашни кескин кучайтириш, бу ишга жамоатчилик эътиборини жалб этиш лозим. Хавфли иллат — майда талон-торожликка қарши ҳамма жойда бутун куч билан кескин кураш очишимиз лозим.

БОЛАНИ БОШДАН...

Бозорларда балоғат ёшига етмаган баъзи болалар, мактаб ўқувчилари ҳам турли маҳсулотлар билан савдо қилмоқдалар. Пул, дунё йиғиш ҳирсига тушган айрим ота-оналар ўғил ёки қизини оқибатини ўйламасдан савдо-сотиққа жалб қилаётганликлари аниқланди.

Тасаввур қилинг: нораста бола бозор пештахтасида ўз буваси тенги қария билан савдо қиляпти, молини ортиқроқ сотиш учун маҳмадоналик билан тинмай жаврайди, кўпроқ ҳақ ундириш учун унга «ақл» ўргатади... Ахир, бундан тааажжублиси борми?! Бола тарбияси — ижтимоий масала. Бу масалага бефарқ қараш, давлатга, умумманфаатимизга хиёнат қилиш демакдир.

Ҳаётнинг мазмуни, инсон бахти ижтимоий фойдали меҳнат билан белгиланади. Болани ёшдан, ниҳолни бошдан асра, дейди халқимиз. Бола тарбияси — ниҳоят мураккаб. Айниқса, маъмур замонамизда тўқликнинг шўхликларига гувоҳ бўлиб турибмиз. Пул, бозор эса бола тарбиясини бузади. Бола ота-она ва мактаб назоратида бўлиши лозим.

Шаҳримизда ўз фарзандлари олдида ота ва оналик бурчини намунали адо этаётган ажойиб оилалар кўп. Улар сон-саноқсиз. Мана, бир оддий оила. Тошкент шаҳрининг марказий кварталларидан бирида Салима Қосимова деган онахон яшайди. У уруш ва тирикчилик важидан ўқиёлмаган, бирор ҳунарнинг бошини ҳам тутолмаган. Салима ая этак тўла боласи билан эрта бева қолди. Бироқ она ўзини йўқотиб қўймади. Бир ўғил ва тўрт қизни боқиш ва тарбиялаш учун икки жойга фаррош бўлиб ишга кирди. Норасида қизлари Муҳаббат ва Муқаддаслар ҳам ширин уйқуларини тарк этиб, онасининг юмушига кўмаклашдилар. Она ва сингиллар оиланинг тўнғич фарзанди Неъматуллaнинг Тошкент халқ хўжалиги институтида ўқиши учун шароит яратдилар. У институтни тамомлагач, ишга кириб, сингилларининг ўқиши учун жонкуярлик қилди. Катта синглиси Муҳаббат бухгалтерия техникумини, ўртанчаси Муқаддас эса кундузи ишлаб, кечқурун Тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлади. Ҳозир Неъматулла шаҳар атрофидаги йирик бир хўжаликда иқтисодчи, сингиллари — Муҳаббат бухгалтер, Муқаддас эса инженер бўлиб ишламоқдалар.

Оқшомлари Салима ойини Тошкент политехника институтининг кечки курсида ўқиётган кенжаси Наимахонни кўча бошида кутаётганда учратамиз:

— Болаларим кўчада бўлса, уйда тинчиб ўтиролмайман. Минг қилса ҳам кўча кўча-да.

Кўча ташвишидан ороми бузилиб, кечқурунлари кўча бошида хавотирлик билан фарзандларини кутаётган бундай ота-оналар шаҳримизда оз дейсизми.

Ҳа, кўча, бозор муаммоси — жиддий масала. Одатда, болалар оила ва мактабда ота-она, ўқитувчи назоратида бўладилар. Лекин кўчада-чи? Ҳаёт ғуж қайнаган бозор ва кўча ҳаёти бутун жамоатчилик назарида бўлиши, балоғатга етмаган ёшларнинг савдога қўл уришидек ярамас иллатга кескин чек қўйилиши лозим. Бунда бозор комитети аъзолари, мактаб коллективи, ота-оналарнинг ўзлари ва жамоатчилик ташкилотлари фаоллик кўрсатишлари лозим.

Партия ва ҳукуматимиз идеологик, ғоявий-тарбиявий соҳалардаги вазифаларни аниқ-равшан кўрсатиб берди: «Аҳоли яшайдиган жойларда, умумий ётоқхоналарда, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида», деб чиқарган қарорида, — кам сонли коллективларда, олисдаги аҳоли пунктларида тарбия иши кўпинча заифлашиб қолганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Заводларда, колхоз ва совхозларда, ўқув юртларида, қурилишларда, хизмат кўрсатиш соҳасида ёшлар билан олиб бориладиган ғоявий-тарбиявий ишлар анча жонли, конкрет, мароқли ва ишонарли қилиб уюштирилиши керак».

* * *

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари деҳқонларнинг шахсий томорқаларида етиштирилган ортиқча маҳсулотларни шаҳар бозорларига етказишлари учун тегишли шароит яратишлари, уларни транспорт билан таъминлашлари айни муддао бўлур эди. Одатда, хўжалик ташвишидан ортмаган деҳқонлар ўз маҳсулотларини бозорга эрта тонгда келтирадилар ва уларни харидорларга етказиб, тезроқ қайтишга ошиқадилар. Бу эса бозорда изғиб юрган олибсотарлар учун жуда қўл келмоқда. Текинхўрлар маҳсулотни деҳқондан арзонга сотиб олиб, харидорга икки баравар қимматга пуллайдилар. Ёҳуд хўжалик ташвиши билан бозорга қатнаёлмаган деҳқоннинг адресини суриштириб, шаҳардан олиб борган транспортида томорқа маҳсулотларини арзон-гаровга сотиб оладилар ва бозорда ошириб пуллайдилар. Худди мана шу нарса бозорда нархнавонинг «тебраниб» туришига сабаб бўлмоқда. Хўжаликларда етиштирилган маҳсулотлар билан савдо қилишни колхоз ва совхозларнинг шаҳар бозорларида доимий дўконларини тайёрлов ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этиш орқали йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида қабул қилинган Озиқ-овқат программасида бозорларда савдони яхшилаш масаласи ҳам алоҳида таъкидланган: «Колхоз бозорлари тармоғи кенгайтирилсин, бозорларда савдони ташкил этиш яхшилансин, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин».

Бозорлар фаолиятини уюштириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилишни ташкил этишда шаҳарлараро тажриба алмашишни ҳам кенг йўлга қўйиш мумкин. Масалан, Қашқадарё область партия комитети ва область ижроя комитетининг ташаббуси билан йил давомида Қарши шаҳрида районлар куни ўтказилади. Ҳар ҳафтанинг маълум кунида область марказида маълум бир район қизил карвон ташкил этиб, озиқ-овқатлар билан савдо қилади. Қизил карвонни шаҳарнинг В. И. Ленин майдонида ишчи-меҳнат ветеранлари, донгдор кишилар нон-туз билан кутиб оладилар. Шундан сўнг оммавий савдо сайили бошланади. Бу янги анъана шаҳар аҳолиси учун савдо-сотиқни яхшилаб, ишчи-деҳқон иттифоқини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ана шу хил тадбирларни қарийб икки миллион аҳоли яшаётган Тошкент шаҳри учун пойтахт область районлари уюштириши мумкин.

Кейинги йилларда областларимизнинг кучи билан республикамиз пойтахтида байрам ярмаркалари ташкил этилмоқда. Бу хил тадбирларни янада кенгайтириш зарур.

Хуллас, ҳар куни минг-минглаб одамлар рўзғор эҳтиёжлари учун муомала қиладиган бозорларимизда савдо-сотиқ бугунги кун талаблари асосида ташкил этилиши, бу муҳим масалага район ижроия комитетлари, қолаверса, шаҳар ижроия комитети жиддий эътибор бериши лозим. Бозорда харидор ҳақига хиёнат қилувчи эгри қўлларга эрк берилмаслиги шарт!

Ахир, харидор ким? Харидор — бугунги бахтли ҳаётимиз учун қон кечган уруш ветерани, коллективда ҳурмат топган меҳнаткаш, нафақа пули билан тирикчилик қилаётган нуроний қария, қолаверса, сизу биз!

Биз бозор савдосидаги баъзи камчиликлар ва уларни бартараф этиш ҳақида ўз мулоҳазаларимизни билдирдик. «...камчиликларни ва суиистеъмолларни тугатиш учун, — деб таъкидлади ўртоқ Леонид Ильич Брежнев ВЛКСМнинг XIX съездидаги нутқида, — принципиаллик ва қатъиятлилик талаб қилинади. Кўпгина жойларда магазинлар ҳам, маиший хизмат корхоналари ҳам ҳамон кўнгилдагидек ишламаётганлиги сир эмас. Келувчилар билан қўпол муомала қилиш ҳам, совуққонлик билан ишлаш ҳам, ҳатто ўғирлик қилиш, савдо қоидаларини бузиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Мана шуларнинг ҳаммаси гражданларга жиддий зарар етказмоқда. Бу иллатларга барҳам бериш пайти келди!»

Ш. ТОЛИБЖОНОВ,
Тошкент шаҳар Ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг масъул ходими, милиция майори;

Ш. СИДДИҚОВ,
«Гулистон» журналининг махсус мухбири

УРУШГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН!

Исроилнинг салкам 100 минг кишилик қўшини Ливан территориясининг бир қисмини босиб олиб, мамлакат пойтахти Байрутни қамал қилди. Машъум ҳарбий жиноят натижасида бир неча ўн минг киши ҳалок бўлди. Уларнинг асосий қисми қариялар, болалар ва хотин-қизлардан иборат. 600 мингдан ортиқ тинч аҳоли қўшни мамлакатлардан бошпана излаб, Ливандан чиқиб кетди.

Исроил босқинчилари тинч аҳолини ваҳшийларча қириб, Ливаннинг қадимий ва гўзал шаҳарларини ер билан яксон қилмоқдалар. Бу қонли жиноятларга Исроилга иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий ёрдам кўрсатаётган Америка империализми ҳам шерик. Чунки Ливанда содир бўлаётган қонли воқеалар режаси Тель-Авивда ишлаб чиқилиб, Вашингтонда тўла маъқулланганлиги ва қўллаб-қувватланганлиги ҳалқаро жамоатчилик учун сир эмас.

Хўш, Исроил сионистлари ва Америка империалистлари навбатдаги ҳарбий авантюра орқали қандай мақсадларни кўзда тутмоқдалар? Уларнинг айби билан Фаластин араб халқи салкам 35 йилдан бери қувғинликда яшамоқда. Исроил сионизми ва Америка империализми Фаластин араб халқининг миллий ҳуқуқлари учун курашига раҳбарлик қилаётган Фаластин Озодлик ташкилотини, унинг қуролли қисмлари — Фаластин Қаршилик ҳаракатини йўқ қилиб ташлаш ва фаластин халқининг адолатли курашини қувватлаб келаётган Ливан миллий-ватанпарвар кучларини ҳам тугатиш, сўнгра Ливанда Тель-Авив ва Вашингтон изимидан чиқмайдиган қўғирчоқ ҳукуматни ҳокимият тепасига келтиришни ният қилмоқдалар.

Исроил ҳукумати ва Вашингтон маъмурияти-нинг бу ўзбошимчалик сиёсати хусусида нима дейиш мумкин! Аввало, суверен давлат бўлган Ливанда қандай ҳокимият бўлиши масаласини наҳотки Тель-Авив ёки Вашингтон ҳал этса! Қолаверса, Ливан территориясида қандай қўшинлар жойлаштирилиши ҳам уларга дахлдор эмиш! Аслида Ливанда Фаластин араблари лагерларининг пайдо бўлиши хусусида ҳам бош айбдор уларни ўз она ерларидан зўравонлик билан ҳайдаб чиқарган Исроил сионистларидир. Исроил авиацияси томонидан бомбардимон қилинаётган, Ғарбий Байрутда жойлашган фаластинликларнинг лагери Шатилла 1948 йилда пайдо бўлган эди. 1967 йилги Исроил агрессиясидан сўнг Ливандан бошпана топган фаластинликлар сони 350 минг кишига етди. Натижада Ливан ўз ватани озодлиги учун тинмай кураш олиб бораётган Фаластин Қаршилик ҳаракатининг таянч марказларидан бирига айланди. Сўнгги йилларда Фаластин Қаршилик ҳаракати Исроил босқинчиларига қарши курашда сезиларли ютуқларни қўлга киритди. Фаластин халқининг курашига сиёсий раҳбарлик қилаётган Фаластин Озодлик ташкилоти БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан фаластин араб халқининг ягона қонуний вакили, деб тан олинди. Бу ташкилот аниқ ва реал программа — озод қилинган Фаластин территориясида Фаластин миллий давлатини тузиш программасини ишлаб чиқди ва уни амалга ошириш учун аввал тарқоқ бўлган группаларни бирлаштирди. Юқоридаги омиллар Фаластин революцияси тарихида жуда катта силжиш бўлди.

Ҳозирги вақтда Фаластин Озодлик ташкилотини тан олган давлатлар сони 117 тага етди. Бу Исроил билан дипломатия алоқаси бор мамлакатлар сонига қараганда 1,5 баравар кўп. Оккупация остида ва қувғинликда яшаётган тўрт миллион Фаластин араб халқининг жаҳон миқёсида ортиб бораётган обрў-эътибори Исроил сионистларини ташвишга солиб қўйди. Натижада 1970 йилдаёқ АҚШ ва Исроил ўзаро тил бириктириб, Фаластин Қаршилик ҳаракати ва Фаластин Озодлик ташкилоти раҳбарларини жисмоний йўқ қилиш пайига тушдилар. Бу ҳақда 70-йилларда АҚШ президенти лавозимини эгаллаб турган Ричард Никсон мемуарлари гувоҳлик беради. АҚШнинг бир йилда Исроилга кўрсатаётган ёрдами (асосан ҳарбий ёрдам) 2,5 миллиард доллардан иборат. Ана шундай ёрдамга таяниб, Исроил Ливанда жойлашган Фаластин Озодлик ташкилоти ва унинг партизан қисмларини жисмоний йўқ қилишга интилмоқда. Исроил 1975 йилда Ливанда граждан урушини келтириб чиқарди. Аввалига Тель-Авив Ливандаги реакцион кучлар ёрдамида у ердаги миллий ватанпарвар кучлар ва Фаластин Қаршилик ҳаракатини йўқ қилмоқчи эди. Лекин бу режа кутилган натижани бермагач, Исроил Фаластин лагерларини бомбардимон қилиб, Ливаннинг жанубий районларига бир неча бор бостириб кирди.

Сионизм ва империализмнинг бу сафарги уринишлари кўлами ниҳоятда кенг. Исроил агрессорларининг босиб олинган Ливан территориясидаги қилмишларини гитлерчиларнинг ваҳшийликларига қиёслаш мумкин. Гитлерчилар ҳам бутун бир халқларни ер юзидан йўқ қилиб ташлашга беҳуда урин-ган эдилар. Қонуний ҳуқуқлари — ўз территориясига қайтиш ва миллий давлатини барпо қилиш учун адолатли кураш олиб бораётган Фаластин араб халқини ҳам озодлик курашидан чалғитиб бўлмайди.

Яқин Шарқдаги танглиқни куч билан, дўқ-пўписа ёки сепарат музокаралар билан бартараф этиб бўлмаслигини ўтган йиллар тажрибаси яққол кўрсатиб турибди. Совет Иттифоқи Яқин Шарқ масаласини адолатли ҳал этиш ва бу районда мустаҳкам тинчлик ўрнатишнинг аниқ йўлларини доимо кўрсатиб келмоқда. КПСС XXVI съездида уқтирилганидек, Яқин Шарқ масаласини бир-бири билан боғлиқ уч масала — 1967 йилда босиб олинган араб территорияларида Исроил оккупациясини тугатиш, фаластинлик араб халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўз давлатини барпо этишдан иборат қонуний ҳуқуқ-ини амалга ошириш ҳамда шу региондаги барча халқларнинг хавфсизлигини таъминлаш йўли билангина тўла ҳал этиш мумкин. Совет Иттифоқи барча манфаатдор томонлар, жумладан Фаластин Озодлик ташкилоти иштирокида Яқин Шарққа доир халқаро конференция чақиришни таклиф этмоқда.

Ливан ва Фаластин халқлари учун қийин дамларда ҳам Совет Иттифоқи тутаётган принципиал позмция жаҳон жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланмоқда. Совет халқи Исроил босқинчилари ва уларнинг раҳнамоси Америка империализмини қоралаб, Ливанда бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилишига чек қўйилишини қатъий талаб қилмоқдалар.

Турсун ҚОРАТОЕВ,
сиёсий шарҳловчи

Спорт

ДУНЁ ЭЪТИБОРИНИ ҚАРАТГАН КУНЛАР

Жаҳон чемпионати ҳақида мулоҳазалар

Испаниянинг 14 шаҳридаги 17 стадионда бўлиб ўтган XII жаҳон чемпионати ўйинларидан сўнг спортнинг энг оммавий тури ҳисобланган футбол ихлосмандларининг яна неча-неча минг кишига ортганлигига шубҳа йўқ. Моҳир шахматчининг узоқ ўйлайдиган комбинацияларини тезкорлик билан ҳал қила оладиган, енгил атлетиканинг қатор соҳаларини ўзида мужассамлаштирган, чаққонлик ва эпчилликдан ташқари чинакам жасорат талаб этадиган футбол чинакамига оммавийлашиб бораётир.

Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг кекса ишчиларидан бири Аҳад ака Абдуллаев ўзининг футбол ҳақидаги фикрларини изоҳлайди:

— Негадир аввалари футболга эътибор бермас эканман,— деб рўйрост тан олади у.— Аввалига Испаниядаги ўйинларга шунчаки, бир томошабин сифатида аҳамият бердим. Кейинчалик қандай қилиб шайдо бўлиб қолганлигимни ўзим билмайман. Айниқса, СССР, Бразилия, Аргентина, Италия, Франция командалари иштирокидаги ўйинларни ҳаяжон ва зўр қизиқиш билан томоша қилдим.

Ҳа, Аҳад ака айтганидек, роппароса тўрт ҳафта давом этган жаҳон XII футбол чемпионати ўйинларини неча миллион-миллион кишилар томоша қилишди. Статистик маълумотларга кўра, чемпионат учрашувларини жами 1,5 миллиардга яқин киши кўрди.

Шу йил 13 июнь куни Аргентина — Белгия ўйини билан старт олган чемпионат 11 июлда Мадриддаги

«Сантьяго Ьернабеу стадионида Италия — ГДР терма командалари учрашуви билан ниҳоясига етди. Бу икки ўйин оралиғида яна 50 та, жами эса 52 та ўйин бўлди. Бу гал футбол биринчиликлари тарихида энг кўп — 146 та тўп киритилиб, рекорд натижага эришилди. Ана шу ҳар бир ўйин ва ҳар бир тўп, бир-биридан чиройли комбинациялар, янги-янги ўйинчилар миллионлаб мухлисларга озмунча завқ-шавқ келтирди дейсизми?

Чемпионат ўзининг қатор кутилмаган натижалари билан ҳам катта шов-шувга, эътиборга сазовор бўлди. Биринчи куниёқ бундан аввалги жаҳон чемпиони бўлган Аргентина футболчилари Белгия командасига 0 : 1, кейинроқ эса икки марта жаҳон чемпиони, Европа чемпиони Германия Федератив республикаси командасининг кучсиз деб ноўрин баҳоланган Жазоир командасига 1 : 2 ҳисобида ютқазиб қўйиши Испания чемпионатининг кутилмаган натижаларидир. Биринчи босқич ўйинлари тугагандан сўнг футбол оламидаги барча билармонлар, Бразилия командаси чемпион бўлади, ҳозирда унга тенг келадиган командани бошқа галактикадан қидириш керак, деган гаплар тарқатишди. Бунинг маълум сабаблари бор эди. Уч марта жаҳон чемпиони бўлган Бразилия футболчилари ҳақиқатан ҳам Испания чемпионатининг биринчи босқичида ҳужумкор ўйин кўрсатиб, мухлислар ҳурматини қозондилар. Улар СССР, Шотландия ва Янги Зеландия командаларини енгиб, олти имкониятдан олти очко тўпладилар. Тўплар нисбати эса ўнга икки бўлди.

Шу ўринда журналхонлар эътиборини Испания матбуотида эълон қилинган қуйидаги ахборотга жалб этмоқчимиз. Барча футбол билармонлари ва электрон ҳисоблаш машиналари командаларнинг чемпионликка даъвогарлик имкониятлари даражасини ҳисоблаб чиқишди. Бразилия футболчиларига 1/1 деб баҳо бердилар. Англия — Аргентина 7/1, ГФР 9/2, Испания 10/1, СССР 12/1, Белгия — Франция 18/1, Австрия — Италия 40/1, Шимолий Ирландия — Польша командалари эса 66/1 деб баҳоланди. Буни қарангки, футболнинг «академия»ларини битирган етук мутахассислар ҳам чинакам футбол олдида ожиз эканлар. Акс ҳолда Италия командасига қирқдан бир имконият беришармиди? Бу ҳол футболда олдиндан кўра билиш ёки билармонлик қилиш ноўрин эканлигини яна бир карра исбот этди.

Бразилия командаси — сўзсиз кучли команда. Лекин уни чемпионликка олиб чиқиш учун Теле Сантананинг йўл қўйган жиддий хатосини бугун футбол олами рўй-рост ёзаётир. Т. Сантана ўз шогирдларига руҳий далда бериш, ғалабага ундаш ўрнига бошқача иш тутди, яъни Бразилия командасини олдиндан чемпион деб тан олдиришга уринди. Ҳатто футбол қироли Пеле ҳам: «Бразилия чемпион бўлмаса, бу адолатсизликдир», деди. Лекин Италия командаси мағлубиятга учратганидан сўнг, Т. Сантана отдан тушса ҳам эгардан тушмай: «Бу командининг эмас, балки айрим ўйинчиларнинг хатоси бўлди», деб ўзини оқлашга уринди. Пеле эса: «Бундай бўлганига ҳали ҳам ақлим бовар қилмаяпти», деди. Италия командасининг тренери Энцо Беарзотнинг шогирдлари эса ҳақиқатан жасорат кўрсатиб ўйнади, рақибларини доғда қолдириш билан бирга ўйинидан-ўйинга мухлислар ҳурматини қозона борди.

Чемпионат давомида телеграф агентликлари мусобақаларга оид қизиқ-қизиқ хабарларни келтирар экан, улар орасида нохушлари ҳам бор эди. Бразилия-Италия учрашувидан сўнг Бразилия командаси мухлислари стадиондан мотамсаро кайфиятда қайтган бўлсалар, мағлубият хабарини эшитган Бразилиядаги айрим мухлислар юрак тутқаноғига учрадилар. У ерда ҳатто ўз-ўзини ўлдириш ҳоллари ҳам юз берди. Етук мутахассис сифатида танилган, чемпионликка асосий даъвогарнинг тренери бўлган Теле Сантана биргина мағлубиятдан сўнг: «Кейинги тақдиримни ўзим ҳал қилолмайман, иш топа оламанми, йўқми», деб ошкор айтди. Баҳоланки, Бразилия футболчилари ўзларининг чемпион бўлишларига ишонгандилар, 12 июлда президент қабулида учрашувни ҳам режалаштириб қўйган эдилар.

Мана, эндиликда Испаниядаги чемпионат тарих бўлиб қолди. Италия футболчилари учинчи марта чемпионлик унвонини қўлга киритдилар. ГФР командаси олтин суви юритилган медалга, Польша футболчилари кумуш медалга, Франция командаси эса бронза медалига сазовор бўлдилар.

Холисона айтганда, чемпион чинакамига чемпионга хос ўйин кўрсатди. Тўғри, унинг биринчи босқичда Польша, Перу ва Камерун командалари билан учрашувидаги дуранг ўйинлари анча нурсиз ўтди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам кўпчилик бу командани ғолибликка даъвогарлар сафига қўшмаган бўлса керак. Лекин Италия футболчилари кейинги босқичда Аргентина командасини 2 : 1, Бразилия футболчиларини 3 : 2, Польша командасини 2 : 0 ва ниҳоят, финалда ГФР командасини 3 : 1 ҳисобида енгиб, мананан деган командаларни доғда қолдира олдилар. Чемпион мухлисларга завқ-шавққа тўла чиройли ўйин ҳадя этиш билан бирга тренер ва мухлислар учун янги дарслик саҳифаларини ҳам очди. Чемпионнинг ўйини ҳали узоқ вақт ўрганилади, мунозараларга сабаб бўлади. Ахир 1934 ва 1938 йиллардан сўнг ниҳоят Италия командаси яна чемпионлик шоҳсупасига кўтарилди. Команда капитани ва ветерани Зоффо, энг натижали ҳужумчи Росси, Тарделли, Грациани, Антонини ва бошқа ўйинчилар нимага қодир бўлсалар, ҳаммасини намоён эта билдилар. Ана шунинг учун ҳам улар миллионлаб футбол шинавандаларининг ҳурматини ҳақли равишда қозондилар.

12 йиллик танаффусдан сўнг СССР терма командаси ҳам чемпионатда иштирок этди. Ошкора айтиш керакки, мухлислар командамизга катта умид боғлаган эдилар. Дарҳақиқат, футболчиларимиз Бразилия командасига 1 : 2 ҳисобида ютқазиб қўйишган бўлишларига қарамай, биринчи ўйинни жуда яхши ўтказишди. Группада умумий иккинчи ўринни олиб, навбатдаги босқичга ҳам чиқдилар. Лекин Польша командаси билан бўлган ҳал қилувчи ўйинни анча суст ўтказдилар. Ҳолбуки, мақсад аниқ: фақат ғалаба даркор эди. Мана шундагина командамиз ярим финалга чиққан ва кам деганда бронза медали билан тақдирланган бўлар эди. Миллионлаб мухлислар Польша билан бўлган ўйинда командамизнинг битта тўпини орзиқиб билан кутдилар. Лекин ҳужумчиларимиз бу ўйинни ҳужумкорлик руҳида ўтказа олмадилар. Дуранг натижа Польша футболчилари учун навбатдаги якунловчи босқичга йўл очиб берди.

XII жаҳон чемпионати тугади. Бу галги биринчилик Европа командаларига қўш зафар келтирди. Улар дастлабки тўртта ўринни ўзаро баҳам кўришди. Жанубий Америка қитъасининг бирорта вакили ҳам ярим финалга чиқа олмади. Бу эса Испания чемпионатининг энг йирик ва кутилмаган натижаси бўлди. Навбатдаги жаҳон чемпионати тўрт йилдан сўнг Колумбияда ўтказилади.

Футбол оламидаги ҳаяжон, ташвиш, қувонч ва тортишувлар ортда қолди. Медаллар эгасини топди. Лекин чемпионатнинг ҳар бир ўйини ва тўплари ҳали узоқ вақт мутахассислар муҳокамасида, мухлислар мунозарасида қизғин давом этаверади. Футбол ана шу фазилати билан гўзал-да!

Шароф УМУРЗОҚОВ,
спорт шарҳловчиси



Қанотли калтакесаклар

1784 йили Боварияда қазиш ишлари жараёнида яхши сақланган ғалати жонзотнинг скелети топилди. Буюк француз табиатшунос олими Жорж Ковье ўша суякларни учиб юрувчи судралувчи жонзотлар тоифасига тааллуқли эканлигини аниқлади. Олим топилмани «учар-панжа» деб атади.

Ҳозирги кун фани учувчи калтакесакларни қачонлардир бизнинг планетамизда ҳаёт кечирган энг мўъжизавий жониворлардан бири деб ҳисоблайди. Улар ер шарининг ҳаво кенглигида камида 140 миллион йил ҳукмронлик қилганлар. Бироқ 65 миллион йил муқаддам ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи ҳайбатли калтакесаклар сингари улар ҳам қирилиб кетганлар. Сўнгги вақтдаги топилмалар ҳамда Ер юзаси ва иқлимнинг шаклланиши борасидаги янги тасаввур учувчи калтакесакларнинг ердан ҳавога парвоз этган илк умуртқалиларга қардошлигини аниқлашга, уларнинг ранг-баранг кўриниши ва турмуш тарзини атрофлича қайта тиклашга имкон берди.

Учувчи калтакесаклар йирик ўлжалар тутиб ейишолмаган, албатта. Уларнинг айримлари ҳашаротларни овлаганлар. Буни уларнинг кенг жағи тасдиқлайди. Баъзиларининг оғзи китларникига ўхшаш бўлиб, улар сувни сузиб ўтказиб, планктоплар билан озиқланганлар. Чунончи, балиқ тутувчи калтакесак тумшуғининг узунлиги 1,2 метрга етган. Жағи тишдан бутунлай холи бўлиб, човлисимонлиги билан балиқларни тутиб ейишга қулайлик туғдирган.

Учувчи умуртқалилар бўр даврида энг юксак чўққига кўтарилган. Бу даврда анча-мунча йирик жониворлар ҳам учиб юрган. Қадимги ва ҳозирги учувчи жониворлар қанотларининг скелетларини солиштириб, калтакесакларнинг қандай учганлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Маълумки, ҳозирги учувчи кўршапалаклар, ўз қанотининг мембраналарини узун панжалари орасида таранглаштириб тортади. Қушлар қанотининг патлари қўлларига бориб туташади. Учувчи калтакесакларнинг қаноти эса жуда ўзгариб кетган тўртинчи бармоқ орқали ёйилган. Бошқа бармоқлар эса шаклан ўзгариб, илмоқсимон тирноққа айланган. Мазкур жонзотлар тўрттала қўл-оёғи билан юришга ҳам мослашган, бунда уларнинг кичик бармоқ тирноқлари силжишга кўмаклашган. Олимлар, шунга ўхшаш ва бошқа учувчи калтакесаклар хилма-хил ҳолатда, шохларга ёки қоялар қиррасига осилиб дам олаверган, деб ҳисоблайдилар. Мазкур жонзотлар парвоз олдидан жойидан узилган ва ўзини ҳаво оқимига қарши ташлаган. Аэродинамик трубани кузатиш шундай хулоса чиқаришга имкон беради. Оғирлиги 15 килограмм, қанотининг кенглиги 7 метрли калтакесак-птироподоннинг (кондорники 3 метр, альбатросники тахминан 3,5 метр) ҳаво оқимига қарши учиши учун тахминан 25 километр-соат тезлик лозим бўлган.

1972 йили қазиш ишлари пайтида илк бор бўр даври чиқиндисидан трубасимон суякнинг скелет қолдиғи топилди. Унинг қувурсимон суяклари аввалги ҳисоб-китоб қилиб қўйилган барча мўлжаллардан ҳам ошиб тушди. Техасда қанотининг узунлиги 15,5 метрлик калтакесак скелети қазиб олинди. У ўз ҳажми ва узунлиги жиҳатидан баъзи бир қатор замонавий самолётлардан ўтиб кетди.

Палеонтологлар қанотли калтакесакларнинг талай ўзига хос жиҳатларини систематиштиришга ўзгартиришлар киритиш ғояси томон бурмоқдалар. Умуман уларни судралувчиларга ажратиш тўғрими? Уларни ўзига хос умуртқалилар синфига оид динозаврлар қаторига қўшиш тақ-



лифлари ҳам бор. Гап шундаки, динозаврлар каби қушлар аждодига мансуб мазкур учувчи калтакесаклар ҳам иссиқ қонли жониворлар бўлмоғи керак эди. Судралувчиларда эса ҳароратни мувозанатлаштириш системаси бўлмаган, улар ҳароратни атроф-муҳитдан олганлар. Совет палеонтологи А. Шаров бу фаразни асослаш учун ишончли кўрсаткични қўлга киритди: у Қоратоғ бағрида яхши сақланган учувчи калтакесак қолдиғини топди. Мазкур топилма жонзотнинг юмшоқ юнг билан, бошқача айтганда, твит билан қопланганлигини исботлайди. Твит эса, ҳароратни мослаштирувчи системанинг ажралмас қисмидир. Ҳар эҳтимолга кўра, ҳозирги денгиз қушларининг патлари сингари уларнинг твити ҳам оқ рангли бўлган. Чунки агар калтакесаклар қора рангда бўлса, овланадиган балиқлар чўчиб кетарди.

Аммо муҳит-шароитга мана шундай юксак даражада мослашишга қарамасдан, бу учувчи жонзотлар юра даври охирида қирилиб кетди. Иқлимнинг кескин ўзгариши қуруқлик ҳамда денгиз калтакесакларининг ва уларнинг ҳавони забт этган қардошларининг ҳалокатига сабабчидир. Жумладан, «беш панжа»лар мослашган енгил шабаданинг шиддатли шамол билан алмашиниши бу бесўнақай қанотли жонзотларга офат келтирган. Бир олимнинг сўзича, шамолнинг кучайиши уларни ер юзидан бутунлай супуриб ташлаган.

(«Наука и жизнь» журналидан)

НАФОСАТНИ ТОПТАМАНГ!

Мана, Жиззах шаҳридан чиқиб, Самарқанд шаҳрига боришдаги қадимий қопқасиз «Темур дарбозаси»да турибман. Бошимдан дўппим тушгудай бўлиб, кўкка туташиб кетган чўққиларга, қояни туртиб чиққан харсангларга тикиламан. Тўрт томоним, кўриниб турган бир парча нилий самони ҳисобга олмаганда, тоғу тошлар билан қуршалган. Улар менинг устимга силжиб келаётганга ўхшайди. Ваҳм ичида борлиғи металларга, афсоналарга чулғанган ўтмишни эслайман. Афсоналар ёдга тушади.

Қулоғимга баланд қоялардан иборат тор ва қоронғи дарадан ўтаётган отларнинг туёқларидан чиқаётган овозлар, қўшинларнинг урҳо-ури, асов Сангзор дарёсининг ёлдор тўлқинларининг қирғоққа шалоплаб урилиши ва қоялардан қайтган акс-садо эшитилгандай бўлди. Ҳа, бу ернинг ҳар бир қаричи, ҳар бир тоши, ҳар бир бутаси тарих!..

Ана, сахий нурларини борлиққа сочиб қуёш чиқди. Қалбим тонгги сабодан баҳра олиб энтикди. Устимга босиб келган юксак қоялар орқага тисарилгандай бўлди. Назаримда узатсам, қоялар орасида бир парча бўлиб кўринган нилий осмонга қўлларим етадигандай туюлди.

Борлиққа ҳавас билан қарайман. Бир вақтлар тор ва қоронғи бўлган бу афсонавий дарадан Катта Ўзбек тракти орқали турнақатор машиналар ва дарёнинг нари ёғида пўлат излар бўйлаб поездлар чопарди. Энди Сангзор дарёси ҳам жиловланган. Бетонлаштирилган каналга тушиб, ўқдай отилади. Унинг бир пайтлардаги жўшқин тўлқинлари қирғоқларни емиролмайди. Лекин негадир қуёшнинг заррин нурида қоялардаги тоғу тошлар кўзларимга ғалати кўринаётир. Ҳа, рост, тошлар ҳар хил рангларда кўриняпти! Йўқ, алданмаган эканман. Улар турли хил бўёқларга чапланган эди. Шод кўнгилни хира пашшадай безовта қилгувчи бўёқларнинг ялтираши ғашимни келтирди.

Ажабо, нега одамлар номларини бўёқлар билан тошларга, харсангларга ёзиб кетишган экан-а? Тўғри, бу қояга улуғ Мунажжим Мирзо Улуғбек ҳам лавҳа ўйдирган. Лекин у ёзувлар тарихийлиги ва тарихий воқеаларни авлодларга етказиши билан қимматлидир. Ўшанда ҳам улар табиатга зўравонлик қилишмаган, тошдан махсус лавҳа йўнилиб, тарихий воқеа ўша лавҳага битилган! Аммо тўғри келган жойга бўёқ чаплайвериш, бўлар-бўлмасга исмларни ёзаверишда нима маъно бор экан? Эҳтимол, бу «хаттот»лар ҳам шу тошлар, қоялар баҳонасида ўз номларини абадийлаштирмоқчидирлар? Қани, кўрайлик-чи, кимлар экан, «мангуликка дахлдор»лар?

Мен ўша номлардан бирини, кўзга дарров ташланадиганини, кўпроқ бўёқ сарфланиб, жимжимадорлик билан ёзилганини ўқийман: «Акбар-Джамиля-Любов». Мана сизга севги изҳор қилиш, дил рози... О, бечора «ошиқ»лар!!! «Лайли-Мажнун»лар! Шунча қимматли вақтларингизни бекорга сарфлаб, номингизни ажи-бужи қилиб тошларга ёзиб ўтирганча, табиатнинг гўзаллигидан, сеҳридан баҳраманд бўлсангиз ярашмасмиди, нодонлар?! Агар сиз юксак чўққиларга кўтарилсангиз, бутун борлиқ кафтингизда тургандек кўринади. Сиз ундан буюк меҳнат оғушида маст. Ғаллаорол далаларини, унинг саховатли кишиларини кўрардингиз. Ижодкор халқнинг қирларга сув чиқариб, лалмикор ерларни боғу бўстонларга айлантираётганликларининг гувоҳи бўлардингиз. Агар чинакам ошиқ экансиз, уларнинг сафига кирринг! Бир-бирингизга бўлган муҳаббатни меҳнат орқали, Ватанга, халққа фойда келтириш билан изҳор этинг! Муҳаббатингизни табиатнинг нодир тошларига эмас, қалбингизга ёзинг. Сиз, эҳтимол, севгимизни тошларга ёзиб абадийлаштирамиз деб ўйлагандирсиз. Йўқ, бу билан сиз енгилтаклик қилгансиз. Сиз, ўз ахлоқсизлигингизни, фаросатсизлигингизни эларо маълум этгансиз! Севги муқаддас туйғу! У тўғри келган ерга ёзилиб кетилаверадиган ташландиқ нарса эмас, балки қалбнинг энг нозик қаватларида сақланадиган, ардоқланадиган туйғудир. Севгини тошларга битиш — ҳаёсизликкина эмас, балки табиатни таҳқирлаш, нафосатни топташдир. Бу номаъқулгарчилик учун минглаб табиат ошиқларининг нафратига учрадингиз! Бу ерга ҳар куни қанчадан қанча саёҳатчилар келадилар. Мана, ҳозир сиз уларнинг ҳар бирига ўзингизнинг тош қалбингизни намоён этмоқдасиз!

...Тошларга ёзилган сўзларга қараб, ғазабингиз қўзғайди. Ёзишга жой қолмаганидан бир исм устидан иккинчи исм чаплаб ташланган. Чунончи, «Абдувоҳидов» деган фамилия қора бўёқда ёзилибди... Шундай қилмаса бўлмас эди албатта, чунки бу сўзнинг остида қизил, яшил ва кўк бўёқларда ёзилган исм ва фамилиялар кўмилиб етибди. «Абдувоҳидов» сўзи эса тириклигидаёқ қора бўёқ билан битиб қўйилибди!

Шу пайт бир киши машинадан тушди. Ажабтовур кийинган, бундай қарасангиз, маданиятли киши экан, дейишингиз мумкин. У машинанинг капотини очиб ичидан бўёқ солинган идиш ва чўтка олди. Сўнгра исмлар ғужғонига, йўқ, шу ташландиқ исмлар қаторига ўзининг номини ёзмоқчи бўлди. Биз йўл қўймадик. Ҳайф сенга маданият, ҳайф сенга табиат, ҳайф сенга вақт...

Даралар юқоридагидек беҳаё, бефаросат кишиларнинг қилмишлари оқибатида ҳувиллаб қолганга ўхшайди. Бир пайтлар бу ерлар қушларга тўла бир оромгоҳ эди. Тонг маҳали какликларнинг тўлиб-тошиб сайраши тошларни ҳам янгратиб юборарди. Ҳовузларга ўрдаклар кўнарди. Дов-дарахтларнинг шохлари турли хил сайроқи қушлар уясидан қайрилиб кетарди. Ҳозирги пайтда бу ерда, гапнинг очиғи, табиатнинг мувозанати бузилган. Минг йиллар давомида ошён қуриб келаётган ноёб қушларнинг кўпчилиги бу ерни мангу тарк этган. Биз кейинги вақтда Темур дарвозаси қояларида какликларнинг сайраган овозини эшитмаяпмиз. Бунинг сирини саёқ овчилардан ҳам сўраш керак. Уларнинг дастидан бу ерларга ёввойи каптарлар, зарғалдоқлар ҳам келмай қўйди. Бунда сўқмоқлар жуда кўп. Яширинса топиш қийин, ҳеч ким халақит бермайдиган хилват жойлари ҳам анчагина. Бу жойларни баъзи бир бойваччалар яхши биладилар. Улар бу ерларда соатлаб, ҳатто кечалаб қолиб кетадилар, ноёб бута ва ўсимликларни пайхон этадилар, ўт ёқадилар, кабоблар пиширадилар... «Сайр» тамом бўлгач, ҳамма нарса жой-жойида қолаверади. Синдирилган шишалар, консерва банкалари ва озиқ-овқат қолдиқлари, нон ушоқлари, қоғозлар, латталар... Улар шу тарика нафосатни топтаяптилар. Уларга чора ҳам кўрилмайди?

Бизнингча, Темур дарвозасининг ёнгинасида ГАИ постини қуриш ва чанқаган йўловчиларнинг чой ичиб кетиши учун чоғроқ чойхона қуриш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилинса, сўқмоқларга машиналар кириб кетмас, исмини ёзувчилар ҳам тутиб олинар эди.

Кейинги йилларда Темур дарвозаси қирларида ўсадиган тоғ лолалари кескин камайиб кетди. Бунга сабаб болалар ва мактаб ўқувчиларининг лолаларни даста-даста қилиб, йўловчиларга пуллаётганлигидир. Улар тушунмаган ҳолда лоланинг илдизига зарар етказадилар. Мактабларнинг биология фани ўқитувчилари ўқувчиларга бунинг зарарли оқибатларини тушунтирсалар ёмон бўлмасди. Табиатнинг «Қизил китоби»га тушган бу нодир гулни сақлаб қолиш учун ҳаммамиз жон куйдиришимиз зарур.

Қисқаси, Темур дарвозасининг дилбар табиати баъзи бир енгилтакларнинг қилиқларидан зор-зор қақшамоқда. Табиат гўзаллигини ҳис қилмайдиган безориларга қарши курашмоқ керак. Ахир биз табиатни мана шу асрий, чўнг қояларсиз, баҳорнинг умрини узайтирадиган ям-яшил боғларсиз, сон-саноқсиз қушларсиз тасаввур қилолмаймиз. Табиат уларсиз нақадар қашшоқ ва кўримсиз бўлиб қолади!

Партия ва ҳукуматимиз табиатни эъзозлашга алоҳида аҳамият бериб келаётир. Темур дарвозаси атрофидаги жойларга ҳам минглаб туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Жиззах томондан боришда, Темур дарвозасидан анча берида ҳовузлар, дам олиш бекатлари ташкил этилди. Бу тадбирлар келажакда бу жойларнинг янада зиёратгоҳ масканбўлишини таъминлайди. Шундай экан, унинг ҳар бир тошини эъзозлашимиз, гўзаллигига путур етказмаслигимиз, холис йўловчилар кўнглида яхши ҳислар қолдиришга кўмаклашишимиз керак.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

К. Жўрақулов фотолари



Анатолий БАВИҚИН

ПРИНЦИП

Инженер бўлиб ишлайман. 160 сўм оламан. Бунинг устига, квартал-да яхши ишлаганим учун мукофот ҳам чиқиб туради. Ҳар йили август ойида отпуска олиб, бирорта яхшироқ дам олиш уйидами, денгиз бўйидами, санаторийдами ҳордиқ чиқараман.

Бир куни, ишлаб чиқариш мажлисида директоримизни раҳбарликда йўл қўйган камчилиги учун қаттиқ танқид қилиб қўйдим. Эртасигаёқ отпускам негадир декабрь ойига кўчирилди.

— Қорда ҳам қораяверасан, — дейишди менга заҳархандалик билан.

— Яхши, — дедим мен. — Қишда Сочида квартиралар арзон бўлади. Пляж эса ёздагидек тиқилинч бўлмайди. Мен учун принцип отпускадан қиммат туради.

Кейинги мажлисда корхонамизда хўжасизликка йўл қўйилаётгани учун директорни қаттиқ танқид қилдим. Сал вақтдан кейин мени бошқа бўлимга ўтказишди. У ерда ҳам инженерман. Маошим 120 сўм. Мукофот йўқ.

— Қалайсан энди, танқидчи, — деб қўйишади менга.

— Аъло! — дейман уларга. — Камроқ алимент тўлайман. Мукофотга ҳам зор эмасман. Ҳаммасидан принцип қиммат.

Директорни яна қаттиқ танқид қилдим. Қўпол раҳбар, дедим. Қайта тарификацияда мени «қайчилаб» ташлашди. Техник бўлиб ишлаяпман. Ойлигим 100 сўм.

— Сенга қийин бўлди, — дея ҳамдардлик билдиришади ишхонадагилар.

— Қайтага яхши бўлди, ҳеч қандай жавобгарлиги йўқ, асабни йигирма йилга тежайман. Ҳаммасидан принцип қиммат.

Ишни барбод қилгани учун директорни яна кескин танқид қилдим. Ишдан бўшатамиз, деб дўқ-пўписа қилишди. Сўнгра мени тунги қоровулликка ўтказишди. 80 сўлкавой оладиган бўлдим.

— Ўмбалоқ ошиб кетдинг-ку, — деб қўл силташди ишхонадагилар.

— Кўнгилдаги иш бўлди! Тунда ухлайман, сутканинг бошқа кунлари дам оламан. Кундузлари кинога тушаман. Принцип ҳамма нарсадан қиммат, — дейман мен.

Директорни яна бир карра танқид қилдим. Газетага танқидий мақола ёздим. Энди мени ишдан пастлатиб бўлмайди, ойлигимни кесишолмайди. Касаба союздагилар менинг бўшашимга рози эмаслар. Бир куни мени директор чақириб қолди.

— Сен нега менга осилиб олдинг? — деб сўради у.. — Сенга нима керак? Бу танқидлардан сенга қандай фойда бор ўзи?

— Принцип ҳамма нарсадан қиммат, — деб жавоб бердим мен.

— Қиммат дейсанми?.. Принцип неча пул туради?

— 170 сўм,— дедим мен...

Ҳозир мен умумий масалалар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаяпман. 250 сўм маош оламан. Мукофот ҳам, денгиз бўйларидаги дам олиш уйларига путёвка ҳам муҳайё.

Муҳими шуки, принципни қаттиқ ушласангиз, обрўйингиз ошаверади.

М. ЮНУСБОЕВА таржимаси

Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ

ЮМШОҚ ТЎРА

ИНТЕРМЕДИЯ

Коммунал хўжалик бошқармаси бошлиғи Тўрахон Ҳалимовичнинг хонаси. Бошлиқ котибасига гап уқтиряпти.

Бошлиқ. Хўш, бугундан бошлаб, одамларга хушмуомала бўлинг, ҳар қандай гапни ҳам кулиб гапиринг, иложи бўлса, бир пиёла чой қуйиб беринг. Устимиздан ёзишибди.

Котиба. Нима деб ёзишибди?

Бошлиқ. Нима деб ёзишарди, қўпол, бюрократ эмишман. Кеча райкомда муҳокама қилишди. Камчиликларни йўқотишга ваъда бердим. **(Қабулхонадан овоз эшитилади).**

Овоз. Соат ўндан ошиб кетдику, қачон қабул бошланади?

Бошлиқ. Дарров, чиқинг, хушмуомалаликни бошланг.

Котиба. Хўп, ҳозир **(қабулхонага чиқади, ўтирганларга сунъий илжайиб қарайди).** Хуш келибсизлар, бироз сабр қиласиз, ҳозир навбати билан...

Чол. Ахир қизим, мен тонг отмасдан...

Котиба. Тушунарли отахон **(илжайиб),** сиз, мана, бир пиёла чойни ичиб, бемалол кираверинг.

Чол. Э, қизим, аввал бошлиғингнинг олдига кирай, чой ичиш қочмас.

Котиба. Йўқ, ичасиз **(илжаяди).**

Чол. Ҳа, майли, ичсам ича қолай **(чойни ҳўплайди).**

Котиба. Қани, киринг, марҳамат!

(Бошлиқнинг хонаси. Чол кириши билан Тўрахон Ҳалимович пилдираб эшик олдига келади.)

Бошлиқ. Ие, келинг, келинг, отахон. **(Қўлтиғидан ушлаб, стул олдига етаклаб келади).** Қани, марҳамат, ўтирсинлар.

(Бир пиёла чой тутади).

Чол. Раҳмат, ҳозиргина секретарь қизим қуйиб берганди, раҳмат!

Бошлиқ. Хўш, отахон, бизбоп хизмат борми?

Чол. Хизматим ўзингизга маълум, етти ойдан бери қатнайман, уйимизнинг ремонти ҳалигача чала. Ҳамма кўч-кўрон ҳовлида, ёмғир ёғса бола-чақа қаерда туради, билмайман. Полни кўчириб, ромни қайта ишлаймиз, деб, бузиб кетганича усталарингиздан дарак йўқ — бу гапни сизга ўн марта келиб айтдим!

Бошлиқ. Асабни бузманг, отахон, ҳаммаси бўлади. Кексалигингиз ҳурмати, усталарни ўзим топаман, кейинги ҳафтанинг охирида уйингиз битади.

Чол. Бу гапни олдинги келганимда ҳам...

Бошлиқ. Йўқ, отахон, менга ишонинг.

Чол. Энди ишонаман, анча юмшоқ бўлиб қолибсан, ўғлим, раҳмат, раҳмат! **(Чол чиқиб кетади).**

Бошлиқ. Хушмуомалалик ҳам чакки эмас, чол хурсанд бўлиб кетди, ремонт чўзилса ҳам, чол энди хафа бўлмайди.

Котиба **(эшикни қия очиб).** Навбатдаги одам кирсинми?

Бошлиқ. Кирсин, ҳой, хушмуомалаликни, кулиб туришни унутманг! Яхши ошинг бўлмаса ҳам ширин гапинг бўлсин, дебдилар.

Чол. Ўғлим, яна келдим, бир ҳафта эди, ахир икки ҳафта ўтди, ремонтчиларингдан дарак бўлмади-ку!

Бошлиқ. Отахон, ўзингизни босинг, мана, бир пиёла чой ичиб олинг!

Чол. Э, шу топда чой ўтармиди? Ахир қиш келяпти.

Бошлиқ. Отахон, асабни бузманг, асаб керак бўлади.

Чол. Асабни сиз бузяпсиз. Яхшиям мен пенсиядаман. Ишлаётган бечораларни: «Эрта келинг, индин келинг», деб ишдан қолдираётгандирсиз.

Бошлиқ. Отахон, ширин гапимга сиз ҳам ширин муомала қилинг.

Чол. Ҳа, юмшоқ Тўра! Аввал дағал Тўра эдинг, энди танқиддан кейин юмшоқ Тўра бўлиб қолибсан-да!

Бошлиқ. Ие, отахон, бундан чиқди ўша шикоятни сиз ёзган экансиз-да!

Чол. Ҳа мен ва мендан кейин навбатда турганлар ёзганмиз. Энди яна ёзамиз. Бу гал «юмшоқ Тўра эртачи» деб ёзамиз **(чол чиқиб кетади).**

Бошлиқ **(қўнғироқни босади, котиба киради).** Мазам қочяпти, чой, чой!

— Домла почча, менга ёмон кўздан асрайдиган тумор ёзиб берсангиз...

— Узингиз ҳам кўзга жуда яқин экансиз-да, опоқ қизим. Хўш, неча пуллигидан бўлсин!

Эҳтиётқор киши.

— Во ажаб, бу ким бўлди!

— Ким бўларди, «ўсаётган» танқидчи-да!

МАРДУМ НИМА ДЕЙДИ?

ҲАЖВИЯ

Тоживой билан Ножия оила қурадиган бўлишди. Тўй маслаҳати пайтида Тоживой Ножияга деди:

— Тўйни дабдабали қилмаймиз. Яхшиси сарф қилинадиган пулнинг бир қисмига денгиз бўйларини саёҳат қилиб келамиз.

— Вой, йўғ-е, мардум нима дейди?— эътироз билдирди Ножия.— Маълум ошининг ўзига эллик кило гуруч дамламасак бўлмайди. Агар шундай бўлмаса, мардум нима дейди?

Тоживой фикр қилди: «Мардум нима дейди? Яъни, одамлар нима дейди? Балки, Ножиянинг маҳалласида одамлар шундай эскича фикр қилар. Йўқ, уни ўзи яхшироқ билади...»

Тоживой ўйга толди, оқибат денгиз саёҳати қолди.

Орадан икки йил ўтгач, Тоживой Ножияга деди:

— Бешик тўйини дабдабага айлантириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Яхшиси, ўғилчамизни салқин жойга олиб бориб, дам олиб келамиз.

— Вой, йўғ-е, мардум нима дейди?— эътироз билдирди Ножия.— Қўшни маҳалладаги сурнайчи ҳар кўрганда бешик тўйи қачон, деб сўрайди. Ҳеч иложи йўқ.

Тоживой ўйга толди, ёзги отпускада салқин жойга бориб дам олиб келиш амалга ошмади.

Орадан беш йилча ўтгандан кейин Тоживой Ножияга деди:

— Ўғилчамизнинг қўлини ҳалоллашни дабдабага айлантириб ўтирмаймиз. Яхшиси, тарихий шаҳарларни айлантириб, томоша қилдириб келайлик.

— Вой, йўғ-е, мардум нима дейди?— эътироз билдирди Ножия.— Ўғлимиз ҳали катта бўлгунча кўп жойни кўради, мардумнинг оғзига тушишдан ёмони йўқ. Тоғамлар бир йилдан буён тойчоқ боқиб, ўғил тўйини кутиб юрибдилар.

Ўғил тўйи катта дабдаба билан ўтди. Тоғанинг тойчоғи ҳам ҳовлида икки кун тургандан кейин ғойиб бўлди.

Йиллар ўтди. Ножия билан Тоживой ўғилларини уйлантирадиган фурсат ҳам келиб етди. Эр хотинга ялингандек деди:

— Хотинжон, кўплар тўйни ресторанда ўтказишяпти. Биз ҳам шундай қилсак, жуда қойил-мақом бўларди-да!

— Вой, йўғ-е!— деб қичқирди Ножия,— мардум нима дейди? Юз кило гуруч дамлатасиз, ўзимнинг тўйимда чақирилмай қолган маҳаллаларни ҳам чақиртирасиз.

Шундай қилиб, ўғил ҳам дабдаба билан уйлантирилди. Невара ҳам кўрдилар. Кунлар, ойлар, йиллар «мардум нима дейди»лашиб ўтаверди. Умрида бирон марта курортга, саёҳатга бормаган Тоживойнинг умри қисқа экан, дунёдан кўз юмди. Тоживой каттагина идорада ишлар эди. Коллектив ҳам катта, аҳил ва меҳрибон эди. Тоживойнинг жасадини идора биносига олиб боришиб, гуллар билан безатиб иззат-икром билан кўмдилар. Ножия эса уй ичига қамалиб олиб:

— Бой, ўлмасам, мардум нима дейди? — деб юмма-юмма йиғлаб ўтирарди.

Мадамин ДАВРОН

Изоҳининг ҳожати йўқ.



— Бундай бўтана сувда чўмилиш биз роботларга ҳеч гап эмас-у, аммо, одамлару жониворларга қийин-да!



ЧАЙНКРОССВОРД

1. Қаҳрамон қалъа. 2. Иттифоқдош республика пойтахти. 3. Ўрмонсиз шимолий ўлка. 4. Ватанимиз жанубидаги денгиз. 5. РСФСРдаги область маркази. 6. Краснодар ўлкасидаги курорт шаҳар. 7. Бутуниттифоқ пионер лагери. 8. Ока дарёси соҳилидаги шаҳар. 9. Республикамиздаги область марказларидан бири. 10. Қирғизистондаги дарё. 11. Автоном республика пойтахти. 12. Арманистондаги тоғ кўли. 13. Тожикистондаги гигант нурхона. 14. СССРдаги тоғ тизмаси. 15. Автоном республика. 16. Арманистондаги тоғ. 17. Чимкент областидаги шаҳар. 18. Эстониядаги дарё. 19. Кура дарёси ирмоғи. 20. Қора денгиз соҳилидаги курорт шаҳар. 21. Иртиш дарёси ирмоғи. 22. Иттифоқдош республика пойтахти. 23. Волга дарёси ирмоғи. 24. Кавказнинг шарқидаги ярим орол. 25. Ленинграддан оқиб ўтувчи дарё. 26. Хакасия автоном области маркази. 27. Украинадаги область маркази. 28. Ненецлар миллий округи таркибидаги орол. 29. Ўзбекистондаги санаторий. 30. Каспий бўйи пасттекислигидаги Автоном республика. 31. Республикамиз жанубидаги шаҳар. 32. Урал дарёси ирмоғи. 33. Ватанимизнинг энг шимоли-ғарбида жойлашган орол. 34. Догистонда яшовчи халқ. 35. Ярославль областидаги шаҳар. 36. Тожикистондаги дарё. 37. Ҳисор тоғ тизмасидаги кўмир кони. 38. РСФСРдаги область. 39. Украинадаги кончилар шаҳри. 40. Литва ССРдаги шаҳар. 41. Вахш дарёсининг бошланғич қисми.

Тузувчи **Фозилжон ОРИПОВ**

8-СОНДА БОСИЛГАН ЧАЙНКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. Дирижёр. 2. Рамо. 3. Орик. 4. Комитас. 5. Созанда. 6. Авранек. 7. «Казачок». 8. Клавиш. 9. «Шодлик». 10. Коньович. 11. Чанг. 12. «Галдир». 13. «Рост». 14. Тембр. 15. Раққос. 16. «Спартак». 17. Контрабас. 18. Соната. 19. Алёр. 20. Рамазонов. 21. Васильев. 22. «Вальс». 23. Сафокл. 24. Лошчилин. 25. Наргиз. 26. «Занг». 27. «Гулшан». 28. Ноғора. 29. «Алеко». 30. «Омонёр». 31. Романс. 32. «Саркарда». 33. Аккорд.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Ҳамюртимиз —«Союз Т-6» космик кемасининг халқаро совет-француз экипажи капитани, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони космонавт-учувчи Владимир ЖОНИБЕКОВ [ўртада], икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, бортинженер, космонавт-учувчи Александр ИВАНЧЕНКО [чапда], биринчи француз космонавт-учувчиси Жан Лу КРЕТЬЕН [ўнгда] «Гулистон» журнали орқали қўёшли Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларини астойдил табрикладилар, уларга тинчлик-фаровонлик, меҳнатда муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик тиладилар. [Шу сондаги «Космосдаги ҳамкорлик» мақоласига қаранг].

Иккинчи бет: Республикамиз бозорларида ғоят маъмурчилик. Деҳқон даласида етиштирилган ноз-неъматларни шаҳарликлар хушнудлик билан харид қилмоқдалар.

Шаҳрисабз нефть маҳсулотлари базаси партия ташкилотининг секретари Нуриддин Раҳмонов билан теплица хўжалигининг ишчиси Сами Маҳмудов янги ҳосилни кўздан кечирмоқдалар.

Н. Шарипов ва Ш. Шаропов фотолари.

Учинчи бет: Хумсон чиройи: 1. Тоғларда қор, пастда-чи, баҳор... 2. Тераклар.

Тўртинчи бет: Кандакор Омон Азизов асарларидан намуналар: 1. Онажон. 2. Ҳаёт манбаи. 3. Ташналик. 4. Сурнайчи. 5. Қашқадарё кўшиғи

Бош редактор **МИРМУҲСИН**

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, (бош рассом), Маҳмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ (масъул секретарь), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ, Исломиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ

«Гулистон»— ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси 41.

Редакция телефонлари: бош редактор —33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлимми — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлимми — 33-36-02; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди: 22.07.1982 йил. Босишга рухсат этилди 26.08.1982 йил. Р — 07380. Қоғоз 70×108 1/8. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 249360. Буюртма 3871. Нашр М — 108.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ISSN 0134—2207
Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233.

1

2



4

3

5